

С

ТА-ОНА
ИБОДАТИНИНГ КУЧИ



СТОРМИ СМАРТИАН

СТОРМИ ОМАРТИАН

**ОТА-ОНА ИБОДАТИНИНГ
КУЧИ**

СЎЗ БОШИ

Менинг онам — дунёдаги энг ажойиб, мунис онадир. У доимо мени қўллаб-қувватлайди, ҳамма нарсада менга ёрдам беришга интилади. Онажонимнинг менга бўлган меҳр-муҳаббатидан ва мен учун қилган ибодатларидан жуда-жуда миннатдорман. Онагинам мен учун ҳар куни ибодат қиладилар. Ўйлашимча, онамнинг қилган ибодатлари ўқишимда ҳам, ҳаётимда ҳам катта мадад беряпти. Унинг ибодатлари сабабли мен ижобий томонга ўзгардим, балким, айнан шу ибодатлар туфайли мен бу ёруғ оламда ҳаёт кечиряпман. Кунларнинг бирида онажонимнинг ибодати мўъжиза кўрсатди — менинг ҳаётимда ҳеч ўйламаган ва кутмаган ажойиб воқеа юз берди. Синфимизда интизомсиз, ўта шафқатсиз бир қиз бор эди. Мен ундан кўрққанимдан, иложи борича бу қиздан узоқроқда юришга ҳаракат қилардим. Ўша синфдошим тўғрисида онамга сўзлаб берганимда, у шу қиз учун биргаликда ибодат қилишимизни таклиф қилди. Менга бу фикр ниҳоятда ёқди. Мен онам билан синфдошим учун ўқув йили тугагунча ва бутун ёз таътили давомида ибодат қидик. Кейинги ўқув йилида мўъжиза содир бўлди: урушқоқ синфдош қиз бутунлай ўзгарди, менинг энг яқин дугоналарим сафидан ўрин олди. Бу воқеа менинг ҳаётимга жуда катта таъсир кўрсатди, чунки бундай вазиятга ҳеч қачон мен олдин тушмаган эдим.

Онамнинг ибодатлари бажо бўлмоқда. Тўғри, ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди, аммо ибодатларга тезгина жавоб олинмаган тақдирда ҳам барибир, улар мени қўллаб-қувватлайди. Мен Раббийга шукроналар айтаман ва онажонимдан миннатдорман. Онажон, Сизга раҳмат.

Аманда Омартиан (13 ёш)

Мени севувчи ва ардоқловчи ота-онамнинг ҳақиқатан ҳам мени асрашини тан олишим керак. Ота-онам ҳамма нарсани тушунишади, лекин баъзида жуда ҳазилкаш ҳам бўлишади. Ота-онамнинг ажойиб хислатларининг ичида уларнинг сабот, матонат билан мен ва синглим учун қилган ибодатларини ардоқлайман. Агар уларнинг ибодатларини менинг ҳаётимда тутган ўрни ҳақида гапирадиган бўлсам, балки, менинг ҳикоям онамнинг ушбу китобидан ҳам катта бўлиб кетса керак. Шунинг учун ота-онамнинг ибодатининг қудратини тўлақонли ҳис қилганим тўғрисидаги бир воқеани эслаб ўтмоқчиман.

Ҳаётимнинг ўн саккиз йили давомида ота-онам менинг хавфсизлигим учун тинмай ибодат қилишарди. Аслида, «тинч» ҳисобланган Лос-Анджелес деган шаҳарда катта бўлдим. Уларнинг ибодати мени қалқон каби асрарди. Мактабда ўқиётган пайтимда Худо мени оғир автомобиль ҳалокатида асраб қолгани тўғрисидаги воқеа ҳамон эсимда. Мен ва яна икки синфдош дўстим эрталаб машинада

мактабга кетаётган эдик. Хавфсизлик тасмасини тақиб олмаган эдик, бирдан машинамиз чорраҳада бошқа бир автомобиль билан тўқнашиб кетди. Дўстларимдан бири автомобиль ойнасидан учиб тушди ва оғир тан жароҳати олди, иккинчиси эса рулга зарб билан урилиш оқибатида юзига анчагина шикаст етди. Бизлар ҳаммамиз вафот этишимиз мумкин эди, аммо Худованд бизларни Ўз паноҳида асраб қолди. Айнан ўшанда ота-онам ибодатларининг қанчалар кучга эгаллигини ҳис этдим ва биз хавф-хатарга учраганимизда Худо ҳаётимизга аралашшини ва бизни қутқарганини яққол кўрдим.

Ота-онамнинг қатъият билан менинг ҳаётим учун қилган ибодатларидан бениҳоят миннатдорман. Бу ибодатлар мени нафақат хавф-хатардан қутқарди, балки имонли ва тақводор йўлдан адашмай юришимда кўмак берарди.

Мана бугун, ўн саккиз ёшга кирганимда ота-онамнинг ибодатлари туфайли ҳали ҳаётимда кўп мўъжизалар содир этилишига жуда ишонаман. Ўйлашимча, ҳозирда мен тезроқ уйланиб ота-онамнинг бағрига қайтиб боришим учун улар ибодат қилишяпти, балки ана ўшанда улар енгил нафас олишар.

Кристофер Омартиан (18 ёш)

Тур! Кечаси билаг илтижо қилиб чиқ Худоба!

Юрагингни сувдай тўкиб солгин Раббийга!

Қўлларингни узатгин осмонга,

Болаларинг учун ёлворгин Унга...

Ермиёнинг йигиси 2:19

МИННАТДОРЧИЛИК

Мен қуйидаги инсонларга алоҳида миннатдорчилик билдираман:

- *Қизим Аманда ва ўғлим Кристоферга*, ҳаётимни шодликка тўлдирганликлари ва ибодат қилишимга сабабчи бўлганликлари учун.

- *Турмуш ўртоғим Майклга*, йигирма йил давомида болаларим учун соатлаб ибодат қилишимга ҳамроҳ бўлгани учун.

- *Менинг котибам Сьюзан Мартинесга*, унинг иқтидори, менга кўрсатган ёрдами, сингил ва дўст сифатида мени қўллаб-қувватлагани учун.

- *Дейвид Хазардга* — ҳамкасбим ва дўстимга — ушбу китобнинг дунёга келишига мени руҳлантиргани учун.

- *Эйлин Мейсонга* — муҳарририм ва Раббийдаги синглимга — бу китобнинг ҳақиқий моҳиятини тушунгани, барча ибодатга муҳтож ота-оналарни қўллаб-қувватлагани, бағри кенглиги ва борини баҳам кўришга тайёрлиги учун.

- *Бетти Флетчер ва Джудит Маркхэмга* — менинг ажойиб муҳаррирларимга — китоб яратилишига кўшган қимматбаҳо ҳиссалари учун.

- *Боб Хокинсу (каттаси), Боб Хокинсу(кичиги), Билл Дженсен, Джули Маккинни ва Ларей Уэйкертларга, «Харвест Хаус» наشريётининг барча ходимларига, Раббийни улуғлаш иқтидорлари ва муаллифга кўрсатган ёрдамлари ва ишончлари учун.*

- *Ибодатгўй дўстларим Сьюзан Мартинесга, Роза Томпсонга ва Ян Уиллиамсонга, ушбу китобни, болаларимни ва мени марҳаматлагани Худога қилган ибодатлари учун.*

- *Дебре Голдстоун, Памеле Харт ва Лиза Уэлчел Коблга, ибодатгўй сингилларимга, мен улардан узоққа — Геннеси Штатига кўчиб кетишимга қарамай, бу китобни яратишда кўрсатган мададлари учун.*

- *Қавмбоши Джек Хейфордга, илоҳий отам бўлгани ва мени доимо ибодат қилишга ўргатгани учун.*

- *Қавмбоши Дейл Эвристга ва унинг хотини Джоаннага, доимо менга ҳақиқий хазинани фақат Худога топиш мумкин эканлигини эслатиб турганликлари учун.*

- *Сақлаб олган ўғлим Джон Дейдвиг Кендрикка, ўз онасининг вафотидан кейин мени она сифатида қабул қилгани учун.*

- *Уй ишларида ёрдам берган Гельме Пеле Лопесага, ўн етти йил давомида қилган хизмати ва ҳақиқий она юраги учун тил билмаслик тўсиқ бўла олмаслигини ўз ҳаётида исботлагани учун.*

1-БОБ

ЎЗ ФАРЗАНДИ УЧУН ИБОДАТ ҚИЛИШГА ҚАНДАЙ ЎРГАНИШ МУМКИН?

Ибодат — дунёдаги энг муҳим, аини пайтда энг қийин ва энг масъулиятли ишлардан бири. Ибодат — улкан шодлик ато этишга, оғир ғам-ғуссага барҳам беришга қодирдир. Дунёда ҳеч нарса шунчалар қалбимизни қувончга тўлдиролмайди, ҳеч нарса шу қадар аччиқ умидсизлик булоғи бўла олмайди. Инсон ҳаётининг ҳеч қайси даври шунчалик завқ-шавққа, илҳомга сабаб бўла олмайди, фақат ҳаммаси кўнгилдагидай бўлса; ҳеч нарса ибодат даражасида ғам-қайғуни кетказолмайди, агар муваффақиятсизлик юз берса.

О, фарзандлар тарбияси...

Биргина «тарбия» сўзининг ўзи катталарда турли-туман ҳис-туйғуларни келтириб чиқаради. Биз бор кучимизни болаларимизнинг тарбиясига сарфлаймиз. Эндигина, хайрият-эй, мақсадимга эришдим, деб ўйлаганимизда, фарзандларимиз ҳаётининг янги босқичлари бизга янгидан-янги муаммолар олиб келади. Баъзида бу нотинч денгизда биз анча тинч сузамиз, аммо баъзида эса биз

бўронлар гирдобида қоламиз. Баланд тўлқинлар эса бизни бошимизгача босиб кетади. Вақти-вақти билан қалбимизни умидсизлик қамраб олади, биз тиз чўкишга ҳам тайёр бўламиз: нима бўлса бўлсин, майли, тўлқинлар ютиб юбора қолсин.

Аммо мен сизнинг кўнглингизни кўтармоқчиман. Ҳеч қачон биз табиий офатлар иродасига бўйсунмаслигимиз керак. *Болаларимизнинг ҳаёти ҳодисалар гирдобида қолиб кетмаслиги керак.*

Хонага қамалиб олиб, пушаймонлик домида қолиб, болаларимиз бизга қандай кутилмаган «сюрпризлар» олиб келишини кутиб, асабий ҳолда хонада кезмаслигимиз керак. Бизга ҳар бурчақда уларни кутилмаган хавф-хатарлар пойлаётгандай бўлиб туюлмаслиги, болаларимиз ҳаётининг у ёки бу босқичлари яқинлашиб келаётганидан сира кўрқмаслигимиз керак. Биз комил ота-она бўла олмасак ҳам, лекин болаларимиз ҳаётини ҳозирнинг ўзидаёқ ижобий томонга ўзгартира бошлаш қўлимиздан келади. Фарзандимиз неча ёшдалигининг аҳамияти йўқ: уч маротаба уйланиб ажрашган 30 ёшли ўғил (учаласи ҳам спиртли ичимликларга ружу қўйиши орқали юз берган) бизга энг мукамал бўлиб туюладиган уч кунлик болачалик ибодатга муҳтождир. Боламиз неча ёшда бўлмасин, ибодатларимиз уларга фақат фойда келтиради. Ибодатнинг мазмуни — куч-қувватимиз ёрдамида боламиз

ҳаётини ўзгартиришга ҳаракат қилиш эмас, балки барча замонларнинг комил отаси бўлган Самовий Отамизга мурожаат қилишдир. Шундай қилиб, қадам-бақадам илгари ҳаракатланиб, болаларимиз учун воситачилик қилишга ўрганишимиз, ибодатларимизда болаларимиз ҳаётининг ҳар бир қисми ҳақида Раббийга сўзлаб бера олишимиз керак. Инсон ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдиган буюк *куч* ана шунда яширинган. Шунинг учун ота-она ибодати кучини ҳеч ҳам ерга урмаслигимиз керак.

Афсуски, мен ота-онамдан ҳеч нима ололмадим, чунки онам бетайин феъл-атворли аёл эди. Мен «*Сторми*» номли китобимда ана шундай тажовузкор тарбиянинг натижаларидан ажойиб бир тарзда халос бўлганим ҳақида сўзлаб бергандим («*Харвест Хаус*» нашриёти). Яна мен Кристофер туғилганидан кейин ўз ўғлимга, худди онам менга қандай муносабатда бўлган бўлса, мен ҳам шундай муносабатда бўлаётганимни сезиб қолганимни ҳикоя қилган эдим. Мен шуни тушуниб етдимки, Раббийнинг ёрдамисиз биз ота-оналаримизнинг ўзимиз гувоҳи бўлган хатоларини беихтиёр яна такрорлайверишимиз мумкин экан. Баъзида қатъиятсизлик дақиқаларида тўсатдан бизнинг хотирамизда болалигимиз хотиралари «ялт» этиб пайдо бўлиб қолади. Бу шунчалар тез рўй берадики, биз уни тушунолмаймиз ҳам, билолмай ҳам қоламиз. Бундай дақиқаларда биз фарзандларимиз дилига шикаст етказадиган сўзларни айтамиз. Бу аҳвол болаларимиз

олдида ўзимиз ҳис қилаётган, тобора илдиз отиб, кўз кўриб, қулоқ илғамас даражада катталашиб бораётган айб ҳисси билан янада чуқурлашади. Бахтимга, менга ана шу қийинчиликларни енгишга ёрдам берадиган кишим бор эди. Унинг қўллаб-қувватлаши туфайли мен фарзандимга зарар етказмасдан бу муаммоларни ҳал қила олдим. Аммо ҳамма ота-оналар ҳам бундай вазиятлардан муваффақиятли чиқиб кета олмайдилар.

Бошиданоқ ўзимни, ёмон онаман, деб ҳисоблаб жуда асабийлашардим. Биринчи фарзандим туғилгандан сўнг анча ташвишландим. Онам билан менинг муносабатларим ўзимга шикаст етказганидек, ўз боламга жароҳат етказишдан кўрқардим. Мен уйимизда бор бўлган тарбия ҳақидаги барча китобларни ўқиб чиқдим, болаларнинг масиҳийча тарбияси ҳақида ўтказиладиган биронта ҳам семинарни қолдирмай қатнашиб борардим. Улардаги барча фойдали маълумотларни ўзлаштириб олишга ҳаракат қилардим, аммо булар етарли эмас эди. Фарзандимнинг руҳий, ақлий ва эмоционал ривожланиши ҳақидаги сон-саноксиз кўрқувлар мени ташвишга соларди. Аммо ҳаммасидан ҳам фарзандим дуч келиши мумкин бўлган машаққатлар мени ваҳимага соларди. Уни ўғирлаб кетишлари мумкин эди, у сувда чўкиб кетиши, йўлда аварияга учраши, оғир жароҳат олиши, касал бўлиши, уни йўлдан уришлари мумкин эди. У зўравонлик қурбони бўлиши ёки ўлиши мумкин эди.

Унинг келажаги учун кўрқув эс-хушимни ўғирлаб қўйган эди. Мен оналик хавотирларимга барҳам беришга қанча ҳаракат қилмай, содир этилган жиноятлар ҳақида газета ёки журналда ёзилаётган ёки телевизорда айтилаётган янгиликлар мени янада кўпроқ ташвишга соларди, буларни эшитганимда, фарзандим кўз олдимга келаварарди. Бундан ташқари, биз жиноятчилик бўйича донг таратган Лос-Анжелесда яшардик. Бунга эса менинг бардошим етмас эди.

Бир куни мен чин дилдан ибодат қилдим: «Раббим, мен бошқа бардош бера олмайман. Мен бир кунда 24 соат ўғлимни кўриқлаб чиқа олмайман. Мен қалбимнинг хотиржамлигини истайман. Менга йўл кўрсат, нима қилай?»

Кейинги бир неча ҳафта давомида Худо, Кристоферни Менга ишониб топшир, деб менга маслаҳат берди, У мен билан ваҳий орқали сўзлашди. Ўғлим туғилгандан сўнг эрим икковимиз ибодат қилиб, уни Худога бағишлаган эдик. Аммо Хуудо биздан бунданда кўпроқ нарсани хоҳларди. Биз Унга боламизнинг ҳаётини тўлалигича топширишимизни истарди. Аммо биз, фарзандимизни Раббий ихтиёрига топшириб, унинг тақдири учун жавобгарликдан холи бўламиз, деб ҳисобламасдик. Раббий билан мустаҳкам иттифоқ тузишни ўзимиз хоҳлардик. У керак бўлган пайтда елкасини тутиб беришига, ҳамма

нарсани биздан яхшироқ бажаришни бизга ўргатишини билардик. Биз эсаўғлимизни тартиб-интизомга ўргатишимиз, «болани тўғри йўлга солиб тарбиялаш»имиз керак эди, «шунда қариганда ҳам йўлидан адашмас»лигини билар эдик (Ҳикмат. 22:6). Биз Худога бутунлай ишонишимиз керак, чунки фақат У бизнинг ўғлимиз тарбияси ҳақида қайғуриши ва фақат У фарзандимизнинг ҳаётини равон қилиши мумкин.

Кристофер ҳаётининг барча соҳалари ҳақида ибодат қилишимиз зарур эди. Мен буни англаб етдим: агар ўғлимдан хавотирланаверсам, демак, Муқаддас Рух менинг диққатимни Кристофернинг бирон муаммосига қаратар экан, мен эса шу учун ибодат қилишим керак экан. Мен шу учун ибодат қилаётганимда, ўғлимни Эгамнинг ихтиёрига топширганимда, У мени муайян бир ташвишдан озод қиларди. Аммо бу — мен бошқа бу ҳақда ибодат қилмайман, дегани эмас эди, балки менинг зиммамдаги юк бир қанча вақтга олинарди. Аммо бу муаммо яна пайдо бўлиши билан, мен яна у ҳақда ибодат қилишни бошлардим. Эгам менга, ўғлинг билан *ҳеч қачон* ёмон воқеа юз бермайди, деб ваъда қилмасди. Фақат менинг ибодатим Кристофер ҳаётига таъсир кўрсатишини, уни ҳимоя қилаётган Эгамнинг куч-қудратини юзага чиқарарди. Шунда мен ўзимни хотиржам сезардим.

Мен яна шуни англаб етдимки, ўғлим учун қилаётган ибодатларимда мен Раббийдан, менинг истакларимни рўёбга чиқар, деб сўрамаслигим керак эди. Бу шунга олиб келардики, сўраган ибодатларим бажо бўлганда ҳам, умидсизликка тушиб қолишимиз мумкин. Эҳтимол, кўпчилик қуйидаги ибодатни билишса керак: «Раббий, Кристофер улғайиб йигит бўлганда, оиламизнинг энг яхши дўсти қизига уйланишини сендан илтижо қилиб сўрайман». (*Қизнинг ота-онаси билан яқинроқ қариндош бўлсак, ёмон бўлмасди*). Ёки: «Эй, Раббий, шундай қилгинки, Амандани бу мактабда илиқ кутиб олишсин» (*Мен бундан анча хотиржам бўлардим*). Албатта, биз ҳеч қачон дилимиздаги асл ниятларимизни тилимизга чиқармаймиз, аммо улар бизнинг қалбимиз туб-тубида қолади. Раббийга ўз истакларимизни баён қилиш учун ниятларимиз бизга таъсирини ўтказишда давом қилади. Шунинг учун мен ибодатнинг бошқача вариантини танладим: «Раббий, фарзандим учун ибодат қилишни ўргат. Ўзингнинг амрингга асосланиб тарбиялашни ўргат, Сенинг ироданг унинг ҳаётида ўз ўрнини топсин».

Тўрт ярим йилдан сўнг қизим Аманда туғилганда, мен болам учун керак нарсаларни ўз хоҳишимга кўра алмаштирмасдан, фарзандим учун Раббийга ибодат қилишни ўрганиб олган эдим. Шу боис мен қизим учун астойдил илтимос қила бошладим. Сўнгги ўн икки йил давомида Раббий менинг ибодатларимга жуда ажойиб

тарзда жавоб берди. Бугун мен уларнинг натижаларини кўряпман.

Раббий бизнинг фарзандларимизга ғамхўрлик килаётганини умр йўлдошим икковимиз сезамиз. Фарзандларимиз эса қувонч ила Эгамни тан олишади, ҳурмат қилишади. Чунки ота-оналар ўз фарзандлари учун ибодат қилганларида, Раббийнинг қудрати уларнинг ҳаётига кириб боради.

Ибодат нима? У қандай таъсир қилади?

Ибодат — бу Раббий худди самодаги Сахий бобо, ёки Қорбобою биз Унга тузиб берадиган хоҳиш-истаклар рўйхати эмас. Сиз Раббийнинг борлигини ўз ҳаётингизда сезишингизни, Ундан паноҳ топа олишингизни билишингизни ибодат амалга оширади. Ибодатнинг маъноси Раббийнинг *борлигини* излашда, ўз навбатида, бизга ҳар қандай машаққатларни енгилда куч ато қила оладиган Раббий *қудратини* эркин ҳис қилишдадир.

Муқаддас Китобда шундай дейилган: «...ер юзида сизлар нимаики боғласангизлар, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида нимаики ечсангизлар, осмонда ҳам ечилган бўлади» (Матто. 18:18). Раббий бизга ерда қудрат беради, биз бу қудратни қабул қилганимизда, У бизга Ўз кучини ҳам беради. Бу куч *бизники эмас, балки Раббийники* бўлгани учун, биз бу куч солинадиган идиш бўламиз.

Ибодат қилаётганимизда, бизнинг ибодатимиз, нима ҳақда ибодат қилаётган бўлсак, ўша нарсага Худонинг кучи етиб бора оладиган йўллارни очиб беради. Биз эса ўз ожизлигимизни тан олганимизда, шу куч бизда фаолият кўрсатишига имкон берамиз. Ибодат ёрдамида биз: «Мен Сенга ва Сенинг кучинга муҳтожман, Раббим. Сенсиз мен ожиз-нотавонман», дея ўзимизни Раббийга итоат эттирамиз. Биз ибодат қилмасак, худди бизнинг ҳеч қандай муаммомиз йўқ, дегандай бўламиз.

Исо номи билан ибодат — Раббий қудрати хазинасини очадиган кучли калитдир. «Сизларга ростини айтайин: агар Менинг номимдан Отадан нима сўрасангизлар, Ўзи сизларга беради» (Юҳ. 16:23). Исо номи билан ибодат бизга душманимиз устидан ғолибликни ато қилади, Раббий Каломи ваъда берган аҳдларга бўлган ишончимиз ҳақида гувоҳлик беради. Раббий бизнинг фикрларимиз ва бизнинг муҳтожликларимиз ҳақида билади, аммо У бизнинг ибодатларимизга жавоб беради. Чунки доимо ва ҳамма нарсада танлаш ҳуқуқини, Исо номи билан Унга ишонч ва бўйсунуш имкониятини беради.

Ибодат фақат *бизгагина* эмас, балки ким учун ибодат қилаётган бўлсак, ўшаларга ҳам ўз таъсирини ўтказади. Фарзандларимиз учун ибодат қилар эканмиз, биз Раббидан, фарзандларимизнинг ҳаётига кир, уларнинг ҳаёти бир қисми бўл, уларнинг фойдасига ҳаракат қил, деб

сўраймиз. Аммо бу ибодатнинг жавоби ўша заҳотиёқ келади, дегани эмас. Баъзида бир неча кун, ҳафта, ой, ҳаттоки йиллар давомида кутишга тўғри келади. Аммо бизнинг ибодатларимиз ҳеч қачон фойдасиз бўлмайди. Агар биз ибодат қилсак, албатта нимадир, биз буни кўрамизми ёки йўқми, бундан қатъий назар, ўзгаради. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «...Солиҳ одамнинг зўр бериб қилган илтижоси кучли таъсирга эгадир» (Иак. 5:16). Буларнинг бари бизнинг ҳаётимизда ва болаларимиз ҳаётида рўй бериши керак, фақат Худонинг иродаси билан, Унинг қудрати туфайли бўлиб ўтади. Ибодат қилсак, биз Раббийга ва Унинг қудратига эшик очамиз, Уни, ҳаётимизга кир, деб таклиф қиламиз.

Шахсий муҳтожликларингиз рўйхатидан бошланг

Шуни айтиб ўтишим керакки, мен ҳар бир фарзандим учун ибодатни уларга ҳомиладор бўлган пайтимдан бошлардим. Чунки Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Удир ... ўртангдаги ўғилларингга баракат берадиган...» (Забур 147:2). Мен ибодатнинг кучига ишонсам ҳам, бир нарсани тушунмасдим: бизнинг ҳаётимизнинг ҳар бир қисми Раббий учун қай даражада муҳим? Фақат ҳозирги пайт учун ибодат қилиш етарли эмас — келажак учун, ўтмишнинг ёмон иллатларидан қутулиш учун ҳам ибодат қилиш зарур. Шоҳ Довуд умидсизликка тушиб,

келажигдан кўрқиб, ваҳимага тушганда (қаранг.: Забур 142) у: «Нима бўпти, нима бўлса бўлаверсин», деб айтмади. У Раббийга ўзининг ҳозирги пайтдаги аҳволи, келажиги, ўтмиши ҳақида айтиб илтижо қилди. У ҳамма нарса учун ибодат қилди. Биз ҳам худди Довуддай ибодат қилишимиз керак.

Мен, ибодат учун ҳар бир бола муҳтожликларининг батафсил рўйхати керак экан, деб тушундим. Бу мияга ўрнашиб қолган фикр эмас эди, чунки мен бир нарсани билардим: агар мен ҳар бир муҳтожлик учун алоҳида ибодат қилсам, Раббий менга жавоб бермайди. Раббий менинг бир талай илтимосларимни билади, деб ишонардим, шунинг учун хотиржам эдим. Ҳар йилги таътил пайтида биз бу вақтимизни бутун оиламиз билан денгиз бўйида ўтказардик. Эрталаблари ҳали ҳамма ухлаган пайтда бир қанча қимматли вақтимни Худо билан ўтказардим. Бу пайтда ибодат қилар эканман, Худодан сўрайдиган илтимосларим рўйхатини тузиб олардим. Мен кўлимда қоғоз, қалам билан денгизга қараб ўтириб, Раббийдан, шу йили ҳар бир фарзандим учун сўрагани менга донишмандлик бер, деб сўрардим. Ахир, фарзандларимнинг ҳар бири ҳозирги пайтда чинакамига нимани талаб қилишини ва келажакда уларнинг йўлларида пайдо бўладиган машаққатларни фақат Угина биларди. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Худованд Ўз сирини худотарсларга очар, Ундан кўрққанларга илоҳий аҳд насиб

этар» (Забур 24:14). Агар биз сўрасак, У бизга номаълум нарсаларни очиб беради. Худованд билан бўлган мулоқотдаги ўша тонглarda У доимо менга эзгу маслаҳатлар берарди, мен уйга ҳар бир фарзандим эҳтиёжлари рўйхатини тузиб қайтардим. Кейинчалик мен бу рўйхатларни мутгасил тўлдириб боравардим.

Мен шу пайтгача бу рўйхатларни асраб қўйганман. Бошқатдан кўриб чиқаётганимда, ибодатларимнинг жавобини ва фарзандларим ҳаётидаги ўзгаришларни кўраман. Раббий Ўз сўзига ўзгармасдан содиқ қолишигига мен яна ишонч ҳосил қиламан.

Худонинг Каломи — сизнинг қуролингиз

Фарзандларимиз учун жанг бизнинг тиззаларимизда амалга ошади. Биз ибодат қилмаганимизда ўз болаларимизнинг жанг майдонида душман ўқлари остида у ёқдан-бу ёққа қочаётганларига худди четдан туриб гувоҳ бўлгандай бўламиз. Аксинча, ибодат қилган вақтимизда эса улар билан ёнма-ён туриб Худовандни уларга ёрдам беришга чақираётгандай бўламиз. Биз Унинг Каломидан ибодатларимизда фойдаланганимизда, қўлимизга ҳар қандай душманни енга олишга қодир қудратли қурол оламиз. Худонинг Каломи «жонли ва таъсирли, ҳар турли дудама қиличдан ўткирроқдир...» (Ибр. 4:12). Унинг

Каломи нимага тегса, ўшани тешиб ўтади. Худо шундай дейди:

«Менинг оғзимдан чиққан сўз шундай бўлади,
Бажо бўлмай, Менга қайтмайди.
Менинг хоҳиш-иродамни ўша сўз бажаради,
Бажо қил деб у сўзни Мен юборганман,
Ишни сўз бажо қилади» (Ишаё. 55:11).

Бу шуни билдирадики, Худонинг Каломи ҳеч қачон самарасиз бўлмайди. Айнан шунинг учун бу китобдаги ҳар бир ибодатдан сўнг мен Муқаддас Китобдан олинган бир нечта оятни жойлаштирдим. Ибодатга Муқаддас Ёзувлардан мос оятлар киритиш қанчалар муҳимлигини мен биламан. Агар сиз ибодат пайтида ўзингизга керакли оятни эслай олмасангиз, ибодатингизни тўхтатманг, балки ўзингиз билган бир-иккита оятни айтинг. Шунда сиз қандай мўъжизалар бошланишини кўрасиз.

Агар сиз Худо билан мулоқотда бўлиб, Унинг Каломини ўқисангиз, ўз фарзандларингиз учун Муқаддас Рух раҳнамолиги остида ибодат қилсангиз, сизга ибодатингиз таркибига қўшишингиз мумкин бўлган Муқаддас Рухнинг янги-янги қисмлари очилади. Ҳар бир ибодатингизда Муқаддас Ёзувлардан қандайдир янги оятларни айтишингиз умуман шарт эмас. Бир ёки икки оятни ёдлаб олиб фарзандимизнинг бирон муаммосини ҳал қилиш учун ибодат қилдик. Ҳар сафар менинг маслаҳатимга кўра

Аманда қуйидаги мисраларни такрорларди: «Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан» (Флп. 4:13). Мен ёлғиз ўзим ибодат қилганимда қуйидаги оятни ўқирдим: «Солиҳлар фарёд этгач, Худованд эшитар, барча дардларидан уларни халос этар» (Забур 33:18).

Ибодатда Худо Каломидан фойдаланар эканмиз, биз фарзандларимиз ҳаётида Раббий аҳдларининг бажарилишига қафолат берамиз. Худонинг Каломи бизга йўл кўрсатади, бизга Унинг содиқлигини эслатиб туради. Шундай қилиб, *У бизнинг* юракларимизда ишончни пайдо қилади, *Ўз* юрагининг сирларини бизга очади. Бу бизга ишонч ва мардонаворлик билан *Унинг* сўзидан, *Унинг* иродасидан ва *ўзимизнинг* ҳуқуқимиздан шубҳаланмасдан ибодат қилишимизга куч беради.

Шайтонга жавоб бера туриб Исо унинг кирдикорларини Муқаддас Ёзув сўзлари билан фош қилиб ташлади. Масалан, шайтон Исога шундай деди: «Агар Сен менга таъзим қилсанг, ҳамма нарса Сеники бўлади». Исо шундай жавоб берди: «Йўқол олдимдан шайтон! *Тавротда*: «Раббинг бўлган Худовандга сажда қил, биргина Унга итоатда бўл», деб ёзилган» (Лк. 4:8).

Исо ҳамма нарсада бизга намунадир. Биз Унга қарашга ва Унга тақлид қилишга даъват қилинганмиз. У айтган эди: «Сизларга ростини айтайин: Менга ишонган киши Мен

қилаётган ишларни ўзи қилади ва ҳатто бундан каттароғини ҳам қилади. Зеро Мен Отамнинг олдига кетяпман» (Юҳ. 14:12). У яна шундай деди: «Агар сиз Мен билан алоқада бўлиб, сўзларимни қалбингизга жо қилсангизлар, истаганингизни сўранглар, эришасизлар» (Юҳ. 15:7). Биз шайтонга янада қатъийроқ қарши тура оламиз, қачонки Худо Ўз Каломида бизга берган кўрсатмаларга биноан ибодат қилсак, агар Исо Масихда бор бўлган куч ва ҳуқуқлар мазмунини тўғри тушунсак. Агар биз...

Унга қарасак,

Унинг йўлларида юрсак,

Унга умид қилсак,

Унга ибодат қилсак ва Унинг Каломи бўйича яшасак,

биз ўз фарзандларимиз учун жангда ғолиб чиқамиз.

Эсингиздан чиқарманг, сиз ўз фарзандингиз учун ибодат қилаётганингизда шундай ибодат қилингки, унинг бутун ҳаёти гўё шу ибодатга боғлиқдай бўлсин. Чунки *ҳақиқатда* ҳамшундай. Эсингиздан чиқарманг: нафақат Раббийда мукамал фикр бор, балки шайтоннинг ҳам ўз режаси бор. Шайтон бизнинг болаларимизни йўқ қилишни хоҳлайди. Бунинг учун у мумкин бўлган ҳар қандай воситадан фойдаланади: гиёҳванд моддалар, шахвоний муносабатлар, спиртли ичимликлар, қайсар хулқ-атвор,

бахтсиз ҳодисалар, касалликлар. Аммо бу воситаларнинг биронтасидан ҳам шайтон фойдалана олмайди. Чунки бизнинг ибодатларимиз таъсири остида шайтоннинг кучи камаяди. Муқаддас Китоб шундай деб ўргатади: «Уйнинг эгаси бўлган бақувват кишини аввал боғлаб қўймасдан туриб, биров унинг уйига кириб, мол-мулкини ўғирлаб кета олармиди?!» (Магто 12:29). Бу — олдин душманни банди қилмасдан, уни ўз ҳуқуқларидан маҳрум қилмай туриб унинг ҳудудида ҳечнарсга қилиб бўлмаслигини билдиради. Шундай қилиб, шайтон болаларимиз ҳаётига кириб келишига биз тўсқинлик қила оламиз.

Албатта, агар биз фарзандларимизни ҳақ йўлга бошламасак, агар уларга Раббий аҳдларини ҳурмат қилишни ўргатмасак, уларни тартиб-интизомли бўлишга ўргатмасак, уларни бошқармасак, уларга йўл кўрсатмасак, унда шайтон бизга катта зарар етказишга қодирдир. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Ўспиринга йўлнинг бошида насиҳат қил: ана шундагина у қариган чоғида ҳам ҳақ йўлдан четга чиқмайди» (Ҳикмат. 22:6). Агар биз ана шу ота-оналик мажбуриятимизни бажармасак, бизнинг болаларимиз исён кўтаришлари ва нотўғри йўлни танлашлари мумкин. Бу эса уларни Раббий ҳимоясидан маҳрум қилади. Тўғри, тарбия ва фарзандларимизга Худо йўлларини ва Унинг Каломини ўргатиш — бу шайтоннинг эмас, балки Раббийнинг мақсадлари амалга ошиши учун гаровдир. Муқаддас Китоб бизга шуни ўргатади: «Иблисга

қарши туринглар, шунда у сизлардан қочади» (Ёқуб. 4:7). Шайтонни ибодат билан боғлаб ташлаш ва унинг режаларини барбод қилиш — руҳий курашнинг ажралмас қисмидир. Биз шайтонга қарши турганимизда фарзандларимиз озод бўлади, улар Раббий йўлини танлашга имкон бўлади.

Бизнинг фарзандларимиз ҳаётига киришни хоҳлаган шайтон ҳар доим уларни айблашга, жазолашга сабаб ахтаради. Аммо у Худонинг Каломи сингари қурол қаршисида бўйсунмасдан иложи йўқ. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Энди Худойимиз нажоткорлиги, қудрати, салтанати ҳамда Унинг Масиҳи ҳукмронлиги ўрнатилди. Энди биродарларимизнинг тухматчиси, Худойимиз ҳузурида уларга кеча-кундуз тухмат қилаётган иблис ташқарига отилди. (Ваҳий 12:10). Исо Ўзининг хочдаги ўлими билан тухматчини ер билан яксон қилди. Аммо тухматчи бунга қарамасдан ҳали ҳам ўзларига Раббий томондан берилган ҳуқуқларни — шайтон васвасаларига қарши тура олиш ҳуқуқини билмайдиганлар қалбига эга чиқиш даражасида кучлидир. Айнан шу пайтда бизнинг ибодатларимиз курашга киришади. Биз ўз ибодатларимиз билан тухматчи қурган кўрғонларни вайрон қилмас эканмиз, биз унга қарши Худонинг Каломи каби қудратли қуролдан фойдаланмас эканмиз, бизнинг фарзандларимиз хавф остида бўладилар.

Эшитган ибодатларимизнинг яққол намунаси

Бизнинг жамоатимиз унча катта бўлмаган ибодат гуруҳларини ташкил қиларди. Ўғлимиз икки ёшга тўлгунча, турмуш ўртоғим билан уйимизда ана шундай гуруҳлардан бирининг йиғилишларини доимий равишда мунтазам ўтказиб турдик. Аста-секинлик билан биз шуни тушундикки, ҳар ой бир марта йиғилганимизда гуруҳимиз аъзоларининг эҳтиёжларини қамраб олиш қийин эди. Шунинг учун биз фақат ибодат учун бир ойда яна бир маротаба йиғилишга қарор қилдик. Бу учрашуларда биз ҳар бир эҳтиёж учун ибодат қилардик. Аммо ибодат эҳтиёжлари ҳажми ва ўз фарзандлари учун илтимос-сўровлари шунча кўп эдики, бизга ҳар бир бола учун ибодатга яна бир кун ажратишимизга тўғри келди. Биз бу ибодатни «Фарзандларимиз ҳаёти учун илтимоснома» деб атадик. Бу йиғинимиз шунчалар машҳур бўлиб кетдики, келаётган янги одамларнинг кети узилмас эди. Тўғриси айтганда, бу китоб ҳақидаги гоё бундан йигирма йилларча илгари айнан ана шу ибодат гуруҳларида туғилган эди. Орамиздан ҳеч ким кейинчалик ана шу биргаликда қилинган ибодатларимиз келтирган фойдани тасаввур ҳам қила билмасди. Биз фақат шуни билардикки, фарзандларимиз учун илтимос қилишни ўрганиб, биз Раббий изидан борардик, ибодатларимизга берилган сон-саноксиз жавобларни кўриб шодланардик. («Бошқа ота-оналар билан болаларингиз учун ибодат қилинг» иловасига

қаранг. Унда болалар учун жамоа бўлиб қилинадиган ибодат йиғинларини қандай ташкил қилиш тасвирланган.)

Муқаддас Китоб шундай дейди: «...агар ер юзида сиздан икки киши яқдил бўлиб, қандайдир бир нарсани сўрашса, Менинг осмондаги Отам уларнинг тилагини бажаради» (Матто 18:19). Ва яна: «Қандай қилиб бир киши минг кишини, икки киши ўн мингтани ҳайдай оларди...!» (Амрлар 32:30). Ўз болаларига Раббийдан сўрагани йиғилган ўн-ўн икки ота-онанинг жамоа бўлиб қилган ибодатининг кучи қанчалар буюк эканлигини ҳисоблаш учун буюк математик бўлиш шарт эмас.

Қўлингиздаги китобга эпиграф тариқасида хизмат қилган ва Муқаддас Ёзувдан олинган оятда шундай дейилган:

«Тур! Кечаси билан илтижо қилиб чиқ Худого!
Юрагингни сувдай тўкиб солгин Раббийга!
Қўлларингни узатгин осмонга,
Болаларинг учун ёлворгин Унга!
Очликдан нобуд бўляпти ахир улар
Кўчаларнинг бошида» (Ерм. йиғиси 2:19).

Айнан ана шундай ота-она ибодатига — *астойдил, оташин* — бундан яхшироқ сўз топиб бўлмайди, бу ибодатга худди шундай жавоб кутилади.

Сўнги йигирма йилда бизнинг гуруҳимиз ибодатларига жавоблар шунчалар кўп келган эдики, бу ҳақда ота-оналар ва фарзандлар берган гувоҳликлардан бутун бошли бир китоб тузса бўларди. Эсимда, улардан бири айниқса ажойиб эди, чунки бу бизнинг жамоа бўлиб ўтиниб қилган илтимосларимиздан *бирининг* натижаси эди.

Ёлғиз она Нэнси биздан: «Қизим Жанет учун ибодат қилсангизлар», деб илтимос қилди. Жанет художўй, имонли қиз эди, Аммо ота-онаси ажрашиб кетганларидан кейин умидсизликка тушиб, Раббийдан юз ўтирган эди. Биз Жанетни ҳимоя қилиб ибодат қилдик. Чунки Худонинг марҳаматидан четда қолган болалар катта хавф остида қолишларини биз билар эдик. Бир куни Жанет бир ўзи йўлда кетаётганда, бахтсиз ҳодисага учради: унинг машинасига катта тезликда қарши томондан маст ҳолатда бошқариб келаётган ҳайдовчининг машинаси урилиб кетди. Шифокорлар бу воқеани мўъжиза деб баҳолашди. Чунки Жанет жиддий жароҳат олган бўлса ҳам, тирик қолди.

Жанет узоқ вақт даволангандан сўнг, ҳам жисмонан, ҳам руҳан шифо топди. Ҳаммамиз, жумладан, Жанетнинг онаси ҳам, ўша бахтсиз ҳодисадан кейин бизнинг ибодатларимизсиз у тирик қолмас эди, деган фикрга келдик. Унинг омади чошиб, турмушга чиқди. Хозирда

ажойиб турмуш ўртоғи, гўзал қизалоғи бор. Жанетнинг ўзи эндиликда художўй аёл. У саккиз йил давомида бизнинг миссиямиз котибаси бўлиб фаолият кўрсатди. Унинг ҳаёти бизга ота-она ибодатининг қудрати ҳақида доимо эслатиб туради.

Ибодатларимиз жавобсиз қолганда

Ибодат қилаётган ота-оналар учун энг оғир синов — ўз ибодатларининг жавобини кутишдир. Баъзида жавоб тез келади, аммо аксарият ҳолларда бунинг тескараси бўлади. Бундай вазиятда биз кўпинча умидсизликка тушамиз, ҳатто Раббийдан жаҳлимиз чиқади. Биз шунчалар чорасиз қоламизки, ҳамма нарсадан кўнглимиз совиб, таслим бўлишга ҳам тайёр бўламиз. Баъзида бизнинг ибодатларимизга қарамасдан, болаларимиз нотўғри йўлга кирганларини кўрамиз. Кейин эса улар ўз қилмишларининг аччиқ мевасини ейдилар.

Агар сизнинг фарзандингиз нотўғри йўл танлаган бўлса, сиз ўзингизни айбламанг-да, ибодат қилишни тўхтатманг. Фарзандингиз билан мулоқотда бўлишни илтимос қилиб, унга Худо Каломини ўргатишни давом қилдирунг. Таслим бўлманг, аксинча, шахсий ибодатларингизда ҳам, кўпчилик бўлиб қилган ибодатларингизда ҳам *янада кўпроқ* тиришқоқлик кўрсатинг. Кучга тўлиб мана бундай сўзларни айтинг: «Мен эндигина курашни

бошладим». Эсингиздан чиқарманг, бу курашда сизнинг асосий қуролингиз — сизнинг ибодатингиздир. Ҳақиқатда эса бу курашни *Худованд* олиб боряпти. Яна шуни ҳам эсингиздан чиқармангки, сиз ўз фарзандингиз билан эмас, балки шайтон билан кураш олиб боряпсиз. У сизнинг энг асосий рақибингиздир. Токи фарзандингиз ҳаётида ўзгаришлар кўрмагунингизча, доимо садоқат билан ибодатни давом эттираверинг.

Довуднинг куйидаги сўзлари ибодатда собитликнинг энг мукамал кўринишларидан бири бўлиб хизмат қилади:

«Ғанимларимни қувлаб, тутиб олдим,
Уларни йўқ қилмай ортга қайтмадим.
Шундай эздимки уларни, тура олмадилар,
Оёқларим остида чўзилиб қолдилар.
Сен менга қувват бериб, жангга юбординг,
Менга қарши отланган ёвни олдимда бош эгдирдинг»
(Забур 17:38-40)

Довуд то мақсадига етмагунича ибодатларини тўхтатмади. Бу биз учун яққол намунадир. Биз то жавоб олмагунимизча, ибодат қилишга чақирилганмиз.

Агар сиз ўзингизда ғазабни сезсангиз, ўз фарзандингиз учун Раббийдан ранжисангиз, Унга буни очиқ айтинг. (Бу ҳолат ҳатто фарзандига энг меҳрибон ота-оналар билан ҳам тез-тез юз бериб туради). Худодан ўз ночорлигингизни ва

ранжиганлигингизни яширманг, салбий хис-туйғуларингизни юрагингизда сақламанг. Раббийга ўз шубҳа-гумонларингизни айтиб очиб ташланг, Ундан тўғри йўл кўрсатишини сўранг. Энг муҳими: юрагингизга ўрнашиб қолган ранж туфайли таслим бўлмасликка, ўз ибодатларингизни тўхтатмасликка ҳаракат қилинг.

«Комил» эмас, балки «ибодат қилувчи» ота-она

Бизнинг фарзандимиз ҳаётида кўнгилисизликлар юз берганда, ўзимизни айбдор ҳис қиламиз, ёмон ота-онамиз, деб ўзимизни ўзимиз айблаймиз. Аммо фарзанд ҳаётини яхши томонга комил ота-она ўзгартирмайди, чунки комил ота-она бўлмайди. Бизларнинг ҳеч биримиз мукамал эмасмиз, шундай экан, қандай қилиб комил ота-она бўла оламиз? Ота-она *ибодати* — фарзанд ҳаётида муҳим ўрин тутди. Ўз фарзанди учун ибодат қилиш эса *ҳамманинг* кўлидан келади. Боланинг ота-онаси бўлиш шарт эмас: унга дўст, устоз, бобо ёки буви, хола, аммавачча, қўшниёки оддий таниш бўлиши мумкин. Муҳими — шу фарзандга нисбатан қалбимизда меҳр-муҳаббат ва ачиниш ҳисси бўлиши кифоя. Ибодатга муҳтож фарзанд ҳақида сиз бировдан эшитишингиз ёки газетада ўқишингиз мумкин. Сиз ҳаттоки, ўзингиз ота-оналик меҳрини ҳис қиладиган катта ёшдаги киши ёки аёл учун ҳам ибодат қилишингиз мумкин.

Агар сиз отаси ва онаси ибодат қилмайдиган фарзанд ҳақида билсангиз, ҳозирнинг ўзидаёқ унинг ҳаётидаги камчиликни тўлдиришга, муҳтожлигини қондиришга ҳаракат қилишингиз лозим. Сиз ўзингиз ёқтирган ҳар қандай болани ҳимоя қила олишингиз мумкин. Бунинг учун сиз фақат чин дилдан шундай деб айтишингиз керак: «Раббим, мана шу боланинг ҳаёти яхши томонга ўзгариши учун қандай ибодат қилишни менга ўргат». Шундан сўнг бу китобда таклиф қилинган ибодатлардан фойдаланинг, Муқаддас Руҳ сизни қаерга бошлашини кузатинг.

Ҳар бир бобнинг сўнгида мен сиз учун оятлар намунасини жойлаштирдим. Сиз битта оят билан ҳар куни бир ҳафта ёки бир ой давомида ибодат қилишингиз мумкин. Ёки эътиборни фарзандингизнинг шу кунлардаги энг катта муаммосига қаратишингиз, то у ҳал бўлмагунча ибодат қилишингиз мумкин. Қачон енгиллик сезсангиз, навбатдаги муҳтожликка ўтишингиз учун аломат шу бўлади.

Бу ибодатларни иложи борича тез-тез қайтариб туринг. Раббий: «Менинг хузуримга доимо бир хил илтимос билан келаверма», деб айтмаган. Аксинча, У бизга мунтазам ибодат қилишни амр қилади. Аммо ибодатда беҳуда такрорларга йўл қўймаслик керак.

Шуни билингки, сиз ибодатда қатъий жадвалга риоя қилишингиз ёки фақат шу китобда келтирилган оятлардан

фойдаланишингиз шарт эмас. Улар сиз таяниб иш кўришингиз учун ўзингизга намуна сифатида хизмат қилади. Аммо ибодат қилишдан олдин, албатта ўзингизни Худо олдида итоаткор қилинг, Ундан, мен муносиб ота-она, Сен хоҳлагандай сўровчи бўлишимга ёрдам бер, деб сўранг. Муқаддас Рух *сизга* йўл кўрсатади, Муқаддас Рух *сизни* ундаган фарзандингизнинг муҳтожликлари учун ибодат қилинг. Мен сизнинг ибодатларингизга қилинган жавоблар ҳақидаги гувоҳликларингизни сабрсизлик билан кутиб қоламан.

Ибодат

Эй, Раббий, мен Сенинг олдинда таъзим қиламан. Мен фарзандимни ўз кучим билан Сен хоҳлагандай қилиб тарбиялай олмаслигимни тушунаман. Мен Сенинг ёрдаминга муҳтожлигимни биламан. Мен ўз фарзандимни Сен билан биргаликда тарбияламоқчиман; менга донишмандлик ато қил, мени сезгир бўлишга ўргат. Мен Сенинг раҳнамолигинга, Сенинг кучинга, бардошинга ва Сенинг сахий севгинга муҳтожман. Сенинг назаринг менга ва менинг қизимга (ўғлимга) тушишини хоҳлайман. Мени ҳам Ўзинг сева оладиганингдай севишга ўргат. Сендан ўтиниб сўрайман: менга шифо бер, мени озод қил, мени ўзгартир, мен баркамол, барқарор инсон бўлишимга ёрдам бер. Сенинг олдинда ҳақ йўлдан юришимга ёрдам бер. Сенга ёқиш учун Ўзингнинг қоидаларинга мени ўргат. Сенинг Муқаддас

Рухингнинг гўзаллиги менда шундай намоён бўлсинки, токи мен Сенинг назарингда мақтовга сазовор бўлай. Фарзандимга тўғри муносабатда бўлишга, уни интизомли қилишга, уни ўқита олишга мени ўргат. Ўзинг мени қандай она сифатида кўришни хоҳласанг, шундай она қил. Менга ибодат қилишни ва ўз фарзандимнинг ҳаёти учун Сенга тўғри илтижо қилишни ўргат. Эй Раббий, Сен Ўз Каломингда шундай дегансан: «Сизлар ибодат қилиб, ишонч билан нимаики сўрасангиз, эришасизлар» (Матто 21:22). Исо номи билан Сендан илтимос қиламан: менинг ишончимни шундай мустаҳкам қилгинки, токи Сен менинг жигарбандим ҳақида нима десанг, шунга ишонай; Сен нима ҳақда ибодат қилишни буюрсанг, шу ҳақда ибодат қилай.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Сизлар Мени эмас, Мен сизларни танладим. Бориб
ҳосил беринглар ва ҳосилингиз боқий бўлсин, деб
сизларни танладим. Шундай қилиб, Менинг
номимдан Отадан нимаики сўрасангизлар, У
сизларга беради.

Юҳ. 15:16

Солиҳ пок юради, унинг болалари нақадар
бахтлидир!

Хикмат. 20:7

Менинг номимдан Отадан бирор нарса
сўрасангизлар, уни бажо келтираман, токи Ота Ўз
Ўғли орқали улуғлансин. Ҳа, Менинг номим учун
нима сўрасангизлар, Мен уни бажо келтираман.

Юҳ. 14:13-14

Сиз, оталар, фарзандларингизнинг жаҳлини
чиқарманглар. Уларни Раббимизнинг таълим-
тарбияси билан ўстиринглар.

Ефес. 6:4

Шунингдек, нажот дубулғасини кийинглар, Худо
каломи бўлган Рухнинг қиличини кўтаринглар.
Ҳар турли дуо ва ёлворишлар билан, Муқаддас Рух
илҳоми билан ҳар доим ибодат қилинганлар.
Ибодатда хушёр ва саботли бўлиб, барча Худонинг
азизлари учун илтижо қилинганлар.

Еф. 6:17-18

2-БОБ

ФАРЗАНДНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ РАББИЙНИНГ ҚЎЛИГА ТОПШИРИШ КЕРАК

Мен биринчи фарзандим туғилганидан сўнг, унинг ҳаёти учун хавотир олавериб тинчлигимни йўқотдим. Мен уни кимдир итариб юборишидан, ваннада чўкиб кетишидан, давосиз хасталик билан оғриб қолишидан, уни овқатлантириш эсимдан чиқиб қолишидан, уни ит қошиб олишидан, у автомобил ҳалокатига учраб қолишидан, уни ўғирлаб кетишларидан ёки у йўқолиб қолишидан, хуллас, ҳамма бало-офатдан қўрқардим. Мен Худога итоат қилиш ҳиссидан ҳам кўпроқ умидсизликдан Унга мурожаат қилардим. У менга ўша заҳотиёқ, Кристофер сизларга Менинг ҳадямдир, Мен ўғлингиз ҳақида ҳатто сиздан ҳам кўпроқ қайғураман, деб эсимизга солди. Менинг эсимга Муқаддас Китобдаги аҳд тушди: «Бутун ғамларингизни Худога ташланглар, Унинг Ўзи сизларга ғамхўрлик қилади...» (1 Бут. 5:7).

«Эй Раббий, дунёда мен ҳаммадан ҳам кўра фарзандим учун хавотир оламан. Шунинг учун уни Сенинг қўлингга топшираман. Чунки фақат Сенгина унга тўғри тарбия бера оласан, унинг беҳавотирлигини таъминлайсан. Мен ота-

оналик юкини бир ўзим кўтармоқчи эмасман; буни мен Сен билан биргаликда бажармоқчиман».

Қалбимни қўрқув қамраб олган кундан бошлаб, мен буни ибодат бошлаш учун ишора, деб қабул қилдим, юрагимда хотиржамлик ҳукм сурмагунча ибодат қилавердим. Агар мени хавотирлик тарк этмаса, Худодаги опа-сингилларим билан бирга, қалбимда Раббий тинчлиги ўрнатилсин, деб кутиб ибодат қилардим. Ҳар куни мен ўғлимни Раббий қўлига топширганим ҳақида овоза қилардим, Самовий Отамдан унга ғамхўрлик қилишини илтимос қилардим. У менинг елкаларимдаги ташвишни олар, мен ўзимни бахтли она, деб ҳис қила бошлардим.

Мен фарзандларим учун бу ибодатни жуда кўп йиллар такрорладим. Фарзандларимни болалар боғчасининг туну кун ишлайдиган гуруҳ энагаси билан қолдираётганимда ҳам, уларни биринчи марта болалар боғчасига олиб борган вақтимда ҳам, уларнинг яраларини тикиш учун врач хонасида қолдираётган пайтимда ҳам, улар дўстлари билан биринчи марта базмга кетганларида ҳам, ўғлим биринчи маротаба оилавий автомобилimiz рулини бошқарганда ҳам, у футбол ўйнаётганда ҳам доимо шу ибодатни такрорлардим.

Яқинда ўғлим Кристофер коллежга кетаётганда, уни мен яна Парвардигорнинг қўлларига топширдим. У жўнаб кетишидан олдин мен ажралиш дақиқаларини кўз олдимга

келтириб, бир неча ой йиғладим. У жўнаб кетгандан сўнг бизнинг ҳаётимиз тубдан ўзгаришини мен сездим. Аммо бу воқеадан анча олдин Раббий менга шу сўзларни аён қилди: «Шундай қилиб, сизлар шодон ва хурсандчилик билан йўлга чиқасизлар ва тинч-осойишталик билан кузатасизлар; тоғлар ва тепаликлар сизларга қўшиқ куйлашади...» (Ишаё 55:12). Шу билан бирга, У менга айрилиқ машаққатларидан кейин шодлик ва тинчлик ҳисси бизга ҳам, уларга ҳам келишини аён қилди. Муҳими, бизнинг фарзандларимиз ҳаётнинг қайси босқичларида бўлмасинлар, уларни Раббий қўлига топширамыз, биз уларнинг юракларига қувонч ва тинчлик бахш қиламыз, улар олға юрадилар, Раббий уларга тўғри йўлни кўрсатиб туради. У бизга ҳам худди шундай қилади. Она учун бундан ҳам ортиқ тасалли бўлиши мумкинми? Айнан шунинг учун биз Кристоферни ўша куни университетнинг биринчи босқич талабалари учун мўлжалланган ётоқхонага олиб келганимизда, менинг қалбимни қувонч тўлдирган эди. Бундай қувончни фақат яккаю ягона Раббий бера оларди. Ҳақиқатан ҳам мен худди тоғлар ва тепаликлар қўшиғини эшитаётгандай бўлардим (қаранг: Ишаё 55:12).

Ҳали мен ўз фарзандимни Раббий қўлига бир неча бор топширишимни билардим. Уларнинг ҳаётидаги энг жиддий воқеа мен учун, албатта, уларнинг турмуш қуришларидир. Бу ҳақда ўйлар эканман, мен Худодан ўзига ўғил тилаган Ханнанинг тарихини эсламан. Худо унинг

ибодатларига жавоб берди, Ханна Шомуилни туғди. Кейин Ханна шундай деди: «Мен мана шу бола учун Эгамга илтижо қилган эдим, Эгам тилагимни бажо қилди. Шунинг учун уни Эгамга бағишладим, умр бўйи Унга аталган бўлсин, дедим» (1 Шоҳ. 1:27-28).

Ханна ўғлини Худога топширишга қасамёд қилди, боласини кўкракдан ажратган заҳотиёқ уни руҳоний Эли хизмат қилаётган Худонинг уйига олиб борди. Шундай қилиб, у онтинибажарди. Аммо сиз безовта бўлмасангиз ҳам бўлади (ёки аксинча, умид қилсангиз ҳам): Раббий сиздан болангизни жамоат руҳонийсига ва унинг хотинига тарбиялаш учун қолдиришингизни талаб қилмайди. Гап шундаки, Ханна фарзандини Худога бағишлади, кейин эса У нимани амр қилган бўлса, шуни бажарди. Натижада Шомуил ер юзидаги Раббийнинг энг буюк пайғамбарларидан бирига айланди.

Биз болаларимизни ўзимизга боғлаб уларнинг ҳаётига Худонинг аралашувини чеклаб ёки уларни фақат ўз кучимиз билан тарбиялашга ҳаракат қилмаслигимиз керак. Агар сиз фарзандларингиз ҳаётини Раббий бошқара олишига ишонмасангиз, улар учун бўлган қўрқувлар сизни қамраб олади. Фақат болаларингизни эркин қилиб, Раббий улар билан бемалол мулоқотда бўлишига қўйиб берсаккина, Худонинг бошқарувига ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Агар сиз Унинг Каломига асосланиб

яшасангиз, Унинг йўлларидан юрсангиз, ибодатларингизда ўз ташвишларингиз ҳақида Унга айтиб берсангиз, ана шу натижага эришасиз. Биз Парвардигорга умид боғлашимиз керак, чунки У бизнинг ўзимиздан ҳам кўпроқ қайғуради. Фарзандларимизни Самовий Отамизнинг қўлига топшириб, Унинг ҳуқуқларини тан олиб, биз ҳам, фарзандларимиз ҳам юрагимизда ажойиб хотиржамликка эришамиз.

Биз ҳамма жойга улгура олмаймиз, аммо Худо улгуради. Биз ҳамма нарсани кўра олмаймиз, аммо Худо кўра олади. Биз ҳамма нарсани билмаймиз, аммо Худо билади. Агар биз болаларимизнинг ёшидан қатъий назар, уларни Раббийнинг қўлига топширсак, шу билан бирга ўзимизнинг ишончимиз ва эътиқодимиз ҳақида Унга гувоҳлик берган бўламиз. Шундай қилиб, уларнинг ҳаётини ўзгартиришга биринчи қадамни қўйган бўламиз. Фарзандларимиз учун ибодат ана шундан бошланади.

Ибодат

Эй, Раббий, мен Сенга Исо номи билан мурожаат қиламан. Сенинг қўлингга фарзандим (болангизнинг исми) топшираман. Мен ишонаманки, фақатгина Сен унга (менинг қизимга ёки ўғлимга) энг яхши нарсаларни бера оласан. Фақат Сен унинг ҳақиқий эҳтиёжларини биласан. Мен фарзандимни Сенинг паноҳингга ва ҳимоянгга топшираман.

Сен юрагимга солган унинг ҳар бир эҳтиёжи учун Сенга ибодат қилишга мен ваъда бераман. Фарзандим учун ибодат қилишни ўргат, мени ибодатга бошла. Фарзандим учун ибодат қилаётганимда ўзимнинг истакларимнигина айтишимга имкон берма. Шундай йўл тутгинки, токи Сенинг ироданг унинг ҳаётида фаолият кўрсатсин.

Бир ўзимни ташлаб қўймаганинг учун, ўғлимнинг (қизимнинг) тарбиясида Сенга ҳамкор бўлишимга имкон берганинг учун Сенга шукр айтаман. Одамлар таклиф қилаётган ишончсиз ва доимо ўзгариб турадиган услубларга куним қолмагани учун ҳам Сендан миннатдорман. Сенинг ўғитларингга риоя қилиб, Сенинг жавобларингни кутганимда эса донишманд ва билимли бўламан.

Эй Раббий, Сенинг қимматбаҳо ҳадянг — менинг фарзандим учун Сендан миннатдорман. Сенинг Каломингда айтилишича, ҳаётдаги ҳар қандай совғани биз Сендан оламиз. Сен менга бу болани унга ғамхўрлик қилишим ва уни тарбиялашим учун берганингни биламан. Менга бу ишда ёрдам бер. Мен унга ўз иродамни қай жиҳатдан мажбурлаб ўтказаетганимни менга кўрсат, ёрдам бер, токи уни Сенинг ҳомийлигинг остига бера олай, токи фарзандимни ҳаётда ўзинг бошқара олгин. Турли хавф-хатар қаршисидаги қўрқувлардан мени халос қил. Менга хотиржамлик ато қил, токи шодлик ва Ўзинг ҳаммасини бошқараётганингни билай. Мен ҳамма нарсада Сенга суянаман, бутун ўғлимни (қизимни) Сенга ишониб топшираман, фарзандимни Сенинг қўлларингга бераман.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Сизлар ёвуз бўла туриб, болаларингизга яхши ҳадялар беришни билсангиз, боз устига осмондаги Отангиз Ундан сўраганларга мўл-кўл неъматни беради!

Матто 7:11

Эгамизнинг содиқ севгиси абадулабад Ўзидан кўрққанларда давом этар, Унинг содиқлиги ўтар болалардан болаларга. Унинг аҳдига содиқ бўлганларга, Унинг амрларига садоқат ила итоат этганларга.

Забур 102:17-18

Уларнинг меҳнати беҳуда кетмас, Насллари бахтсизликка мубтало бўлмас, Уларнинг ўзи, авлодлари ҳам Эгам марҳаматлаган қавмдир.

Ишай 65:23

Ўғиллар — Эгамиздан меросдир, Болалар — Ундан мукофотдир.

Забур 126:3

Ундан нимаики сўрасак, У беради. Чунки биз
Унинг амрларини бажо келтириб, Унга мақбул
бўлган ишларни қилаётимиз.

1 Юҳ. 3:22

3-БОБ

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФАРЗАНДНИ ЗУЛМДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ КЕРАК

Фарзандларимиз учун қилинган энг қизғин ибодатларимизда тез-тез Раббийдан уларни ҳимоя қилишни сўраймиз. Агар юрагимиз фарзандларимизнинг шахсий бехатарликлари учун хавотирга тўла бўлса, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш жуда қийин. Агар келажак бор эканлигига биз ишонмасак, қандай қилиб фарзандларимиз учун ибодат қила оламиз?!

Ўғлимиз Кристофер ўн етти ёшга, қизимиз Аманда йигирма ёшга киргунларича биз Лос-Анжелесда яшадик. Мана шу йиллар давомида мен улар учун доимо хавотирланиб яшадим. Ўша пайтларда жинойтчилик даражаси кундан-кунга ошиб борар эди. Ҳаттоки анча тинч ҳисобланган бизнинг туманимиз ҳам менда ишонч уйғота олмасди. Шунинг учун мен ҳар куни ана шу муаммо ҳақида ибодат қилар эдим. Аслини олганда мен фарзандларимизнинг хавфсизлиги учун улар бўйимда бўлиб қолган вақтдан — чақалоқликларидан бошлаб болаларимга бирон кўрқинчли фалоқат юз бермаслиги учун ибодат қила бошлаган эдим. Улар катта бўлгунларича, мен Худодан уларни зўравонликдан, бахтсиз ҳодисалардан

химоя қилишини сўрардим. Мен гоҳ бир ўзим, гоҳ солих дўстларим билан ибодат қилардим: «Кўз қорачиғидай асрагин уларни, Ўз қанотинг соясига яширгин уларни; зарба берган бетавфиқлардан, ҳар ёқдан ўраб олган жон душманидан» (Забур 16:8-9).

Бошқа болалар каби, Аманда билан Кристофер ҳам кўп йиқиларди, тиззаларини яра-чақа қилишарди, жароҳат олишарди. Бундан бошқа бир нечта жиддий нохушликлар ҳам бўлган. Ўшанда яраларини тикиш учун врачга мурожаат қилишимизга тўғри келган. Аммо ўта жиддий жароҳатлар уларни четлаб ўтди. Аммо ўғлим бир куни йўл фалокатига учради. Ўғлим бу воқеа тафсилотларини ушбу китобнинг кириш қисмида ҳикоя қилиб берган. Бир куни эрталаб мен ўғлим ва қизимни мактабга жўнатдим. Иккови ҳам ўз синфдошлари билан кетишди. Уйга энди қайтиб кирган эдимки, кўпчилик ота-оналарни ваҳимага солиб қўрқитадиган телефон қўнғироғи жиранглади.

«Омартиан хоним, ўғлингиз Кристоферга ҳеч нарса бўлгани йўқ, аммо у жиддий йўл фалокатига учради, у ҳозир касалхонада. Машинанинг олди ойнасига урилиб кетган, бунинг устига, учала ўсмирнинг биронтаси ҳам хавфсизлик камарини тақиб олмаган экан».

Касалхонага етиб боргуниimizча эрим билан мен учала бола учун ҳам ибодат қилиб кетдик. Шу пайтгача бир неча бор биз қўлимизни Кристофернинг бошига қуйиб,

Раббийдан, ўғлимизни автомобил ҳалокатидан асрагин, деб ибодат қилганларимизни эсладим. Мен ҳатто ўша пайтда ибодатимизда айтилган, Муқаддас Китобдан олинган оятни ҳам эсладим:

«У сен тўғрингда фаришталарига амр берар,
Фаришталар ҳамма йўлларингни қўриқлар.
Фаришталар қўлларида сени кўтариб борар,
Оёғинг тошга қоқилиб кетмасин, дея» (Забур 90:11-12).

Парвардигор ибодатларга жавоб беради; Унинг ваъдалари бажарилади. Мен бу ҳақда билардим. Агар Кристофер ҳалокатга учраган бўлса, Раббий Ўз фаришталари билан унинг ёнида туриб ўғлимни ҳимоя қилган бўлиши керак. Мен яна Муқаддас Китобда Худодан қўрқувчи художўй ҳақида нималар айтилганини ҳам эсладим: «Ёмон хабардан у қўрқмас, Эгамиздан умид қилар, ишончга тўла юраги» (Забур 111:7). Шу боис мен ўзим сабабини билмаган ҳолда анча хотиржам бўлдим. Менинг қалбимда Раббий берган сокинлик пайдо бўлди.

Касалхонага келиб, биз ҳалокат пайтида Кристофернинг орқа ўриндиқда, тиззасига спорт кийимлари солинган катта сумкани қўйиб ўтирганини билдик. Айнан ана шу сумка Кристофер учун олдиндаги ўриндиқ орқасига урилганда зарбани юмшатувчи ёстик тариқасида хизмат қилибди. Шунинг учун ўғлимиз тизза жароҳати ва орқасининг енгил лат ейиши билан қутулиб

қолибди. Олдинги ўриндиқда ўтирган ўспирин ён ойнадан учиб чиқиб кетган ва жиддий жароҳатланган экан. Рулдаги шофёр эса рулга юзи билан урилиб, жиддий тан жароҳати олган. Машина эса тамомила чилпарчин бўлиб пачоқланган.

Бизлар, фалокатга учраган болаларнинг ота-оналари, фарзандларимизнинг биттаси ҳам хавфсизлик камарларини тақишлари ҳақида шунча тушунтиришларимизга қарамай, камарни тақмаганлари учун ҳайрон бўлдик. Агарда улар бизнинг гапларимизга кирганларида эди, эҳтимол умуман ҳалокатга учрамасдилар. Аммо бизнинг ибодатларимиз туфайли уларнинг тирик қолганликлари бизни хурсанд қиларди. Фарзандларимизнинг тирик қолишларига сабаб — Исога, болаларимизни ҳимоя қил, деб сўраб айтган ибодатларимиз эканлигини *биз ҳаммамиз* билардик. Бу учун Раббийга шукроналар айтдик.

Сизнинг ибодатингиз ҳар хил кўнгилсизликлардан болангизни асрашга кафолат бера олмайди. Албатта, улар машаққатларни бошларидан кечиришларига *тўғри келади*. Чунки улар гуноҳкор дунёмизнинг ажралмас қисмидир. Аммо ота-она ибодати болаларни зулмдан асрашда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳатто бахтсиз воқеа содир бўлса ҳам, улар соғ-саломат қоладилар; бахтсиз ҳодисалар

эса фарзандларимизга зарар етказмайди, аксинча фойда келтиради.

Сизнинг ибодатларингиз самарадорлигининг энг асосий шarti — Парвардигорнинг Каломи. Калом сизга тинчлик ва осойишталик олиб келади. Лос-Анджелесда яшаган пайтимда мен ҳатто, оиламни ҳимоя қил, ўзимни ҳар хил бало-қазолардан асраб қол, деб Худодан сўраб неча марта ибодат қилганимни билмайман. Ҳар сафар санаб саноғига етиб бўлмайдигандай туюлган тажовузлардан бизни асрашни сўраб илтижо қилар эканман, мен Муқаддас Ёзувлардан олинган қуйидаги оятларни ўқирдим:

«Қасдимни олган Худодир,
Халқларни менга У тобе қилган.
Мени ғанимларимдан қутқарган,
Ҳа, босқинчилардан мени устун қилган,
Мени зўравонлар қўлидан халос этган» (Забур 17:48-49).

Яна:

«Эгамга ҳамду санолар бўлсин
Ажойиб содиқлигин менга кўрсатгани-чун
Қамалда қолган шаҳарда бўлган пайтимда» (Забур 30:22).

Калифорниянинг яна бир хавфли томони зилзилалар эди. Ҳар куни ухлашдан олдин Худодан, менинг оиламни

зилзилалардан асрагин, деб сўраб ибодат қилардим. Баъзида тун ярим бўлганда, мени кучли зилзила уйғотиб юборарди. Мен атрофдаги зим-зиё зулматдан, ҳамма нарсанинг силкинишидан ваҳимага тушиб уйғониб кетардим. Силкинишлар момақалдиروقнинг гумбирлашидан ҳам кўрқинчли шовқин-сурон остида бўларди. Буни ҳеч эсдан чиқариб бўлмайди, бу хотирада доимо қолади. Мен то Муқаддас Ёзувлардан олинган куйидаги оятлар ёрдамида оиламнинг ҳимояси учун ибодат қилмасдан уйқуга ётмас эдим:

«Худо бизнинг паноҳимиз, қудратимиздир,
Кулфатда қолганимизда доим мадаккоримиздир.
Шу боис биз кўрқмаймиз ҳеч ҳам
Ер остин-устин бўлиб кетса ҳам,
Денгиз бағрига тоғлар қулаб тушса ҳам» (Забур 45:2-3).

Муқаддас Китобда Худонинг ёрдами ваъда қилинса ҳам, мен Парвардигордан бундан кўпроғини сўрардим: «Раббий, зилзилалар содир бўлмаслигини Сендан илтижо қилиб сўрайман. Аммо улар барибир рўй берса, шундай қилгинки, биз зилзила бўлган жойда бўлмайлик. Аммо Сен бизнинг шу жойда бўлишимизни хоҳласанг, Сендан илтимос: бизни ҳимоя қилиб, паноҳингда сақла».

Парвадигор менинг бу ибодатимга жавоб берганинибиламан, чунки биз Нортридждан 1994 йил 17 январда содир бўлган зилзиладан олдин кўчиб кетдик. Бир

неча ойдан сўнг мен болаларим билан вайронага айланган ўша жойларда бўлдим, вайроналарни кўриб даҳшатга тушдим. Биз яшаган уй тамомила вайрон бўлган эди. Биз Раббийнинг кучига ва Унинг мурувватига ҳам қойил қолдик, чунки У менинг ибодатларимга жавобан бизни у ердан Ўз қўллари билан етаклаб олиб чиқиб, қутқарган эди.

Агар биз зилзила рўй берган жойнинг марказида бўлиб қолган тақдиримизда ҳам, Худо бизга худди зилзила пайтида қутулиб тирик қолган одамларга ёрдам бергани сингари, мурувватини кўрсатишига ишонардим. Бахтсизликлар ҳамма жойда бор. Энг муҳими, Худога ишониш керак, Унга ибодат қилиш ва Ундан ёрдам кутиш керак.

Биз ибодат қилганимизда, ҳаётимизда нимадир ўзгаради, биз ибодат қилмаганимизда эса, ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Агар биз ибодат қилмасак, бизнинг фарзандларимиз билан нималар содир бўларди ёки нималар бўлмасди? Келинг, бу нарсанинг рўй беришини кутиб турмайлик, ҳозирнинг ўзидаёқ тиз чўкиб ибодатни бошлайлик.

Ибодат

Эй, Раббий, мен ўзимнинг фарзандим (исмини айтинг) учун Сенга илтижо қиламан: уни ҳимоя девори билан ўра. Унинг руҳини, танасини, ақлини, туйғуларини турли жаҳолатлардан асра. Энг муҳими, уни бахтсиз ҳодисалардан, касалликлардан, жароҳатлардан ва бошқа жисмоний, ақлий, руҳий зўравонликдан асра. Мен Сендан илтижо қиламан, фарзандимни, жигаргўшамни то «балолар қайтмагунига қадар, қанотларинг соясида уни асра» (Забур 56:2). Уни турли душманларча қилинган таъсирлардан, барча пинҳоний хавфлардан ҳимоя қил. Унга қарши кўтарилган ҳар қандай кучни бекор қил. Раббим, Сен бизнинг фарзандларимизга нисбатан қилаётган ҳимоянг учун, мурувватларинг учун Сендан миннатдорман. Менинг ўғлимга (қизимга), Сенинг йўлингдан юриб, Сенинг иродангга бўйсуниб яшашига ёрдам бер, токи у ҳеч қачон Сенинг мурувватингдан бебаҳра қолмасин. Фарзандим қаерда бўлмасин, у нима қилмасин, уни Ўз паноҳингга ол, асра. Исо Масиҳ номи билан Сендан илтижо қиламан.

МУҚАДДАС КИТОБДАН сизнинг ибодатларингизни таъсирчан қиладиган оятлар

Худойи Таолонинг паноҳида яшайдиган Қодир
Худо соясида ором топар. Мен айтарман Эгамга:

«Сен паноҳим, қалъамсан, Мен умид боғлаган
Худойимсан.» Албатта У халос этар сени овчининг
тузоғидан, Халос этар сени қирғин келтирувчи
вабодан.

Забур 90:1-2

Эй Худойим, ўз қулоқларимиз-ла эшитганмиз,
Бизга айтган эди ота-боболаримиз, Қадим-
қадимда — уларнинг замонида Сен қилган
ишларни.

Ишай 43:2

Мен эса илтижо қиларман Худога, Нажот беради
Эгам менга.

Ишай 54:17

Агар Эгамизни ўзингнинг паноҳинг қилсанг,
Худойи Таолони қўрғонинг қилсанг, Бошингга
бирон бахтсизлик келмас, Бирон фалокат
чодирингга йўламас.

Забур 90:9-10

Эгам мени ҳимоя этгани учун Ётиб ухлаб, яна
уйғонурман.

Забур 3:6

4-БОБ

ФАРЗАНДИНГИЗНИ СЕВИШИНГИЗНИ УНГА ҚАНДАЙ НАМОЁН ҚИЛИШИНГИЗ КЕРАК

Фарзандларимиз хаёлида тахминан «Мени ҳеч ким яхши кўрмайди», «Мен ҳеч кимга керак эмасман», «Мен билан ҳеч ким қизиқмайди», «Менинг қўлимдан ҳеч нима келмайди», «Мен жуда семизман (ёки «жуда озғин», ёки «жуда новча», ёки «жуда пакана»), «Мен аҳмоқман», «Мен ҳаддан зиёд ақллиман» ва бошқа шаклларда ифодаланган, ҳақиқат ниқоби остига беркинган ёлғон фикрлар пайдо бўлганда, улар жуда қаттиқ тушкунликка тушадилар. Улар 12-13 ёшга кирганларида, шу тарздаги ёлғон фикрлар уларнинг онгини заҳарлайди. Ҳатто баъзида улар улғайганларида ҳам бундай фикрлардан қутула олмайдилар. Шунинг учун сизнинг фарзандингиз ўзини сеvimли ва керакли ҳис қилиши учун ибодатни бошлаш асло кеч эмаслигига ишончим комил. Бола энг аввало Худога сеvimли эканлигини, кейин оилага, тенгдошларига ва бошқа кишиларга сеvimли ва керак эканлигини ўзи ҳис қилиб туриши лозим. Фарзандлар учун ибодатни улар кичик ёшда эканларида ёки улар сал улғайганларида бошлаш мумкин. Муайян бир муаммолари ҳақида бутун ҳаётлари давомида ибодат қилишнитўхтатмаслик керак.

Биз ҳаммамиз ҳаётимиз давомида баъзан ўзимизни кераксиздай ҳис қилган пайтларимиз бўлган. Қай биримиз камситилганмиз, уялтирилганмиз. Ким ўзини айбдор, кераксиз, омадсиз ҳис қилмаган?! Қай биримиз атрофимиздагиларнинг айбловларидан, бизни нотўғри тушунганларидан азобланмаганмиз?! Биз ҳаммамиз ким томонидан бўлмасин: оиламиз аъзоси томонидан бўлганми, дўстимиз ёки бутунлай бегона одам томонидан бўлганми — рад қилиниш нима эканлигини жуда яхши биламиз. Биров буни анча енгил кечиради, чунки қалбининг туб-тубидан ўзининг биров томонидан севимли, бировга керакли эканлигини сезиб туради. Бошқа бировнинг эса юрагида ўзи рад қилинган сон-саноксиз ҳоллардан чуқур яра излари қолади, у атрофдагилар томонидан ўзига билдирилган ҳар қандай маъқул деб топилмаган муносабатдан бошқача таъсирланади. Шунинг учун бизнинг ҳаётимизда содир бўладиган жаҳолатнинг энг бош сабаби — бировнинг бошқа биров томонидан рад қилинишидир, деб ҳисоблаш мумкин. Демак, ишдан бўшатирилган хизматчи ўзининг олдинги иш жойига боради, бошлиғини, ўзининг ҳамкасбларини ўққа тутаяди. Ёки рад қилинган эр ўз хотинини ё дўппослайди, ёки ўлдираяди. Ким томондандир асаби бузилган она бутун ғазабини ўз фарзандига тўкиб солаяди. Агар одам ўзини ҳеч кимга кераксиздай ҳис қилса, унинг қалбида фақат салбий томонлар юзага чиқаяди. Ёки аксинча, атрофдагиларнинг

севги-изхорлари эса унда фақат энг яхши туйғулар уйғотади. Ўзини қувғиндидай ҳис қилган одам, атрофдагиларнинг барчаси менга қарши экан, деб ҳисоблайди: ҳар қандай қараш, беғараз калима, арзимаган ишда ўзига хавф-хатар кўради. Ўзини севимли ва керакли деб ҳис қиладиган одамга эса буларнинг бари бегона бўлади. Эҳтимол, ҳеч кимнинг шу одамга нисбатан дилида бирон-бир ғараз-нияти йўқдир, аммо у ўзини кераксиздай ҳис қилади, ўзига ўзи катта зарар етказди.

Аммо Раббийнинг севгиси ҳаммасини ўзгартиришга қодир. У бизни севишига ва авайлашига бўлган ишончимиз ҳаётимизни тубдан ўзгартириб юборади. Парвардигор шундай дейди: «...Мен сени танладим, сендан воз кечмайман...» (Ишаё 41:9). Шунингдек: «Мен сени абадий севги билан севдим...» (Ерм. 31:3). Ҳа, Худо Ўз севгисини исботлаб берди, бу ҳақда Муқаддас Китобда шундай ёзилган: «Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масих биз учун ўлди. Бу Худонинг бизга бўлган муҳаббатидан далолатдир» (Рим. 5:8). Лекин энг муҳими қуйидагидир: «Мен аминманки, на ўлим ва на ҳаёт, на фаришталар ва на жин-ажиналар, на ҳозирги ва на келгуси ҳодисалар, на баландликлар ва на чуқурликлар ҳамда на яратилган бошқа бирон мавжудот Раббимиз Исо Масих шахсидаги Худо севгисидан бизни жудо қилишга қодир эмас» (Рим. 8:38-39).

Фарзандларимиз ана шу ҳақиқатларни ўзлаштириб олишлари учун биз ибодат қилишимиз керак. Улар Раббий севгисини қабул қилганлардагина, бошқа одамларни севишга ва тушунишга ўрганадилар.

Айнан Раббийнинг севгиси энг аввало ҳар бир одамга керак бўлса ҳам, бола биринчи навбатда ўз ҳаётида ота-она севгисининг мавжудлигини ёки йўқлигини дарров ҳис қилади. Чақалоқ буни ҳаётининг биринчи кунлариданоқ сезади. Ота-она севгиси гўдаклигидаёқ унга Худонинг севгисини англашга имкон беради. Шунинг учун болаларимиз гўдаклигидаёқ биз улар учун ибодат қилишимиз керак: «Раббим, фарзандимни чин муҳаббат билан севишимга ёрдам бер. Уни Ўзинг хоҳлаганингдай севишни, бу севгини у тушуниб англашини ва бундай севгини унга қандай етказиш йўллари менга ўргат». Агар фарзандингиз улғайганда, қандайдир бир сабаб билан ўзини кераксиз ҳис қилса, орқага сурмасдан ҳозироқ ибодатни бошланг. Худодан: фарзандимнинг қалбини *Раббий* севгиси билан тўлдир, мен ва бошқаларнинг севгиси учун унинг юрагини оч, деб сўранг.

Парвардигордан, боламга бўлган севгимни кўрсата олишга мени ўргат, деб сўранг, қалбингизни бўлиб ўтган кўнгилсизликлар туфайли айбдорлик туйғуси билан шайтон қийнашига имкон берманг. Сизга шайтоннинг усули маълум бўлса керак: «Сенинг фарзандинг ўзини

кераксиз сезяпти, чунки сен ёмон онасан (ёмон отасан)»; «Агар сен шунчалар нотавон бўлмаганигда, сен ўз фарзандингга севгингни кўрсата олардинг»; «Сени ҳеч қачон ҳеч ким севмаган, шундай экан, сен қандай қилиб бировни яхши кўра оласан?!» Бу ёлғонларнинг бари дўзахдан чиқади ва шайтон режасининг бир қисми бўлиб ҳисобланади.

Агар сизни айбдорлик туйғуси ёки ҳаётингизнинг бирон-бир соҳасидаги муваффақиятсизликлар ҳақидаги хотиралар қийнаётган бўлса, Худо олдида ўз фикрларингизни очинг, бу муаммо учун ибодат қилинг, уни Раббий қўлига топширинг, кейин эса қатъий равишда айтинг: «Раббий менинг фарзандимни севади. Мен ҳам фарзандимни яхши кўраман. Бошқа одамлар ҳам менинг фарзандимни яхши кўришади. Агар менинг фарзандим ўзини севимли ҳис қилмаса, демак, душман ўзи ҳақда айтган ёлғонга ишонган. Биз шайтоннинг ёлғони билан ҳамжиҳат яшашдан бош тортамыз». Сиздан катта қатъият ва чидам талаб қилинса ҳам чекинманг, душманнинг ёлғонига ён берманг, уни Худонинг ҳақиқати билан рад қилинг. Кейин эса Раббий Ўз севгисини фарзандингиз юрагига солиши учун ибодат қилинг. Фарзандингиз сизнинг севгингизни қабул қила олиши учун ҳам илтижо қилинг.

Ибодат қилишдан ташқари сиз севгингизни фарзандингизга қарашларингиз билан, қўлингизни тегизиш (майли, бу силаш, қучоқлаш ёки ўпиш бўлсин) билан, қилиқларингиз, ишларингиз, сўзларингиз билан ифодалашга ҳаракат қилинг. Мен меҳр билан болаларимни бошини силаганимда, уларнинг кўзларига қараб: «Сени яхши кўраман, биламан, сен мардсан, ҳаммадан яхшисан», десам, *доимо* қизимнинг ёки ўғлимнинг юз-кўзлари яшнаб, ўзларини тутишлари ўзгарганлигини сезаман. Ўзингиз ҳам шундай қилиб кўринг, бу гапларимга ишонч ҳосил қиласиз. Эҳтимол, бошида ўзингизни анча ноқулай сезасиз, чунки бу сиз учун янгилик. Ёки фарзандингиз ўсмир ё аллақачон катта йигит бўлиб қолган, барибир уялиш, тортиниш ҳисларини енгиб ўтинг-да, мен айтганларимни қилинг. Агар биринчи қадамни қўйиш сизга қийин бўлса, Худодан бу иш учун сизга куч ато этишини сўранг. Бу ҳаракатларингиз қизингиз ёки ўғлингиз қалбида акс-садо топиши учун ибодат қилинг.

Агар сиз ўзингизда фарзандингизга нисбатан меҳр йўқлигини сезсангиз, Муқаддас Рухдан сўранг. Муқаддас Китоб бу ҳақда шундай дейди: «Бизга берилган Муқаддас Рух орқали юраklarимиз Худо севгисига тўлиб-тошади» (Рим. 5:5). Бошқа кўп нарсалардан ташқари, Раббий сизнинг юрагингизни Ўз севгиси билан тўлдиришини, шу севги бошқаларга ҳам қўйилишини хоҳлайди. Болангиз учун ибодат қилаётиб, сиз нафақат Раббийнинг севгисини қабул

қиласиз, балки уни бир неча марта кўпайтирасиз. Шундай экан, бу севги юрагингизни лиммо-лим тўлдириб тошиб ҳам кетади.

Ибодат

Эй, Раббий, менинг фарзандим (ўғлингиз ёки қизингиз исмини айтинг) ўзини севимли, керакли ҳис қилиши учун ибодат қиламан. Унинг юрагини ҳозироқ Ўзингнинг севгинг билан тўлдир. Сенинг меҳринг қанчалар буюк ва чексиз эканлигини тушуниши учун унга ёрдам бер. Сенинг Каломингда айтилишича, Сен бизни шунчалик севдингки, Ўзингнинг ягона Ўғлингни бердинг, токи Сенга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмай, абадий ҳаётга эришсин деб (қаранг: Юҳ. 3:16). Менинг фарзандимни ҳар қандай шайтон ёлғонидан ҳимоя қил, токи бу ёлғон унинг қалбида шубҳа уруғларини сочмасин! Исо шундай деган: «Отам Мени қандай севган бўлса, Мен ҳам сизларни шундай севдим. Менинг мухаббатимга содиқ қолинглар» (Юҳ. 15:9). Раббий, менинг фарзандим (фарзандингизнинг исми) Сенинг севгингдан баҳраманд бўлишига ёрдам бер, токи у Довуд билан бирга шундай дея олсин:

«Саҳарда содиқ севгингни менга эшиткиз,
Умидимни Сенга боғлаганман,
Ибодатларим Сенга етиб борсин,
Юрадиган йўлимни Ўзинг кўрсатгин» (Забур 142:8).

Сенинг севгинг чексиз эканлигини фарзандимга намоён қил, унга ёрдам бер, бу севгини қабул қилсин.

Мен Сендан ўтиниб сўрайман: фарзандимни Сен уни севгандай севишга мени ҳам ўргат, ўз севгимни унга намоён қила олишни ўргат, токи фарзандим бу севгини ҳис қила олсин. Сен уни қанчалар кучли севишингни фарзандим англаши учун, Сенинг севгингни унга қандай етказишимни кўрсат. Мен илтимос қиламан: оиламинг барча аъзолари менинг фарзандимни севсинлар. Уни, қандай бўлса, шундайлигича қабул қилсинлар. Бошқалар ҳам менинг ўғлимни (қизимни) қўллаб-қувватлашсин, маъқуллашсин. Фарзандим севимли эканлигига ўзида ишонч ортиб борар экан, унда шу севгини бошқалар билан ўртоқлашиш қобилиятини намоён қил, унинг юраги шу севги билан очилсин. Фарзандим ўзида Сенинг севгингни англай экан, уни бутун борлиғи билан қабул қилар экан, уни идишга айлантир, токи Сенинг севгинг ундан атрофдагиларга ҳам таралсин. Исо Масих номи билан Сенга илтижо қиламан.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Худо бизга бўлган муҳаббатини очиқ кўрсатди: У ягона Ўғлини дунёга юбориб, У орқали бизга ҳаёт бағишлади. Биз Худони севмаган эдик, У бизни севди ва Ўз Ўғлини уноҳларимизни ювиш учун

қурбонлик қилиб юборди. Ана, бу муҳаббатдир!
Эй маҳбубларим, Худо бизни шундай севганига
яраша, бизлар ҳам бир-биримизни севишимиз
қарздир.

1 Юҳ. 4:9-11

Сизлар Худойингиз — Эгамизнинг муқаддас
халқисиз. Худойингиз — Эгамиз сизларни ер
юзидаги бутун халқлар орасидан Ўзининг азиз
халқи қилиб танлаб олди.

Амрлар 7:6

Худо бизга нақадар муҳаббат қўйганини биламиз
ва бунга имонимиз комил.

1 Ин. 4:16

Эй Раббимиз севган биродарлар, сизлар учун
ҳамиша Худога шукр қилиш бизнинг бурчимиз.
Чунки сизлар Муқаддас Руҳ орқали муқаддас
қилиндингизлар ва ҳақиқатга имон келтириб,
нажот топдингизлар. Ана шу мақсадда Худо
азалдан сизларни танлади,

2 Сал. 2:13

Раббимиз Исо Масихнинг Отаси — Худога ҳамду
санолар бўлсин! У Масих орқали самовий оламда

бизга ҳар хил руҳий қут-баракалар ато этди. Ўз
ҳузурида муқаддас ва бенуқсон бўлишимиз учун, У
Масиҳ ҳақи бизга муҳаббат кўрсатиб, бизни дунё
яратилишидан аввал танлади. Бизни мурувватига
сазовор билиб, Исо Масиҳ орқали Ўзига ўғил
қилиб олишга азалдан қарор қилди. Илоҳий меҳр-
шафқатнинг донғи чиқсин, деб Худо севикли
Ўғлини юбориб, бизга иноят қилди.

Еф. 1:3-6

5-БОБ

АБАДИЙ КЕЛАЖАККА БЎЛГАН ИШОНЧГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШ МУМКИН

Энг аввало биз болаларимиз Исони ўзларининг Нажоткори, деб тан олишларини хоҳлаймиз. Ахир, шунда биз уларга абадий ҳаёт кафолатланганлигига, ўлганимиздан сўнг биз улар билан Самовий Шоҳликда учрашишимизга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Қандай ажойиб умид!

Дебби Бун ва унинг эри Табри: «Фарзандларимиз ҳаётлари учун илтимос қиламиз» номли ибодат йиғилишларида қатнашардилар. Улар меңдан Деббининг альбомларидан бири учун қўшиқ ёзиб беришимни илтимос қилишди. Дебби бу қўшиқ орқали фарзандларига ўзларининг энг сир тутилган туйғуларини очиб бермоқчи эди. Мен қўшиқнинг матнини ёздим, қўшиқни «Ҳамма нарсадан муҳим» деб атадим. Турмуш ўртоғим эса бу матнга мусиқа ёзди. Дебби бу қўшиқни ёзиб олди, энди турмуш ўртоғим ўз концертларида бу қўшиқни ижро қилмоқда. Бу қўшиқнинг сўзлари ҳар бир художўй ота-онанинг фикрларини аниқ ва равшан ифодалаб беради, деган умиддаман. Қўшиқнинг матни қуйидагича:

*Кўп нарса айтиш керак, лек ҳаёт қисқа,
Вақт қанчалар тез учиб ўтади!
Гар менинг қўлимдан келганда эди, ҳаёт бўронларидан сени
ҳимоялаб,
Мен бағримда асрардим сени.
Болам, мен сен билан бирга бўлолмасман доим,
Аммо мен сенга бир нечта сўз айта оламан.
Ҳеч қандай умид қолмаган пайтда, бу сўзлар яшайди
тоабад.*

*Энг аввало, эслаб қол: Ўша Раббийдир,
Сени ҳеч қачон тарк этмас асло.
Унга боқ, чунки У ҳаммадан устун.
Сени асрагувчи, ҳақиқий севги.
У сен ҳақингда қайғурган юрак.
Гар адашсанг зимистон тунларда ёлғиз,
У доим сен билан бирга бўладур.*

*У сенинг Абадий Отангдир, Отанг
Ўз қўлидан сени тушурмас зинҳор.
У Ўшадир, бутун дунёга Ҳукмдор;
Чунки У ҳаммадан доим устундир.
У — шодлик Булоғи, ҳам Юпатгувчи.
У — Ўшадир, тиз чўкиб қўрққин сен Ундан,
Зеро У ҳаммадан улугдир, улуг.*

*Туғилишинг биланоқ сенга аталган,
У барча шоҳликлар Хукмдоридир.
У сендаги мағлуб юракни кутар.
Чунки У учун бу ҳамма нарсадан улуг.
Кўп айтиш даркору аммо вақт қисқа,
Сен фақат Уни сев, зеро У ҳаммадан устун.*

Бизнинг фарзандларимиз беш ёшга қирганларида, Исони ўзларининг ҳаётларига таклиф қилишга қарор қилишди. Биз уларга Раббий ҳақида сўзлаб берардик, овоз чиқариб Муқаддас Китобдан оятлар ўқирдик, ҳар куни улар билан бирга ибодат қилардик, уларни Худонинг кетидан боришга ўргатадиган жамоатга мунтазам олиб борардик. Кристофер ва Аманданинг юраклари Исони қабул қилишга аллақачон очиқ эди, аммо биз ҳеч қачон уларни бунга мажбурламадик. Унинг ўрнига биз Худонинг Каломи уларнинг юракларига жо бўлишини, уларда Худо билан мулоқотга кириш хоҳишини уйғотишга интилардик. Биз бу қарорни болаларимизнинг ўзлари бировнинг зўрлашисиз қабул қилишларини истардик. Ниҳоят, шундай пайт келганда Кристофер ва Аманда Исо ҳақида бизга саволлар бера бошладилар. Натижадаулар Исони ўзларининг Нажоткори деб тан олишлари учун, биз ибодат қилишимизни сўрадилар. Биз, ота-оналар, келажакда бизнинг ўғлимиз ва қизимиз нажот топди, деган фикрдан қалбимиз шодликка тўлди.

Фарзандларимиз неча ёшда эканлиги аҳамиятга эга эмас, чунки уларнинг нажот топиши учун ибодат қилишга ҳеч қачон эрта ҳам эмас, кеч ҳам эмас. Исо шундай дейди: «Сенга ростини айтмай: агар ким юқоридан (ёки янгидан) туғилмаса, Худо салтанатини кўролмади» (Юҳ. 3:3). У яна шундай деган: «Мен эшик олдида туриб тақиллатяпман: кимда ким Менинг овозимни эшитиб эшигини очса, унинг олдига кириб у билан тунайман, у доимо Мен билан бирга бўлади» (Ваҳий 3:30). Болаларимиз Исога ўз юраклари эшигини очишларини ва уларнинг бу ҳаётда ва ундан кейингисидан ҳам Раббий Шоҳлигига киришларини биз хоҳлаймиз. Билингларики, агар сиз ўз болаларингизнинг абадий келажаги учун ибодат қилмасангиз, у ҳеч қачон келмаслиги мумкин.

Фарзандларимиз Раббийга ишонганларидан сўнг, оналар улар билан Худо ўртасида лойиқ муносабатлар ўрнатилиши учун ибодат қилишлари керак. Ёшлигида Парвардигор билан бирга бўлиб, кейинчалик ўсмирлик пайтида ёки қатта бўлганларида Ундан юз ўгирганлар ҳақида биз жуда кўп маротаба эшитганмиз. Болаларимиз учун: «Худодан шуни сўраймизки, Унинг иродасини тўла англашлари учун Ўзи уларга ҳар қандай илоҳий ҳикмат ва фаҳм-идрок ато қилсин» ва «ҳар турли хайрли ишда самарали бўлишларини, Худони таниб-билиб улғайишларини» (Кол. 1:9-10) биз ниҳоятда хоҳлаймиз. Павлус билан Тимотий Колоссадаги Раббийнинг болалари

учун шундай ибодат қилдилар. Биз ҳам худди шу сингари ўзимизнинг фарзандларимиз учун ибодат қилишимиз керак. Раббийнинг ҳаёти ҳар биримиз учун чашмадир. Шу булоқдан биз ҳар доим ўзимизнинг бир қисмимиз бўлиши керак бўлган қандайдир янгилик олишимиз мумкин. Биз доимо Худодан Унинг Муқаддас Руҳи бизнинг фарзандларимизга ёғилишини сўрашимиз керак.

Ибодат

Эй, Раббий, Сенга илтижо қиламан: менинг қизимга (ўғлимга) Сени билишларига ёрдам бер. Унинг юрагини оч, уларга Сен ҳақингдаги ҳақиқатни тўла тушунишларига ёрдам бер. Раббий, Сен Ўз Каломингда шундай дединг: «Агар сен Исони Раббим деб, оғзинг билан очиқ иқроф этсанг ва Худо Уни тирилтирганига чин юракдан ишонсанг, нажот топасан» (Рим. 10:9). Менинг фарзандим Сени ўзининг Нажоткори деб айта олишига, Муқаддас Руҳга тўлишига, ўз ҳаётининг барча соҳаларида Сенинг амрингни эътироф этишига, унда доимо Сенинг йўлларингни танлаш ва улардан юриш истаги бўлишига имкон берувчи ишончга эга бўлишини мен хоҳлайман. Менинг ўғлим (қизим) ҳозиргидек абадий ва тўкин-сочин ҳаётга эга бўлиши учун Исо Ўз ҳаётини қурбон қилганига чин дилдан ишонишига ёрдам бер. Фарзандимни айбдорлик ҳисси доимий тарк этиши учун Сен унинг барча гуноҳларини кечирганинга ишонишига ёрдам бер. У доимо эзгулик келтиришига, Сенинг иродангни билиш учун Сенинг

назарингда доимо ўсиб боришига, ҳамма нарсада Сенга ёқмоқ учун Сенинг қаршингда покиза бўлиб юришига ёрдам бер. Сен Ўз Каломингда Ўзингнинг Рухингни менинг авлодимга берганингни айтгансан (қаранг: Ишаё 44:3). Мен Сендан илтимос қиламан: Сенинг Муқаддас Рухингни менинг фарзандим (болангизнинг исми)га шу бугуннинг ўзидаёқ ёғдир.

Раббий, Сен менинг фарзандимнинг абадий келажаги ҳақида мендан кўпроқ қайғурасан, бунинг учун мен Сенга шукроналар айтаман. Исо номи билан Сенга илтижо қиламан: менинг фарзандим (болангизнинг исми) ҳеч қачон Сендан шубҳаланмасин, Сен кўрсатган йўллардан адашмай тўғри борсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Отамнинг иродаси яна шуки, Унинг Ўғлини кўрган,
Унга ишонган ҳар бир киши абадий ҳаётга эга
бўлсин. Мен эса бундайларни охири кунда
тирилтираман.

Юҳ. 6:40

Бу хайрли иш бўлиб, Нажоткоримиз Худога мақбулдир. У бутун инсонлар ҳақиқатни билиб олиб, нажот топишини истайди.

1 Тим. 2:3-4

Яна шуни ҳам биламизки, Худонинг Ўғли келиб, Ҳақни танишимиз учун бизга ақл-идрок берди. Биз Ҳақ билан, Унинг Ўғли Исо Масих билан бир танмиз. У Ҳақ Таоло ва абадий ҳаётдир.

1 Ин. 5:20

Худонинг гувоҳлиги шундан иборатки, Худо бизларга абадий ҳаёт берди. Бу ҳаёт эса Унинг Ўғлида мужассамдир.

1 Ин. 5:11

Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади Бу Юпатувчи — Ҳақиқат Рухидир. Дунё Уни қабул қила олмайди, чунки Уни на кўради, на билади. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан доим биргадир, У ичингизда яшайди.

Ин. 14:16-17

6-БОБ

ФАРЗАНДГА ОТА-ОНАНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШНИ ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ КЕРАК. БОЛАНИНГ ИТОАТСИЗЛИКЛАРИГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚАРШИ ТУРИШ МУМКИН

Ўзига ҳурмат талаб қилиш — бу ғалати эмасми? Одамларга бошқаларни ҳурмат қилиш кераклигини эслатиб туриш шартмикан? Агар гап бегона одамлар ҳақида бўлса, бу мумкиндир, аммо бизнинг фарзандларимиз ҳақида гап кетар экан, уларни бунга ўргатиш керак.

Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Эй, фарзандлар, ота-онангизга итоат қилинглар, чунки бу Раббимизга маъқулдир. Бу ҳақдаги илоҳий буйруқ Худо ваъда қўшиб берган биринчи буйруқдир, чунончи: «Ота-онангни ҳурмат қил, токи барака топиб, ер юзида узоқ умр кўргайсан» (Эфес. 6:1-3). Агар бизнинг фарзандларимиз Раббийнинг бу амрини бажармасалар, улар нафақат Худо мурувватларидан маҳрум бўладилар, балки уларнинг ҳаётлари ҳам қисқаради. Муқаддас Китоб шундай деб огоҳлантиради: «Кимки ўз ота-онаси ҳақида ёмон гапирса, қоронғу кечада унинг шамчироғи ўчиб қолади» (Ҳикмат.

20:20). Болаларимизнинг ҳаётларига таъсир ўтказиш бизнинг қўлимизда эканлигини тушунамиз, улар учун ва уларни қатъий тартибга ўргата бориб тўғри тарбиялаш учун ҳам ибодат қилишга биз мажбурмиз. Аммо биз яна фарзандларимиз юракларига билинтирмасдан жойлашиб олишга, уларни тўғри йўлдан адаштиришга қодир қарама-қаршилиқ руҳини фарқлай олишимиз ва унга қарши туришимиз керак.

Итоатсизлик — бу ҳаракатга келтирилган такаббурликдир. Итоатсизлик руҳи шундай дейди: «Мен нимани хоҳласам, шунга қилмоқчиман, бу ҳақда Парвардигор ва бошқа одамлар нима ўйлаши мени қизиқтирмайди». Муқаддас Китоб шундай деб ўргатади: «Сеҳргарлик қандай гуноҳ бўлса, итоатсизлик ҳам шундай гуноҳ...» (1 Шоҳ. 15:23). Чунки иккаласи ҳам Худони бутунлай қабул қилмасликка олиб келади. Худди ўша оятда яна шундай дейилган: «Итоатсизлик — бу бутпарастликдир». Мағрурлик исёнга олиб келади, ўжарлик инсонга гуноҳлари учун тавба қилишига, ўзини Раббий олдида итоат қилишига *халақит* беради. Итоатсиз одам қандайдир бутга сажда қилиши мумкин. Агар фарзандлар ота-оналарини ҳурмат қилмасалар, бу энг аввало уларнинг юракларида бошқа бут борлигидан дарак беради (бундай боланинг ёши аҳамиятга эга эмас). Ушбу санамларнинг номлари ҳаммага маълум: бу — мағрурлик ва ўзини ўзи севишдир. Шунинг учун агар фарзандларга

ота-онани ҳурмат қилиш ўргатилмаса, улар Раббийга ҳам итоатсиз бўладилар. Улар шундай дейдилар: «Мен нимани қачон хоҳласам, шуни қиламан».

Эгам айтар: «Ҳолига вой итоатсиз бу халқнинг,
Меникини эмас, ўз режаларини ижро этарлар,
Мендан сўрамасдан иттифоқ тузарлар,
Гуноҳ устига гуноҳ орттирарлар» (Ишаё 30:1).

Бизнинг ибодатимиз мағрурлик ва худбинлик санамларини қулатишга, бола қалбидаги итоатсизлик руҳини енгишга қодирдир.

Итоатсизликнинг рақиби — итоат ёки Раббий йўлларидан юришдир. Итоат инсонга тўла хавфсизлик, у тўғри йўлда эканлиги, тўғри иш қилаётгани тўғрисидаги туйғуларни ҳосил қилади. Муқаддас Китоб итоатга мукофот тариқасида Худонинг мурувватини, марҳаматини ваъда қилади, акс ҳолда зулмат ва ҳалокатга йўлиқтиради. Биз болаларимиз ўзларига ишонишлари учун, ўзларини бежавотир сезишлари, уларнинг ҳаётлари узун бўлиши, қалбларида эса тинчлик ва осудалик ҳукм суриши учун, Раббийга итоат қилишларини хоҳлаймиз. Ҳақиқий итоат томон биринчи қадамлардан бири — бу ота-онага бўйсунушга, уларни ҳурмат қилишга тайёр туришдир. Аммо бунга болани ўргатиш керак, ўргатиш жараёнини ибодат билан осонроқ қилиш мумкин.

Бизнинг фарзандимиз ўн тўрт ёшга кирганда, хонаси деворларини ўзи яхши кўрган муסיқачилар тасвир билан тўлдирди. Аммо бу одамлардан баъзиларининг кийимлари, қилиқлари, улар ижодининг муסיқавий мазмуни биз ота-оналар учун ҳақоратомуз эди, уларнинг кўшиқлари Раббийни умуман шарафламасди. Биз Кристофердан бу афишаларни олиб ташлашни, нега олиб ташлаш кераклигини тушунтирганимизда, у олдинга бизнинг илтимосимизни бажаришни хоҳламади. Аммо кейинроқ очиқчасига ифодаланган итоаткорлик ҳисси билан бизга бўйсунди. Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг, у яна суратлар осди, фақат бошқаларини. Аммо кейингилари ҳам олдингиларидан ҳеч фарқ қилмас эди. Бу сафар биз у билан жиддий муносабатда бўлдик — деворлардаги расмларнинг *ҳаммасини* ўзимиз олиб ташладик.

Кристофер учун бу жуда қийин дақиқалар эди. Биз итоатсизлик руҳининг биринчи кўринишига дуч келганимизни тушундик. Шунинг учун Муқаддас Китобда ёзилганидай йўл тутишга қарор қилдик: «Иблисининг ҳийлаларига қарши тура олиш учун, Худо берган барча қурол-аслаҳалар билан қуролланингиз» (Эфес. 6:11). Биз ибодат қилдик, Парвардигорнинг Каломига мурожаат этдик. «Раббий бизга бу тўсиқларни енга олишимиз учун куч бера олиш қобилиятига эга, бунга бизнинг ишончимиз комил», деб эълон қилдик. Биз Руҳда кураш олиб бордик,

Раббийнинг бу вазиятда устун келаётганлигини кузатдик. Фарзандларимизнинг кайфияти ўзгарди, кейинги сафар у бизнинг ота-оналик талабларимизга жавоб бера оладиган афишалар осди. Бу — бизнинг ибодатларимиз натижасида Раббий кучининг аниқ ҳаракати эди.

Афишалар воқеаси бугунги кунда аҳамиятсиздай туюлади. Аммо ўшанда биз Раббийнинг ва бизнинг ота-оналик иродамиздан баланд келишга ҳаракат қилган кучли қарама-қаршилиқ руҳи билан олишишимизга тўғри келган эди. Биз бу Руҳ кучга кириб улгурмасидан унга тўсиқ бўла олдик. Биз бу курашда ғолиб чиқишга мажбур эдик, чунки Раббий ва Унинг Каломи биз тарафда эканлигига ишончимиз комил эди. Шунингдек, яна бунга жуда муҳим нарса, жумладан, фарзандимизнинг келажақдаги абадий ҳаёти ҳам боғлиқ эди.

Агар сизнинг фарзандингиз аллақачон ўсмир ёшига етган ёки ҳатто катта одам бўлиб қолган бўлса ҳам, сиз унинг ўжарроқ ва қайсарроқ бўлаётганини кўрсангиз, сиз ота-она сифатида болангизга нисбатан талабчанроқ бўлишингиз, ҳар доимқўлингизда янада кучли қурол — ибодат борлигини унутмаслигингиз керак. Сиз ўғлингиз ёки қизингиз билан курашмаётганингизни ёдда сақланг: «Чунки бизнинг курашимиз ўткинчи башарга қарши эмас, балки самовий оламдаги ёвуз руҳий кучларга, ҳокимлару ҳокимиятларга, бу қоронғи дунёни бошқараётган *руҳий*

хукмронларга қаршидир» (Эфес. 6:12). Сиз душман билан жанг қиялсиз. Бахтимизга, Исо бизга «душманнинг бор кучини енгиш...» (Лука 10:19) ҳуқуқини берган. Шундай экан, қўрқманг, шубҳаланманг, балки ана шу ҳуқуқдан фойдаланинг.

Итоатсизлик руҳи сизнинг фарзандингиз характерида ҳар қачон намоён бўлиши мумкин. Аммо биз уни ибодат ва Раббий Каломи билан жиловлаб олишга доимо тайёр туришимиз керак. Тарбиянинг интизом ва ўғит ҳақидаги усуллари ҳам эсдан чиқармаслигимиз керак. Фарзандингизнинг исёнкорлиги сизни хижолатга солмасин. Эсдан чиқарманг, Исо Масих — ҳамма нарсаларнинг ҳукмдоридир.

Ибодат

Эй, Раббий, мен Сендан илтимос қилиб сўрайман: менинг фарзандим (болангизнинг исми)га Сенга итоат қилишни истаган юракни ато қил. Бу юракка Сен билан, Сенинг Каломинг билан вақтини ўтказиш, ибодат қилиш, Сенинг овозингни тинглаш истагини сол. Менинг фарзандим юраги тубида етилаётган ҳар қандай яширин итоатсизлик уруғини Ўз нуринг билан ёрит, токи у намоён бўлсин, янчиб ташлансин. Раббий, мен фарзандим юрагида ҳеч қачон мағрурлик, худбинлик ва итоатсизлик туғилмаслиги учун ибодат қиламан. Исо номи билан менга берилган ҳуқуқдан

фойдаланиб «душманнинг барча кучига уруш эълон қиламан», бутпарастлик, итоатсизлик, қайсарлик, ҳурматсизлик руҳларига қарши, менинг фарзандим ҳеч қачон уларни билмаслиги учун, бу йўлга кирмаслиги учун жанг қиламан.

Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Эй, болалар, ҳар нарсада ота-оналарингизнинг сўзига қулоқ солинглар, чунки бу Раббимизга маъқул келади» (Кол. 3:20). Сенга илтижо қиламан: менинг ўғлим (қизим) юрагини ота-оналарига қаратсин, уни ота-онасини ҳурмат қилишга, уларга итоат қилишга ўргат, токи унинг ҳаёти узоқ, шарафли бўлсин. Унинг барча қилган ишлари Сенинг измингда бўлиши учун юрагини Ўзинга қарат. Мағрурлик ва итоатсизлик руҳини танишга, унга қарши туришга, ундан қутулишга ўргат. Фарзандимни ҳар қандай гуноҳга мурасиз қил. Уни Сенинг олдинда итоаткор бўлишига, бу итоаткорликнинг гўзаллигини тушунишга ёрдам бер.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Агар Менга итоат этсангиз чин кўнгилдан, Ейсиз, албатта, заминнинг сара ҳосилидан.Аммо рад этиб, Менга бўйсунмасангиз, Қиличнинг дамига рўпара бўлгайсиз». Эгамизнинг Ўзи шундай деб айтди.

Ишә 1:19:20

Баъзилар ўтирардилар зим-зиё зулматда, Асирлар азоб чекардилар кишанда. Худонинг сўзларига қарши улар исён қилгандилар, Худойи Таолонинг йўриқларини менсимадилар. Шу боис Худо мажбур этди уларни оғир ишларга.

Забур 106:10-12

Отани мазахлайдиган, онага бўйсунини рад этадиган кўзларни қузғунлар чўқийди, бургут болалари ейди.

Ҳикмат. 30:17

Ўғлим, отанг насиҳатларига қулоқ сол, онанг ўғитларини рад этма, Чунки улар бошингга гўзал гулчамбар, бўйнингга маржондайди.

Ҳикмат. 1:8-9

Лекин шунга қарамай, улар яна итоатсизлик қилиб, Сенга қарши исён қилдилар. Сенинг қонуларингга орқаларини ўтирдилар, пайғамбарларинг уларни Сенга юз бу урдирмоқчи бўлган эдилар, пайғамбарларингни ҳам ўлдириб, ғоятда шаккоклик қилдилар. Шунинг учун Сен уларни ғанимлари қўлига бердинг, ғанимлари уларга зулм ўтқаздилар. Улар азоб тортган пайтларида Сенга нола қилишди, Сен уларни самодан туриб эшитдинг. Улуғ раҳм-шафқатинг

туфайли уларга нажоткорларни юбординг.
Нажоткорлар уларни ғанимлари қўлидан
қутқаришди.

Нахм. 9:26-27

7-БОБ

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ҚАРИНДОШЛАР БИЛАН ЯХШИ МУНОСАБАТЛАРНИ САҚЛАБ ҚОЛИШ МУМКИН

Бундан бир неча йил олдин мен синглим билан қаттиқ жанжаллашиб қолдик. Келишмовчиликлар туфайли синглим билан икки йил давомида юзкўрмас бўлиб юрдик. Бунинг сабаби эса оддий: биз бир-биримизни мутлақо тушунишни истамадик. Ўзаро аламлар бизни ўзимизга яқин одамнинг қалбини ва унда нима бўлиб ўтаётганини тушуниш қобилиятидан маҳрум қилди. Биз бир оилада тарбия олган бўлсак ҳам, дунёқарашимиз турлича эди. Буларнинг ҳаммаси мени жуда хафа қиларди. Мен то батамом ярашиб кетмагунимизча, орамизда яхши муносабатлар ўрнатилмагунча ибодат қилишдан тўхтамадим. Агар бизнинг ота-онамиз художўй, имонли ва ибодат қилувчи бўлганларида эди, бизнинг ўртамызда бундай жанжаллар бўлмаслигига менинг ишончим комил.

Бизнинг қалбимиз душманлари ёвузлик оловини ёқиш ва келишмовчилик уруғини сочиш учун, Раббий бизнинг ўртамызда ўрнатган муносабатларга маҳкам ўрнашиб, раҳна солишни хоҳлайдилар. У ўз мақсадига — оилани

парчалаб ташлашга қанчалар тез эришса, оиланинг барча аъзолари шунчалар заифроқ ва нозикроқ бўладилар, душман уларни шунчалар осонлик билан ўз назорати остига олади. Бунга қарши ягона восита — бизнинг ибодатимиздир. Бутун ҳаётимиз давомида барча қариндошларимиз, умр йўлдошимиз ва болаларимиз учун ибодат қилиб, ўзаро муносабатларимизни шайтон бузишига имкониятларни деярли йўққа чиқарамиз.

Қизимиз туғилганда, ўғлимиз тўрт ёшда эди. Энг бошиданок мен Кристофер ва Аманда бир-бирларига энг яқин дўст бўлишлари учун ибодат қилдим, бунга қўлимдан келганича ҳаракат қилдим. Ҳақиқатдан ҳам дастлабки йиллар уларнинг дўстлиги шунчалар мустаҳкам эдики, ҳатто бегоналар ҳам буни сезишарди. Аммо Кристофер ўсмирлик ёшига етганда, ҳаммаси ўзгарди-қолди. Унинг янги дўстлари пайдо бўлди, қизиқишлари ўзгарди, синглиси учун эса умуман вақти қолмасди. Амандага эса акаси тенгдошларининг ўсмирларча ҳазиллари тушунарсиз эди. У ўзини кераксиз ҳис қилиб, Кристофердан тобора узоқлашиб кетарди. Буларнинг бари мени ташвишга соларди, шунинг учун мен ўзимга ҳакамлик ролини олишимга тўғри келди.

Аммо кунларнинг бирида хатоим нимада эканлигини ўзим тушуниб етдим: мана шу воқеалардан олдинроқ Кристофер ва Аманданинг муносабатлари яхши

эканлигини кўриб, мен хотиржам бўлдим, бу муаммо ҳақида ибодат қилмай кўйдим. Энди эса ўзимнинг хатоимни англаб, мен яна бу ҳақда ибодат қила бошладим. Аста-секинлик билан вазият ижобий тарафга ўзгара бошлади, зиддиятлар юмшади, уларнинг бир-бирларига муносабатларида илиқлик пайдо бўлди. Агар мен сусткашлик қилганимда, уларнинг муносабатлари худди синглим билан менинг муносабатларимга ўхшаб узил-кесил бузилиб кетишигаишончим комил эди. Бугунги кунда фарзандларимнинг ўзаро муносабатларини жуда яхши деб бўлмаса ҳам, улар доимо янгилашиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Мен эса улар учун ҳаётимнинг охиригача ибодат қилишни давом эттирмаман.

Қанча оилалар, ҳеч ким ибодат қилмагани учунгина, тақдир ихтиёрига ташлаб қўйилган! Бундай оилалар жуда кўплигини мен биламан. Қон-қариндошларнинг юзкўрмас бўлиб кетганлигини, бир уйда яшаган кишилар бир-бирлари билан тил топа олмасликларини англаш жуда қайғули. Бу бизнинг фарзандларимиз билан ҳам юз беришини кўриш эса ундан ҳам қайғули! Аммо бундай бўлиш керак эмас.

Ишаё Пайғамбар Китобида Худо ибодат қиладиганларнинг ва рўза тутадиганларнинг ҳаётида мўъжизалар бўлиб ўтишини айтган: «...сен кўп авлодларнинг пойдеворини тиклайсан...» (Ишаё 58-12).

Раббий кейинги авлодларда ўзининг иродаси билан яратилган руҳий бирлик бўлиши учун биз оилавий ва қариндошлик муносабатларини «тиқловчилар» бўлишимизни хоҳлайди.

Муқаддас Китоб яна шундай дейди: «Ўзаро ҳамфикр бўлинглар; такаббурлик қилмай, мулойим одамлар билан дўст бўлинглар; ўзбилармонлик қилманглар...» (Рим. 12:16). Биз итоаткорлик ва бирдамлик ҳақида ибодат қилишимиз зарур.

Исо шундай дейди: «Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир, чунки улар Худо ўғиллари дейилур» (Матто 5:9). Шундай экан, келинг, тинчлик ўрнатувчи бўлайлик: ахир, бизлар жуда камчиликмиз-ку бу дунёда; «...ўзаро тинч-тотув яшайлик, бир-биримизни руҳан чиниқтириш учун жон куйдирайлик» (Рим. 14:19). Келинглар, бизга ҳамма нарсадан қимматли бўлган фарзандларимиз учун ибодат қилайлик, токи кейинчалик бошқа қариндошлар учун ҳам ибодатда бўлишга ўрганайлик.

Ибодат

Эй, Раббий, мен оиламнинг барча аъзолари ўртасида яхши муносабатларнинг сақланиб қолиши учун ибодат қиламан. Бизни ҳар қандай бало-қазолардан Ўзинг асра, олдинги келишмовчиликларни, ҳал қилинмаган турли зиддиятларни

орамиздан йўқот. Фарзандларимнинг юракларини Ўзингнинг севгинг билан, оиланинг ҳар бир аъзосига нисбатан шафқат билан тўлдир. Уларни ўзаро кечиришга ўргат. Айниқса (қиз ёки ўғилингизнинг исми) билан (оила аъзонгизнинг исми) ўртасида мунтазам, илиқ, яқин ва мустаҳкам муносабатларнинг тикланишини сендан илтимос қилиб сўрайман. Улар доимо тил топа олишсин, уларнинг юракларига ҳеч қачон ғазаб ва жаҳолат кира олмасин. Улар бир-бирларини севишларига, қадрлашларига, ҳурмат қилишларига шундай ўргатгинки, токи уларнинг муносабатлари Сен яратганингдай бўлсин, ҳеч қачон бошқа бузилмасин. Мен Сенинг Каломинг ўргатгандай ибодат қиламан, улар бир-бирларини Сен ўргатгандай севишсин. «Бир-бирингизни биродарларча, самимий муҳаббат билан севинглар; бир-бирингизни иззат-ҳурмат қилишга ўзишгандай ҳаракат қилинглар» (Рим. 12:10).

Менинг фарзандимга қариндошлар билан бўладиган жанжалларни Ўз Каломингда ёзилгандай ҳал қилишга ўргат. Мабодо улар бир-бирларидан узоқлашишса, эй Раббий, Сендан илтимос қиламан: уларнинг муносабатларини тикла, уларни покла. Раббий, шундай қилгинки, уларнинг ўрталарида тушунмовчилик, кескинлик, келишмовчилик, бир-бирларига адоватлар бўлмасин, улар ўртасидаги ришталар мустаҳкам бўлсин. Менинг фарзандимга кечиримли бўлишни ва мурасага келишни ўргат.

Сенинг Каломинг бизга насиҳат қилади: «...ўзаро ҳамфикр, ҳамдард бўлинглар, бир-бирингизни биродарларча севинглар, меҳр-шафқатли ва камтар бўлинглар...» (1 Бут.

3:8). Фарзандимни одамлар билан мулоқот қила олишга ўргат, токи у «тинч-тотув яшаб, Руҳнинг бирлигини сақлашга жон куйдирсин» (Эфес. 4:3). Исо Масих номи билан Сенга илтижо қиламан: менинг ўғлим (қизим)да қариндошларининг барига меҳр-муҳаббат, шафқат ҳисси уйғонсин, меҳр-мурувват ва бир-бирларини ўзаро тушуниш худди кучли арқон каби оиланинг барча аъзоларини ушлаб турсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир, Чунки улар
Худо ўғиллари дейилур.

Матто 5:9

Нақадар яхшидир, ёқимлидир биродарлар Бирга
ҳамжиҳат бўлиб яшасалар.

Забур 132:1

Сабр ва тасалли манбаи бўлган Худонинг Ўзи эса,
Исо Масиҳ ўргатганидек, бир-бирингиз билан
ҳамфикр бўлишни сизларга ато этсин, токи сизлар
яқдиллик билан, бир оғиздан Раббимиз Исо
Масиҳнинг Отаси бўлган Худони улуғланглар

Рим. 15:5-6

Агар иложи бўлса, қўлингиздан келганича, барча
одамлар билан тинч-тотув ҳаёт кечириглар.

Рим. 12:18

Эй биродарларим, Раббимиз Исо Масиҳ номи
билан сизлардан ёлвориб сўрайманки,
ҳаммаларингиз ўзаро келишиб яшанглар. Ўзаро
низоларга йўл қўймай, фикр-хаёлда тамомила
яқдил бўлинглар.

1 Кор. 1:10

8-БОБ

ФАРЗАНДГА ИМОНЛИ ДЎСТЛАРНИ ТОПИШДА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАК

Мен доимо фарзандларимнинг дўстлари учун ибодат қиламан. Уларнинг дўстлари асосан ажойиб болалар, қизлар бўлишган. Аммо баъзан Кристофер ва Аманданинг мен она сифатида маъқулламайдиган ўртоқлари пайдо бўлиб қоларди. Менга бу болаларнинг ўзлари ёқмайди демоқчи эмасман, балки уларнинг фарзандларимга кўрсатадиган салбий таъсири менга ёқмасди. Аммо ҳар доимгидай, менинг ягона қуролим ибодат бўларди. Мен ўғлимнинг ўша ўртоғи ўзгариши учун ёки фарзандимнинг ҳаётидан бутунлай кетиши учун ибодат қилардим. Ҳар қандай ҳолда ҳам ибодатларимга жавобни доимо олардим. Бир неча бор ўша болаларнинг ҳаётида катта муаммолар пайдо бўлиб, менинг хавотирларим асоссиз эмаслиги тасдиқланарди.

Одатда ота-оналар болаларининг ким билан дўстлашишларига жуда рашк қилиб қарайдилар, хавфни «ички туйғу» билан сезишларини кўп маротаба айтадилар. Бундай ҳолларда Муқаддас Рухдан, менга вазиятни тўғри тушунишимга, шунга мос ҳолда ибодат қила олишимга ёрдам бер, деб сўрашингиз керак.

Ҳаётимизнинг энг ташвишли даврларидан бири оиламизнинг Калифорниядан Теннесс штатига кўчиши бўлди. Бу даврда ўғлимиз мактабни битираётган, қизимиз эса энди еттинчи синфга кўчган пайти эди. Бошқача айтганда, ўқув муассасасини алмаштириш учун энг ноқулай вақтда юз берди. Албатта, шу пайтда мактабни алмаштиришни мен ҳам хоҳламас эдим. Аммоэрим икковимиз кўчишимиз зарурлигини аён қилаётган Раббийнинг хоҳиш-иродасини аниқ тушуниб турардик. Бу қадам бизнинг болаларимиз учун қанчалар кўнгилсиз эканлигини тушуниб, мен кетишимиздан бир неча ой олдин ибодат қилишни бошладим, кейин ҳам ибодат қилишни давом эттирдим: «Эй Раббий, менинг болаларимга янги мактабида Сенга ёқадиган дўстлар топишларига ёрдам бер. Мен биламан, бизни бу ерга Сен олиб келдинг, шунинг учун умид қиламанки, Сен менинг болаларимни ўз ҳолига ташлаб қўймайсан. Улар ўзларига мос дўстларини топишларини, дўстлари Сенинг талабларингга мос келишини хоҳлайман. Болаларимнинг ҳаётига улар учун намуна бўла оладиган дўстларни олиб кел».

Янги мактабда тахминан олти ой давомида Кристофер ва Аманда ўзларини анча ёлғиз ҳис қилишди. Мен эса улар учун ибодат қилиб, кўп тунларни уйқусиз ўтказдим. Мен ўзимни тамомила ночор ҳис қилардим. Ахир, мен уларнинг ҳаётларига аралашиб, худди уларнинг ёшига мос

дўстларни улар учун ўзим танлай олмасдим-да! Аммо мен ҳатто бу юмуш билан машғул бўлсам-да, лекин ҳеч қачон Раббий менинг ибодатларимга жавобан бажарадиган ишни қилолмасдим. Оқибатда Кристофер ва Амаданинг шундай дўстлари пайдо бўлдики, улар охири болаларимнинг энг ажойиб дўстлари бўлиб чиқишди. Бу оддий «хэппи-энд» эмас эди, балки менинг кўз ёшларим билан Раббийга қаратилган илтижоларимнинг меваси эди: «Эй, Раббий, менинг болаларим Сенга маъқул дўстларни топишларига ёрдам бер, ўша дўстлари фарзандларим Кристофер ва Амада учун намуна бўла олишсин».

Бу тўғрида Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Имонсизлар билан нораво шериклик қилманглар (яъни «ёт бўйинтуруққа ўзингизни қўшманглар»). Солиҳлик билан шаккоклик орасида қандай алоқа бор? Ёки нур билан зулмат орасида қандай умумийлик бўлиши мумкин? Масиҳ билан алайҳиллаъна (яъни малъун шайтоннинг номи) орасида қандай шериклик бўлиши мумкин?» (2 Кор. 6:14-15). Бу сўзларда Худога ишонмайдиган ўртоқлар билан мулоқот қилиш манъ қилинмаган, лекин бизнинг яқин дўстларимиз фақат художўй, имонли кишилар бўла олишлари мумкин, деган аниқ кўрсатма бор. Муқаддас Китоб сўрайди: «Икки киши бир-бирлари билан келишмасдан йўлга чиқишадими?» (Амо. 3:3). Ва шундай жавоб беради: «Албатта, йўқ! Шунинг учун тақводор ўз

яқинига йўл кўрсатади, гуноҳкорларнинг йўли уларни адаштиради» (Ҳикмат. 12:26).

Агар фарзандингизнинг художўй дўстлари бўлмаса, бу муҳтожлик учун ҳозироқ ибодат қилишни бошланг. Уларнинг имонга келмаган дўстлари Раббий йўлига киришларини ва уларнинг ҳаётларида имонли дўстлари пайдо бўлишини кечиктирмай ҳозироқ Худодан сўранг. Кўп ҳолларда ота-оналар бирон-бир нарсани ўзгартириш учун, болаларини баъзи бировларнинг зарарли таъсирларидан халос қилиш учун ўзларини ожиз ҳис қиладилар. Аммо биз ожиз, ҳимоясиз эмасмиз. Биз томонда *Раббий кучи ва Унинг Каломининг ҳақиқати*. Агар бирор бир кимса фарзандингизни ҳақ йўлдан оздирмоқчи бўлса, руҳингизни туширманг. Муқаддас Ёзувлар тез-тез бизни шундай нолойиқ гуруҳлар билан мулоқот қилиш хавfli экани ҳақида огоҳлантириб туради, токи бу огоҳлантиришларни эътиборсиз қолдиришга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ.

Бизнинг фарзандларимиз ҳаётига уларнинг дўстлари тақлид қилиб ўзларини у ёки бу образ сифатида кўрсатиб, жуда катта таъсир ўтказишади. Шундай экан, болаларимиз учун *ибодат қилмай бўладими?!*

Ибодат

Эй, Раббий, мен фарзандим (болангизнинг исми) учун ибодат қиламан, Сендан, фарзандим учун намуна бўла оладиган, лойиқ дўстларни юборгин, деб илтимос қилиб сўрайман. Фарзандим дўстларни танлай билиши учун, дўстлари кўзига яхши кўринишни хоҳлаб, виждонига хилоф иш қилмаслиги учун унга донишмандлик ато қил. Улар тўғри дўст танлашларига мен ҳам таъсир ўтказа олишим учун Муқаддас Рух донолигини бер. Сенга илтижо қиламан: менинг фарзандим ёнидан унга ёмон таъсир кўрсатадиганларни узоқлаштир ёки уларни Ўзингга ўхшатиб ўзгартир.

Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Донишмандлар билан мулоқотда юрган доно бўлади, кимки ақлсизлар билан дўст тутинса, ёмон йўлга киради» (Ҳикмат. 13:20). Эй Раббий, менинг фарзандим бетайинлар билан мулоқотга киришига йўл қўйма, уни ақлсиз дўстларнинг ҳалокатли таъсиридан ҳимоя қил. Сенга ишонмайдиганлардан уни узоқлаштир, токи фарзандим ўша «дўстнинг» нопок йўлидан юрмасин, қалби унинг домига тушиб қолмасин.

Агар фарзандимни дўстлари ташлаб кетса, унга тасалли бер. Унга ўз фикрларини айта оладиган, Сен боламни қандай яратган бўлсанг, шундайлигича қабул қиладиган дўстлар бер. Ҳаёти давомида Сени шарафламайдиганлар билан уни мулоқотда бўлишга жалб қиладиган ёлғизликдан қутқар.

Исо Масих номи билан Сенга илтижо қиламан: фарзандимга ҳақиқий дўстликнинг мазмунини очиб бер, бошқа киши учун

садоқатли ва ҳақиқий дўст бўла олишни унга ўргат. Шундай қилгинки, токи менинг фарзандим Сенинг номингни улуғлайдиган дўстлик ришталарини ўрната олсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Фосиқнинг сўқмоқларига оёқ босма, ёвузлар
йўлидан юрма.

Ҳикмат. 4:14

Мен сизларга ўзини биродарингиз деб, зинокор,
тамагир, бутпараст, ҳақорат қилувчи, майхўр ёки
талончи бўлган киши билан алоқа қилмасликни,
ҳатто бундай одам билан бирга овқат емасликни
ёзган эдим.

1 Кор. 5:11

Эй, ўғлим, Эгамиздан ҳам, шоҳдан ҳам қўрк, уларга
қарши бош кўтарма. Чунки улардан кулфат
кутилмаганда келади, икковидан келадиган
ҳалокатни ким билади?!

Ҳикмат. 24:21-22

Уришқоқ билан дўстлашма, баджаҳд билан юрма.
Бўлмаса сен ҳам уларнинг йўлига тушиб қоласан,
жонингни тузоққа илинтирасан

Ҳикмат. 22:24-25

Шундай инсонлар саодатлидир: Фосиқлар
маслаҳатига улар юрмас, Гуноҳкорлар юрган йўлда
улар турмас,
Мазахчилар орасида улар ўтирмас.

Забур 1:1

9-БОБ

ФАРЗАНДГА БУТУН ВУЖУДИ БИЛАН РАББИЙНИ ТОПИШНИ ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ КЕРАК

Газеталарда ёшларнинг ўғирлик, талончилик, қотиллик қилишлари ҳақида, уларнинг жинсий алоқаларининг палапартиш эканлиги ҳақида ўқиймиз. Шундай пайтда уларда Худодан кўрқиш, Унинг йўлларини тўғри тушуниш туйғуси, бутун борлиғи билан Уни топиш истаги йўқлигини кўрмай иложимиз йўқ. Уларнинг баъзилари имонли оилалардан чиққанлар, Исо Масихни ўзларининг Нажоткори деб тан олганлар. Аммо улар Худодан кўркув, У билан бирга бўлишни ишаш туйғулари билан тарбияланмаганлари сабабли, улар таналарининг шаҳвоний нафсига бира тўла қул бўлганлар.

Худодан кўрқиш деганда биз Раббийни бутун борлиғимиз билан севишимиз, ҳурмат қилишимиз, Унинг ҳукми ва қудратини иззат-ҳурмат қилишимиз даркор. Худодан кўрқиш дегани — Усиз инсон ҳаёти ҳеч нимага арзимаслигини, биз ҳеч қачон ночорликка учрамаслигимизни ваъда қилувчи Унинг севгиси учун миннатдорчиликни тан олишдир. Худодан кўрқиш — бу

Раббийга яқин бўлишга интилиш, Унга янада яқинроқ бўлиш демакдир.

Атрофимизда фарзандларимизни Худодан чалғитадиган жуда кўп нарсалар бор. Шайтон ҳар бир боланинг ёнига келади, уни йўлдан оздиради, у нима қилаётганини кузатади, қани, бола унинг ташлаган қармоғига «илинармикан»? Аммо биз фарзандларимизни тўғри тарбиялаб, интизомли қилиб, уларни Раббий йўлларидан юришга ўргатган вақтимизда...

...уларга Муқаддас Ёзувларни ўқиб берганимизда,

...уларга ибодат қилишни, уларга яна, ҳақиқат Худодадир, У ваъда қилганини бажаришдадир, деб ўша ваъдаларга ишонишни ўргатганимизда,

...уларга имонли дўстларни танлашга ёрдам берганимизда,

...уларга Худонинг йўлидан бирга юриш шодлик ва туйғулар тўлиқлигини ҳаё қилишини, чарчатмаслигини, озодлигимизни чегараламаслигини кўрсатган вақтимизда,

...улар билан бирга фарзандларимизнинг барча муҳтожликлари ҳақида ибодат қилганимизда,

шунда уларнинг юракларида руҳий ташналик пайдо бўлади, Худони англаш истаги юзага келади.

Фарзандлар Худо ҳамма нарса эканлигини, У билан боғлиқ барча нарса ҳаётимиздаги энг муҳим устун эканлигини тушунишганда, улар буюмлар билан эмас, Раббий бошқаруви остида яшашни бошлашади. Шунда болалар Унинг йўллари, Унинг Каломини ва Унинг Ўзини қидира бошлашади; шунда улар Унинг номи олдида қўрқувга тушишади, уларнинг ҳаётлари узоқ ва зафарларга тўла бўлади. Зеро, Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Худодан қўрқиш кунларимизни узайтиради, гуноҳкорларнинг умри эса қисқаради» (Ҳикмат. 10:27).

Калифорниядан Теннессига кўчаётган вақтимизда, эрим билан мен Худодан, биринчи навбатда бизга яхши ёшлар гуруҳи бор жамоатни кўрсат, деб сўраган эдик. Биз ибодатларимизга жавоб олдик, бунинг натижасида бизнинг фарзандларимиз янги жамоатнинг ёшлар гуруҳига осонгина қўшила олишди, у ерда ўзларига содиқ дўстлар топа олишди, Раббийга бўлган ишончлари ўсишда давом қилди. Худонинг Каломи фаол ўрганиладиган, Унинг борлиги сезилиб турадиган, Унинг шодликларини Раббий орқали бошқа болалар билан бўлишиш имконияти бўлган жамоатни топиш жуда муҳим. Бу мулоқот яна болаларда Худони ва У билан боғлиқ ҳамма нарсани қидириш истагини кучайтириш сабабли ҳам жуда муҳимдир.

Орқага сурманг, балки ҳозироқ сизнинг фарзандингиз қалбида Худодан қўрқиш, Унга ва Унинг Каломига ишонч

туйғуси яшаши учун, фарзанд бутун борлиғи билан Унинг юзини қидиришга ўрганиши учун ибодат қилишни бошланг. Сизнинг болангизнинг тақдири айнан шунга - боғлиқдир — ўғлингиз (қизингиз) доимо ўз жисми билан курашларда умрини ўтказадими ёки Муқаддас Рух ва Худонинг марҳамати билан яшайдими — ана шунга боғлиқдир. «Ундан кўрққан киши муҳтожлик кўрмас» (қаранг: Забур 33:10) лигини эсдан чиқарманг. Бу учун ибодат қилишни бошлаш ҳеч қачон эрта эмас, шунинг учун буни орқага сурманг, эртанги кунни кутманг.

Ибодат

Эй, Раббий, Мен фарзандимнинг юрагида доимо Сенга интилиш туйғуси яшаши учун ибодат қиламан. У доимо Сени ахтарсин, ўз вақтини Сенга ибодат қилиб, Сени мақтаб, Сенга таъзим қилиб ўтказсин. Унинг қалбига Сенинг Каломинг ҳақиқатини англаш истагини, Сенинг аҳдларингга ва Сенинг йўлларингга муҳаббат туйғусини сол. Уни Муқаддас Рух бошқарувига ишонч билан яшашга, Сенинг амрингни бажаришга доимо тайёр туришга ўргат. Менинг фарзандим Сенинг Муқаддас Рухинг билан шундай тўлиб-тошсинки, у ҳар қандай қайғуга дуч келганда ҳам, ҳимоя, қўллаб-қувватлаш ва руҳий янгиланиш учун Сенга мурожаат қилсин.

Менинг фарзандим ҳеч қачон Сенинг амрингни бажаришдан бош тортмасин, Сенга қарши бўлган барча гуноҳга тўла

йўлларни инкор қилсин. Сенинг йўлларингга ва Сенга бўлган мухаббат, хурмат унинг ҳаётини, ҳаёти давомида қилган ҳар бир қадамини ёритиб турсин. У ўз қилмишларининг натижаси учун жавобгарлик ҳиссини туюшни, фақат жисми деб ўтказилган умр охир-оқибатда ўлимга олиб келишини ўргат. У доимо камтар бўлсин, қуйидаги амрни эсдан чиқармасин: «Худодан кўрқ ва жаҳолатдан узоқлаш» (Ҳикмат. 3:7).

Фарзандим доимо ишончли, жавобгарликни доимо ҳис қила оладиган, шафқатли, чеҳраси очиқ, севгувчи ва сахий инсон бўлишини сўрайман. Уни ҳар қандай манманликдан, дангасалиқдан, бепарволикдан, худбинликдан, шаҳвоний ҳислардан халос қил; унга Сендан келадиган ҳамма нарсага «ҳа», жисмдан келадиган барча нарсага «йўқ» дейдиган мўмин руҳ ҳады қил. Ўз имонини пок сақлай олиши учун унга куч ато қил.

Менинг фарзандим доимо Сенинг Каломинг ҳақиқати, ибодатинг билан, Сенга сажда қилиб яшайдиган, Муқаддас Рух кучидан илҳомланадиган масиҳий жамоатининг фаол аъзоси бўлишни хоҳлаши учун ибодат қиламан. У Сенинг Каломингни ўрганаётганда, Ўзининг қонунларингни унинг онгига ва юрагига сол, токи у ҳаётда Сенинг амрларинг ҳақиқат эканлигини тушуниб юрсин. У ибодат қилишни ўрганаётганда Сенинг иродангни тушунишни ҳам ўргансин. Унинг Сенга бўлган муносабати самимий, илиқ ва теран бўлсин. Унинг юрагида доимо Муқаддас Рух ва Сенга, Сендан келадиган барча нарсага бўлган туганмас интилиш олови ёнсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Адолатга очу чанқоқлар бахтлидир, Чунки улар
тўқ бўлур.

Матто 5:6

Эгамиздан кўрқиш — ҳаёт манбаидир, у ўлимдан
қутқаради.

Ҳикмат. 14:27

Бироқ энди мен Худо учун яшай деб, Қонун олдида
ўлганман, ҳа, Қонун ўзи мени ўлдирди. Мен Масих
билан бирга хочга михлаб қўйилганман. Энди
яшаётган мен эмас, балки Масих менинг ичимда
яшайпти. Энди танада яшаётганимга келсақ, мени
севган ва мен учун Ўзини фидо қилган Худонинг
Ўғлига бўлган имон билан яшайпман.

Гал. 2:19-20

Бахтлидир Унинг шартларига риоя қиладиганлар,
Бутун қалби билан Унга интиладиганлар.

Забур 118:2

Йўлингни менга кўрсат, эй Эгам, Токи тўғри
сўқмоқларингдан юрай, Менга собит қалб бергин,

Сенинг исмингдан мен қўрқайин. Бутун юрагим-ла
Сенга Шукр айтайин, эй, Раббим Худо! Сенинг
исмингни улуғлайман тоабад.

Забур 85:11-12

10-БОБ

ФАРЗАНДГА ҲАЁТДА ЎЗ ЎРНИНИ ТОПИШИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАК?

Мен бир одамни биламан: у йирик бир компанияда автомеханик бўлиб ишларди, яхши маош тўланарди, аммо у ишини ташлаб кетган эди. У бу ишни дунёда ҳаммадан ҳам кўра автомобилларни таъмирлашни яхши кўргани учун қилди. У нафақат шаҳардаги энг яхши механик эди, энг асосийси, у ўз иқтидорини юзага чиқарди. Мен Худонинг имонли бўлишга ундаган чақириғига қулоқ солмай, тадбиркорликда муваффақиятга эришишни режалаштирган бошқа бир кишини ҳам биламан. Охиروқибатда унинг оиласи бузилиши натижасида болачақасидан ажралди, ўғли бевақт вафот этиб, бошига кулфат тушди. Қолаверса, унинг бутун ҳаёти туганмас йўқотишлар, умидсизликлардан иборат бўлиб қолди. Агар унинг ибодат қилувчи онаси ёки ибодат қилувчи отаси, ёки у учун Раббий тайёрлаган ҳаётни илгаридан кўра билишга ёрдам берадиган бошқа бир кишиси бўлганда эди, ҳаммаси бутунлай бошқача бўлиши мумкин эди.

Худо бизга қандай ҳаётни тайёрлаганини тушунмай туриб, биз ҳақиқатда *бўлишимиз* керак бўлмаган инсонлар бўлишга, ёки яна бошқа кимдир бўлишга *ҳаракат қиламиз*.

Аммо буларнинг бари умидсизликлар, камситилишлар ва ўзимизнинг ҳеч бир ишга қодир эмаслигимизни ҳис қилиш билан тугайди. Бунга далил сифатида биз ўз ишини, кутилган натижаларга эришолмаган, ҳаётдан мамнун бўлмаган қатталар ҳаёт йўлини келтиришимиз мумкин. Ҳаётининг қандайдир бир дақиқаларида бундай кишининг қуйидаги ёлғонларга ишонишига асло шубҳамиз қолмайди: «Мен ҳеч нимага ярамайман. Бу мен учун эмас. Мен бошқа нарса билан шуғулланишим керак». Эҳтимол, бундай кишиларга ҳеч ким ва ҳеч қачон улар Худо берган куч-қудратга, иқтидорга эга эканликларини тушунтирмаган бўлса керак. Чамаси, улар шу пайтгача ўзларининг вазифаларини билмайдилар.

Биз Раббий бошқарувини сўраган пайтимизда бизга ҳаётнинг мазмуни намоён бўлади, кейин эса Унинг амрини бажарамиз. Пайғамбар Еремиё Исроил халқини жаҳолатдан қайтишга чорлади, аммо одамлар унга қулоқ солишдан бош тортдилар. Ниҳоят, Раббий шундай деди: «Шунинг учун Исроил халқининг Худоси, Сарвари Олам — Раббий шундай айтмоқда: «Мен Яхудо ва Қуддус аҳолисига гапирган эдим, аммо улар гапларимга қулоқ солмадилар, уларни чақирган эдим, аммо Менга жавоб бермадилар. Шунинг учун Мен уларнинг бошларига айтган барча балоқазоларни ёғдираман» (Ерм. 35:17). Агар биз Худонинг овозини эшитмасак, бахтсизликларга дуч келамиз. Аммо биз ибодат қилишимиз, бизнинг фарзандларимиз

Раббийни эшитишларини сўрашимиз мумкин. Шунда ғам-қайғу уларни четлаб ўтади.

Шайтоннинг ёшларга қарши қўллайдиган, ўзи яхши кўрадиган бир усули бор: шайтоннинг истаги шуки, болалар ўзларини ҳеч нарсага қодир эмас, деб билсинлар, Худо уларни яратганидан бошқа бир инсон бўлишни хоҳлашлари учун ўзларини бошқалар билан таққосласин — шайтон уларни ана шуларга ундайди. Ёш қизлар ўзларини бошқа қизлар билан таққослаб, бошқаларнинг сочлари чиройлироқ эканлигини, кийинишлари ҳам охирги урфда эканлигини, ҳашаматли уйларда яшашларини, мактабда йигитлар орасида кўпроқ кўзга ташланишларини, яхшироқ ўқишларини кўрадилар. Ўзларини тенгдошлари билан таққослаган йигитлар эса, бошқаларнинг бўйлари баландлигини, жисмонан кучлироқ, келишган эканлигини, дўстлари кўплигини, қимматбаҳо нарсалари бисёрлигини, умуман, улар иқтидорлироқ ва истеъдодлироқ эканлигини кўрадилар. Ана шу тариқа ўзини бошқалар билан доимий қиёслаш натижасида ўзига бериладиган анча паст баҳо боланинг онгига жуда катта зарар етказди. Мен ўсмирлик ёшига етмасдан аллақачон ўзларини ёмон кўрадиган, бошқа бировга ўхшашни орзу қиладиган жуда кўп ёшларни биламан. Ўзларига Худо берган ижод намунаси сифатида юқори баҳо бериш, Худо ато қилган қобилиятларни имкон борича ривожлантириш ўрнига, улар жон-жаҳдлари билан

бошқача бўлишга ҳаракат қиладилар. Бошқача қилиб айтганда, ўзларига ҳеч қачон қониқиш ҳиссини келтирмайдиган нарсани қидирадилар. Аммо бизнинг ибодатларимиз душман режаларини барбод қилишга, бизнинг болаларимизга ўзлари ва келажаги чинакамига намоён бўлишини кўра олишларига ёрдам беради.

Фарзандларим ҳали жуда ёшлиқларидаёқ Худодан, эрим билан менга болаларимнинг истеъдод ва иқтидорини очиб бер, деб сўраб ибодат қила бошладим. Мен Худодан, болаларимни ўқитишимда, тарбиялашимда, Парвардигор томонидан уларга белгиланган вазифаларни бажаришимда, уларда зарур қобилиятларни ривожлантиришимда менга донишмандлик ато қил, деб сўрадим. Мен Кристофер ва Амандага уларнинг инсоний қадриятларига муносиб баҳо бера олишга, камчиликларини бўрттириб кўрсатмасликка ёрдам беришни ўзимнинг бурчим деб билдим. Болаларим балоғат ёшига етганларида, бу вазифа мураккаблашганлиги сабабли, менинг ибодатларимнинг доимий мавзусига айланди.

Аммо мен учун энг муҳими ўғлим ва қизим билан Раббий ўртасида яқин муносабатлар ўрнатилиши учун икковига ҳам ёрдам бериш эди, чунки фақат шу ҳолдагина улар Худонинг ғояларини тушунишлари мумкин эди. Агар улар бошиданоқ *Худо* Ким эканлигини англаб етмасалар,

унда улар ўзларини тўғри тушунмасликларини мен билардим.

Муқаддас Китобда Раббий бизнинг болаларимизга Ўз руҳини ёғдиришини ваъда қилиб, шундай дейди:

«Улар тез ўсади тамариск дарахти каби,
Оқар сув бўйидаги анжир дарахти каби.
Кимдир «Мен Эгамникиман», деб айтади,
Бошқаси Ёқуб исми билан аталади,
Яна бири қўлига «Эгам», деб ёзади,
Шу тариқа Исроил деган ном олади (Ишаё 44:4-5).

Худога ишонган болалар ўзларининг ким эканликларини биладилар. Улар Худонинг Муқаддас Руҳи билан тўлиб-тошадилар, ўзлари Раббийга тегишли эканликларини ҳам биладилар. Сиз ишонч билан: «Мен Худонинг қулиман», деб айтаётган боланинг юзида доимо шодлик ифодасини кўрасиз. Ўзингизнинг болангизни ҳам бахтли кўрмоқчимисиз? Унда ибодат қилишни бошланг.

Ибодат

Эй, Раббий, мен Сендан сўрайман: шу бугуноқ менинг фарзандим (болангизнинг исми)га Ўзингнинг руҳингни ёғдир, уни Ўзинг кўрмоқчи бўлганиндай бўлишига дуо қил. Сен фарзандимни нимани қилишга чорласанг, шуни бажариши учун унга марҳамат қил. Сенинг Каломингда шундай

дейилган: «...ким қандай ҳолда даъват этилган бўлса, Худо олдида ўша ҳолда қолсин» (1 Кор. 7:24). Менинг фарзандим ҳеч қачон Сенинг Каломинг бўйича белгиланган йўлдан четга чиқмасин. Менинг фарзандим ҳаётини бузмоқчи бўлган, ундан Сенинг марҳаматларингни тортиб олмоқчи бўлган, Сенинг Ўзинг боламини қўйган йўлдан адаштирмоқчи бўлган, Сен томондан берилган истеъдодларни нобуд қилмоқчи бўлган шайтон режаларини барбод қил. Менинг болам ҳеч қачон Сендан бошқа ҳеч кимнинг кетидан юрмасин, аммо унинг ўзи Сенинг Шоҳлигинга одамларни олиб келсин. Исога эргашиб топадиган ҳокимлигини тушунишига, аммо шу билан бирга юрагида итоаткорликни, Сенга бўйсуниб яшашни англаши учун унга ёрдам бер. Унинг юрагида кундан-кунга муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, лутфкорлик, хайрихоҳлик, садоқат, мулоимлик ва ибодан иборат бўлган Илоҳий Руҳнинг самараси доимо ўсиб борсин (қаранг: Гал. 5:22). Менинг ўғлим (қизим) ўзида ҳар доим Сенинг қиёфангни кўрсин, ўзини эса Сенинг қўлингдаги бир қуроқ деб ҳисобласин, ҳаётнинг асосий мазмуни Сенда эканлигини билсин. У Сен белгилаб берган вазифаларингга мос келадиган мақсадларни ўз олдига қўя олишига ўргат. Унга ўзига ўтмишдан эмас, балки Сенга ўхшаб келажақдан қарашни ўргат. Менинг болам учун келажақда Сенинг ниятинг тинч ҳаёт ва умид эканлигини яхши билсин (қаранг: Ерм. 29:11). Унга шуни ўргатгинки, Сенда келажаққа бўлган умидни кўрсин, Сени англасин. «Худо бизларни қутқарди ва муқаддас бир даъват билан чақирди. Бунга биз савоб ишларимиз туфайли эришмадик. Аксинча, Худо Ўз хоҳиши билан азалий вақтларданоқ Исо Масих орқали бизга июнат

қилишга қарор қилган эди» (2 Тим. 1:9). Токи менинг фарзандим доимо Сен яратганингдай қолсин, ҳар куни ўз руҳини мустаҳкамлай олсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Аммо сизлар — танланган бир авлод, Шоҳаншоҳ руҳонийлари, муқаддас халқ, Худонинг азиз қавмисизлар. Худо сизларни қоронғилиқдан Ўзининг ажойиб нурига даъват этган, сизлар Унинг фазл-камолотидан хабар бериш учун танлангансизлар.

1 Бут. 2:9

Лекин худди Тавротда ёзилганидек бўлди: «Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган, Инсон ақли бовар қилмаган нарсаларни Худо Ўзини севганларга муҳайё қилган».

1 Кор. 2:9

Шунинг учун, эй биродарлар, Худо сизларни танлаганини ва даъват этганини библия, бунга муносиб бўлмоқ учун яна астойдил ҳаракат

қилинлар. Бу йўлни тутсангиз, ҳеч вақт
қоқинмайсизлар.

2 Бут. 1:10

Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо Ўз
муроди бўйича даъват этганларга ҳамма нарса
яхшилиқ бўлиб хизмат қилади.

Рим. 8:28-30

Қалқинг, нур сочинг, нурунгни келди, Эгамнинг
шуҳрати устингизга келди.

Ишаё. 60:1

11-БОБ

ФАРЗАНД ЁЛҒОННИ ИНКОР ЭТИБ, ҲАҚИҚАТ ОРТИДАН БОРИШИГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЎРГАТИШ МУМКИН

Оиламизда болаларим яхши биладиган бир қоида бор: агар баъзи бир ножўя ишлари учун жазо унчалик қаттиқ бўлмаса, ёлғон учун жазо доимо қаттиқ бўлади, ёлғон ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Биз айблар ичида ёлғонни энг ёмони деб биламиз, чунки унда барча гуноҳларнинг илдизи ётади. Ҳар қандай жиноят кимнингдир ёлғонга ишонганидан ёки ўзи алдаганидан бошланади. Ҳаттоки ёлғоннинг энг безарар сабаби ҳам (масалан, «Мен агар алдасам, истаган нарсамга эга бўла олмайман») бошқа ёвузликка йўл очади.

Қизим ҳали кичкиналигида мақсадига эришиш учун «арзимас айёрлик»лардан фойдаланишга ҳаракат қиларди. Аммо у тезда бундай қилиш ёмонлигини тушунарди. Чунки бу айёрликлар учун бериладиган жазо уларнинг фойдасидан каттароқ эди. Бизнинг ўғлимиз эса бу маънода «майдалашиб» ўтирмасди, алдайдиган бўлса, яхшигина алдарди.

Кристофер етти ёшда эди. У бир куни дўсти Стивен билан уйимиз олдида бейсбол ўйнади. Копток тўсатдан катта витраж ойнага тегди, ойнанинг синган шарақ-шуруқ товушидан Стивеннинг ойиси уйдан югуриб чиқди. «Буни ким қилди?» — деб сўради у. «Мен эмас», деб жавоб берди Стивен. «Мен ҳам эмас», деди Кристофер. «Стивен, сен ойнага копток теккизмаганинга ишончинг комилми?» — давом қилди она. «Ҳа, бунга ишончим комил», деди Стивен. «Кристофер, ойнани сен синдирдингми?» — деб у менинг ўғлимга яна бир бор мурожаат қилди. «Агар ойнани мен синдирганимни сиз кўрган бўлсангиз, бу менман, агар кўрмаган бўлсангиз, мен эмасман», — хотиржамлик билан жавоб берди Кристофер. «Сен ойнани синдирганингни мен кўрмадим», деди Стивеннинг ойиси. «Демак, мен айбдор эмасман», деди Кристофер.

Стивеннинг онаси бизга кўнғироқ қилиб, телефон орқали бўлган воқеани айтиб бергандан сўнг, биз бунга аралашимиз кераклигини тушундик. Чунки Кристофер, ёлгон гапирганим жазосиз қолади, деб ўйлаши мумкин эди.

«Кристофер, ўша ерда нима воқеа юз берганини кўрган бир одам бор. Эҳтимол, сен ўзинг бизга ҳаммасини айтиб берарсан?» — дедим мен ўғлимга. У ёлгон гапирганини тушуниб, қилган айбини бўйнига олади, деб шу саволни берган эдим. У бошини эгиб: «Хўп, ойнани мен

синдирдим», деди. Шундан сўнг биз у билан ёлғон ҳақида кўп ва узоқ суҳбатлашдик. «Иблис — энг асосий ёлғончи, — дедим мен, — ҳар қандай ёвузлик ёлғондан бошланади. Инсонлар, ёлғон бизнинг ҳаётимизни енгиллаштиради, деб ўйлашади. Аммо ҳақиқатда эса бунинг тескарисси содир бўлади. Бунга сабаб — сен ёлғон гапириб, иблисга қўл берасан. Ҳар сафар сен ёлғон сўзлаётганингда, сен иблисга юрагингдан жой берасан. Сен қанча кўп ёлғон гапирсанг, иблис сенинг юрагингни шунчалик тез забт этади. Бир куни сен бу ёлғонлар оқимини тўхтата олмаслигинга иқрор бўласан. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Ёлғон гап билан бойликка эга бўлиш — бу ўлим ахтариш билан баробардир» (Ҳикмат. 21:6). Бошқача қилиб айтганда, сен ёлғон ёрдамида бирон бир нарсага эга бўлдим деб ўйлайсан, аммо ҳақиқатда эса сен фақат ўз ҳаётингни барбод қиласан. Энг яхшиси, тўғрисиини гапириш керак. Ҳаттоки ёлғонинг учун оладиган жазоинг ҳам натижада сен учун ёлғонинг оқибатларидан кўра каттароқ мурувватга айланади. Ахир, Муқаддас Китоб бизга шундай ваъда беради-ку: «Ёлғон гувоҳлик берган жазосиз қолмайди, кимки ёлғон гапирса жазодан қутулмайди» (Ҳикмат. 19:5)».

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин, Кристофер: «Ўша ойна синган куни бу ишни мен қилганимни ким кўрибди?» деб сўради. «Худо, — деб жавоб бердим мен. — У сени кўрибди. Мен доимо сен ва синглинг ҳақида менга ҳақиқатни айтишини Ундан сўрайман. Худо — Ҳақиқат

Руҳи, тушуняпсанми?» «Аммо бу адолатдан эмас, ойи», — деди Кристофер. Аммо шу суҳбатдан кейин доимо у ёлгон гапирса бўйнига оладиган бўлди. «Ойи, мен сизга Худодан олдин ўзим айтганим яхшироқ деб ўйладим», — дерди у ҳар гал.

Болалар умуман алдамасдан тура олмайдилар. Муаммо уларнинг *алдашларида* эмас, муаммо ёлгон уларнинг одатларига, улар учун оддий нарсага айланиб қолишида. Бунинг натижаси эса бизнинг ёлгонга муносабатимизга боғлиқдир. Агар биз Раббийнинг ёлгон ҳақида нима деганини болага тушунтириб бермасак, улар бу қанчалар ёмон эканлигини тушунмайдилар. Агарда биз уларнинг ёлгонига кўз юмиб кетсак, улар алдаш мумкин экан-да, деб ўйлашади. Агар бу муаммо ҳақида биз ҳозир ибодат қилишни бошламасак, вақт ўтгандан сўнг бунинг аччиқ мевасини ўзимиз татиймиз.

Муқаддас Китоб иблис ҳақида шундай дейди: «Сизларнинг отангиз — иблисдир. Сизлар ўз отангизнинг нафсу эҳтиросларини бажо келтирмоқчисизлар. Азалдан иблис қотил эди. У ҳақиқат томонида турмаган, чунки унда ҳақиқат йўқ. У ёлгон сўзлаганда, ўзига яраша сўзлайди. Чунки у ёлгончи, ёлгоннинг отасидир» (Юҳ. 8:44). Ёлгоннинг отаси ким эканлигини била туриб, биз унинг уруғи фарзандларимизнинг юрагида униб-ўсишига хотиржам қараб тура олмаймиз.

Сиз ҳар қандай ёлғоннинг руҳи болаларимизнинг, шунингдек, *ўзимизнинг* юрагимиздан ҳам олиб ташланиши учун ибодат қилинг. Баъзида ота-оналар ёлғон учун фарзандларига анча юмшоқ жазо берадилар, чунки ўзлари ҳам шу айбни қиладилар. Биз ёлғонни инкор қилишимиз ва ўз болаларимизга намуна бўлиш учун ҳақиқат йўлидан боришимиз керак. Биз ҳаворий Юҳанно билан бирга шундай дейишни хоҳлаймиз: «Эй, хоним, Отамизнинг бизга буюрганга кўра, сенинг болаларингдан бир нечтаси ҳақиқат йўлидан бораётганларини кўриб, жуда ҳам хурсанд бўлдим» (2 Юҳ. 1:4). Болаларимиз ёлғоннинг отаси билан бирлашишларини биз хоҳламаймиз: биз болаларимиз дунё Отаси билан бирга бўлишларини хоҳлаймиз (Ёқуб 1:17).

Ибодат

Эй, Раббий, мен сенга ибодат қиламан: менинг болам (болангизнинг исми)ни Ўзингнинг ҳақиқат Рухинг билан тўлдир. Унга ҳақиқатни севувчи, унинг кетидан борувчи, ҳар қандай ёлғонни душман билан иттифоқ тузиш белгиси деб инкор қилувчи юрак бер. Фарзандимни унинг ҳаётига ўзи айтган ёки ҳаёлидан ўтказган ёлғон орқали кириб келаётган ўлим руҳига ҳар қандай тобеъликдан қутқар. Ёлғон унинг юрагидан иблисга эшик очишини, бу эшикдан ўзи билан биргаликда ўлим, саросима олиб келувчи ваСендан узоқлаштирувчи иблис киришини фарзандимга кўрсат. Уни ҳар қандай ёлғоннинг руҳидан озод қил. Мен, фарзандимни

ҳеч қачон ёлғон ёрдамида иблис кўр қилмасин, алдамасин, аммо Сенинг ҳақиқатингни доимо аниқ тушунсин, деб ибодат қиламан.

Мен Сендан менинг ўғлим (қизим) ҳеч қачон мендан ҳеч нарса яширмаслигини, агар яширса барибир, бир кун — эртами, кечми ёлғон очилиб қолишини тушунишини сўрайман. Акс ҳолда у азоб чексин. Азоб эса ёлғони ўзига зарар етказмаслиги учун тавба-тазарруга олиб келади. Фарзандимга ёлғоннинг моҳиятини тушунтира олишимга ва ҳаётида ўз билимларини қўллашига ёрдам беришимга ўргат. Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Муқаддас Ҳақиқат Руҳи келгач, У сизларни бутун ҳақиқат йўлига бошлайди...» (Юҳ. 16:13). Сенинг ҳақиқат Руҳинг менинг ўғлим (қизим) ни ҳақиқат йўлига бошласин, у ҳеч қачон ёлғончи бўлмасин, ҳақиқат Руҳи кетидан юрадиган, ички дунёси барқарор инсон бўлсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Ёлғончи тил Эгамизга жирканч, тўғрилиқ билан
иш қиладиганлар эса Унинг севинчидир.

Ҳикмат. 12:22

Кўплар мен тўғримда айтарлар: «Худодан унга нажот йўқдир», деб.Менинг қалқоним, эй Эгам, Сенсан, Шухратимсан, бошимни юксалтирадиган Сенсан.

Забур 3:3-4

Унгача дажжол шайтоннинг кучи билан ҳар турли қудратли ишлар, ажойиботлар, сохта мўъжизалар кўрсатади. У ҳалок бўладиганларни ҳар турли ноҳақ васвасалар билан йўлдан оздиради. Бу кишилар ҳақиқат севгисини қабул қилмаганлари учун ҳалок бўладилар, нажот топа олмайдилар.

2 Сал. 2:9-10

Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қилинглар. Мен Отамга мурожаат қиламан ва У то абад сизлар билан қоладиган бошқа Юпатувчини юборади. Бу Юпатувчи — Ҳақиқат Рухидир. Дунё Уни қабул қила олмайди, чунки Уни на кўради, на билади. Сизлар эса Уни биласизлар, чунки У сизлар билан доим биргадир, У ичингизда яшайди.

Юҳ. 14:15-17

12-БОБ

ФАРЗАНДНИНГ СОҒЛИҒИ ВА ШИФО ТОПИШИ УЧУН ҚАНДАЙ ИБОДАТ ҚИЛИШ КЕРАК

Менинг қизим тўрт ёшга кирганда шифокорлар унда жиддий кўз касаллиги борлигини аниқлашди. Шифокорлар, операция қилиш керак, деб туриб олишди, операциядан кейин ҳам у бир умр қалин линзали кўз ойнак тақиб юриш кераклигини таъкидлашди.

«Раббий, наҳотки Сен менинг қизим учун шундай тақдир тайёрладинг? — шундай деб мен ибодат орқали Худога мурожаат қилдим. — Наҳотки, бунинг оқибатида юрагим хотиржам бўлмай, мен доимо бу ҳақда бир умр хавотир олиб юрсам?»

Эрим билан биргаликда биз Аманданинг соғайиб кетиши учун ибодат қилдик. Зарур бўлиб қолса, Худо бизга ёрдам бера оладиган шифокорни кўрсатишини сўрадик. Эртаси куни Аманданинг касаллиги ҳақида ҳеч нарса билмайдиган бир танишимиз бизга телефон қилди. Аммо у Лос-Анжелесдаги болалар касалхонасида ишлайдиган шу соҳадаги ажойиб бир мутахассисни билиши ҳақида айтди.

Мен Амандани шу шифокор қабулига олиб бордим. У қизимни синчиклаб текшириб кўрди, бизни ажойиб янгилик билан хурсанд қилди: бизнинг муаммомизни шифоловчи линзалар ҳал қилишга қодир экан, операция қилиш эса шарт эмас экан. Биз оиламиз билан қанчалар хурсанд бўлганимизни сиз ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз! Биз Амандани шу шифокорнинг қўлига ишониб топширдик, аммо қизимиз учун ибодат қилишни тўхтатмадик.

Саккиз йил давомида Аманда қатъий тиббий назорат остида контакт линзалар тақиб юрди. Албатта, ҳар куни эрталаб уни кўзга қўйиши ва ҳар куни кечкурун олиб қўйиш жуда машаққатли ва толиқтирадиган иш эди. Неча бор қизим линзаларни мактабнинг ўйин майдончасида йўқотиб қўйганда бориб ахтарганларим-чи? Аммо биз барча қийинчиликларга чидадик. Бир куни уни даволовчи шифокори навбатдаги текширувлардан сўнг: «Сенга энди контакт линзаларнинг ҳам, айниқса операциянинг ҳам кераги йўқ, чунки сенинг кўзларинг соппа-соғ!» деганда, теримизга сиғмай севинганимизни кўз олдингизга келтиринг-а! Ҳа, биз бахтли эдик, бизни бошқаргани, ибодатларимизни бажо келтиргани учун Худога шукроналар айтардик.

Болаларимиз бирон-бир хасталик билан касал бўлганларида, масалан, шамоллаб қолсалар, грипп

бўлсалар, ёки жароҳат ва шикаст олсалар, биз ҳар доим ибодат қилардик, Худо бизни доимо эшитарди. Зарур бўлса, биз врачларга мурожаат қилардик, чунки Раббий шифокорлар орқали ҳам шифо беради. Лекин Муқаддас Китоб шундай дейди: «Агар сизлардан бирор киши бемор бўлса, имонлилар жамоатининг оқсоқолларини чақирсин. Улар Раббимиз Исо номи билан дуо қилиб, беморнинг бошига ёғ суркасинлар. Имон билан қилинган дуо беморни соғайтиради, Раббимиз Ўзи уни тузатади...» (Ёқуб 5:14-15). Аввалам бор доимо ибодатдан бошлаш керак, шундан кейингина зарурат пайдо бўлиб бўлса, врачларга мурожаат қилиш керак, шифо топгандан сўнг ундан шубҳаланмаслик керак.

Бизнинг ўғлимиз автомобил ҳалокатига учраганда, бу ҳақда Кристофер китобнинг бошида сўзлаб берган эди. Унинг елкалари, тиззаларига жиддий жароҳат етган эди. Биз зудлик билан унинг соғайиб кетиш учун ибодатни бошладик. Бир вақтнинг ўзида касалхонада уни тўла тиббий кўриқдан ҳам ўтказдик. Биз унинг бира тўла шифо топиб кетиши учун ибодат қилишда давом этдик, чунки унинг орқасидаги ва оёқларидаги оғриқ ўғлимиз ҳаётини бузишини истамас эдик. Бир қанча вақт ўтгандан кейин автоҳалокатда айбдор хайдовчининг суғурта компаниясидан телефон қилишди. Улар бизга етказилган зарар учун қанча пул тўлаш кераклигини ҳал қилишмоқчи эди. Шунда мен бирдангина Муқаддас Ёзувларнинг бир

оятини *аниқ* эшитдим: «Ғанимларинг сен ҳақингда «Сиондан ҳамма юз ўтирган, ҳеч ким унга ғамхўрлик қилмайди», деб айтишади. Мен эса сени соғайтираман, ярангга шифо бераман» (Ерм. 30:17). Менинг ўғлим соғлом эканлигига, биз эса зарар учун қопланадиган тўловдан умуман воз кечишимиз кераклигига ишончим комил эди. Худо мендан сўраётгандай эди: «Сенга пул керакми ёки шифо?» «Раббий, менга шифо керак, Сендан миннатдорман», деб жавоб бердим мен ҳеч иккиланмасдан.

Албатта, зарар учун суғурта тўловларини олишга розилик бериш, эътиқоднинг сустлигидан дарак бермайди. Аммо бу вазиятда биз тўловдан воз кечиб тўғри қилдик. Раббий касалга бизнинг ибодатларимиз бўйича шифо бераётганда, биз ўзимизни худди дарднинг шифоси йўқдай тутмаслигимиз керак.

Муқаддас Китобда шифо берувчи дуолар кўп. Довуд шундай дейди: «Эй, жоним, Эгамни олқишлагин, унутма Унинг бирон-бир эҳсонини! У бутун айб-гуноҳларингни кечирар, барча хасталикларингга даво топар...» (Забур 102:2-3). Исо бизнинг гуноҳларимиздан ўтувчи ва бизнинг танамизга шифо берувчи бўлишни хоҳлайди. Келинлар, Ундан болаларимизнинг соғлиги ва шифоси учун, фарзандларимиз бунга *муҳтожлик* сезмасларидан олдин, сўрайлик.

Ибодат

Эй, Раббий, Сен Ўз Каломингда бизга бир-биримизнинг шифо топишимиз учун ибодат қилишга амр бердинг, мен фарзандимнинг шифо топиши ва соғлиги учун ибодат қиламан. Мен Сендан ҳеч қандай касаллик ва ҳеч қандай дард унинг ҳаётини бузмаслигини ўтиниб сўрайман. Сендан илтимос, уни ҳар қандай касалликлардан ҳимоя қил. Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Каломини юбориб уларга шифо берди, уларни тушган чоҳларидан чиқариб олди» (Забура 106:20). Фарзандим танасининг қайси аъзосида касаллик яширинган бўлмасин, Раббий, Сендан илтимос: унга қўлингни теккизиб, шифо бер, менинг қизимга (ўғлимга) тўла соғлик ато қил.

Уни касалликлар ва жароҳатлардан асра. Айниқса, Сендан фарзандимнинг (касалланган маълум бир тана аъзосининг номи) га шифо беришингни сўрайман. Агар бизнинг шифокорга боришимиз керак бўлиб қолса, биз ишонишимиз мумкин бўлган мутахассисни бизга кўрсат, унга мукамал билим ва даволаш усулларини, йўлларини аён қил.

Раббий, биз учун, бизнинг нажот топишимиз учун азоб чекканинг ва жонингни берганинг учун Сенга миннатдорчилик билдираман. Мен Сендан Ўз Каломингда Сенга ишонувчиларга шифо бериш ҳақидаги аҳдингни бажаришингни ибодат қилиб сўрайман. Сен фарзандимга батамом шифо ва мустаҳкам соғлик ҳадя этишингни кутиб қоламан.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

У эса бизнинг гуноҳларимиз эвазига ярадор бўлди,
Бизнинг айбларимиз эвазига зарбага учради. У
тортган азоблар бизга фаровонлик келтирди,
Унинг яралари бизга шифо берди.

Ишаъ 53:5

Шундай қилиб, шифо топишингиз учун, бир-
бирингиз олдида қилган гуноҳларингизга иқроор
бўлинглар ва бир-бирингиз учун ибодат
килинглар. Солиҳ одамнинг зўр бериб қилган
илтижоси кучли таъсирга эгадир.

Ёқуб 5:16

Сизлар учун эса, эй, номимни эшитиб қўрққанлар,
солиҳлик қуёши кўтарилар, шифо нурларини
сочар. Сизлар оғилхонадан қўйиб юборилган
бузоқлардай шодланиб сақрайсиз.

Мал. 4:2

Худо сизларни ана шу мақсадда даъват этган.
Масиҳ ҳам: «Менинг изимдан юринглар», деб
сизлар учун азоб чекиб намуна бўлди... Биз гуноҳ
қаршисида ўлиб, энди солиҳлик билан яшашимиз

учун, У хочда гуноҳларимизни Ўз баданига
сингдирди. Унинг яраларидан сиз шифо
топдингизлар.

1 Бут. 2:21, 24

Нурингиз шунда тонг каби оқаради, Ўзингиз тезда
шифо топасиз, Тўғрилигингиз олдингизда боради,
Эгамнинг шухрати сизни кузатиб боради.

Ишаё 58:8

13-БОБ

ФАРЗАНД ЎЗ ТАНАСИНИ ПАРВАРИШ ҚИЛИШИНИ ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ КЕРАК

Агар биз фарзандларимизни консерваланган ва нотабиий озиқ-овқатлар дунёсида ёлғиз қолдирсак, улар нотўғри овқатланадилар. Биз ейдиган аксарият озиқ-овқатлар кўп маротаба тозаланган, уларга шунчалик кўп нарсалар қўшилган, шунчалик кўп нарса олинганки, бундай емакнинг озиқ-овқатлик қадри ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Аммо болаларни бу ташвишлантирмайди. Уларга бундай таомлар ёқади, чунки улар кўзга жуда лаззатли кўринади, ҳиди ёқимли, мазаси яхши. Агар бунинг устига ҳамма жойда реклама қилинса, ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Агар сизнинг эрингиз ҳам менинг Майкилимга ўхшаб шундай таомларни яхши кўрса, ўзи ва болалар учун мунтазам олиб келиб турса, унда сизнинг ҳаётингиз мураккаблашади. Эсимда, бир куни ишдан уйга келиб отасининг назорати остида қолган ўн ойлик боламга овқат бериладиган шишасида кола ичимлигини кўриб, ўзимни йўқотиб қўйган эдим. Ўшанда мен бундай вазиятда менга фақат ибодат ёрдам беришини тушундим.

Мен оилам аъзоларини табиий озиқ-овқатларга ўргатиш, тўғри овқатланиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун қўлимдан келган ҳамма нарсани қилдим. Мен улар билан баҳслашишга, нима бўлса ҳам ўзимнинг ҳақлигимни исбот қилишга тайёр эдим.

«Бунга бошқа чидаб бўлмайди. Фақат бизнинг уйимизда нормал овқат йўқ», — деди ўғлим овозида нафрат ҳисси билан. «Бизникида шундай табиий овқатки, ҳатто кўнглим айнийди», жўр бўлди ўғлимга қизим кўзида ёш билан. Мен «Дастурхони тўла жанжалли уйдан, бир тишлам қаттиқ нони бор тинч хонадон яхшироқ» (Ҳикмат. 17:1) эканига тарафдори бўлганлигим учун, мен ўзимни тутишга, хистуйғуларга эрк бермасликка ҳаракат қилардим. Агар болаларимнинг ёнида доимо бўлмасам, уларга эслатиб турмасам, уларни тўғри овқатлантиришга ишонтира олмаслигимни тушунардим. Фақат ибодат орқали таъсир ўтказадиган Раббий кучигина вазиятни ўзгартиришга қодир эди.

Деярли ҳамма одамлар ўз таналарини тўғри парвариш қилишда қийинчиликларга дуч келадилар. Менинг саломатлик ҳақидаги китобларим ва ўзим ишлаб чиққан жисмоний машқлар видеокурслари туфайли ушбу муаммога тўқнаш келардим, қаттиқ чорасизликка, умидсизликка тушган жуда кўп кишилар билан танишдим. Агар биз фарзандларимизнинг ҳаётларида шунга ўхшаш

муаммолар бўлмаслиги учун ибодат орқали қўллаб-қувватламасак, уларни тўғри йўлга бошламасак, соғлом одатларни тушунтирмасак, кўниктирмасак, биз уларга катта зарар етказган бўламиз.

Агар сизнинг фарзандларингиз ҳали ёш бўлса, уларнинг соғлом овқатланиши, жисмоний машқларни ёқтириб қолишлари, ўз таналарини тўғри парвариш қилишга ўрганишлари учун ибодат орқали сўрашни бошланг. Акс ҳолда ўсмирлик ёшида уларнинг хулқларида ёмон одатлар шаклланиб қолиши мумкин. Кейин бирон нарсани ўзгартиришга аллақачон кеч бўлган бўлади. Ёш қизлар, йигитлар ўсмирлик ва талабалик йилларида қандай овқатланишларини кузатиб бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шундай экан, кеч бўлмасдан ибодат қилишни бошланг.

Агар сизнинг фарзандингиз аллақачон вояга етган бўлса, шунда ҳам ибодат қилишни орқага сурманг. Ҳаддан зиёд иштаҳадан ёки аксинча, иштаҳаси йўқлигидан нолийдиган ёш аёлларга нафақат ўз танасининг истакларига қарши курашишга, балки руҳий кураш олиб боришга ҳам тўғри келади. Ҳамма бало шундаки, уларнинг кўпчилиги меъёридан ортиқ овқатланиш одатига қулдирлар. Бу эса Худонинг ҳаётни ташкил қилиш тамойилларига қаршилик қилади. Раббий ўргатганлари бўйичанотўғридир. Мен бундай касалликдан азоб чекаётган

жуда кўп аёлларни биламан. Кимнинг ота-онаси ибодатгўй бўлса, уларнинг кўплари ўзлари устидан ғалабага эришадилар. Бошқалари эса, омадсиз бўлганлар, қийин аҳволга тушиб қолганлар.

Сизнинг фарзандингиз ўз танасини тўғри парвариш қилса, унга Муқаддас Рухнинг бошқаруви ва кучи керак бўлади. Сизнинг ибодатларингиз уни мағлубиятдан, чорасизлик ва умидсизликдан асрайди. Ахир, бир пайтлар сиз ҳақингизда ҳеч ким ибодат қилмагани учун сиз пушаймонда эмасмисиз? Мен жуда афсусланаман.

Ибодат

Эй, Раббий, мен ўғлим (қизим) учун ибодат қиламан ва сендан сўрайман: унга соғлом овқатланиш истагини ато қил. Унда ҳаёти давомида ҳаётга эмас, ўлимга олиб боровчи овқат учун ишлатиб бўлмайдиган озиқ-овқатларни ейиш истаги бир неча марта пайдо бўлади. Бундай озиқ-овқатлар унга фойда эмас, балки кони зарар эканлигини тушунишига ёрдам бер; унинг дилига соғлом овқатланиш ва сифатсиз таомларни рад қилиш истагини сол.

Сендан илтимос қиламан: боламни турли мувозанатсиз диеталар билан қизиқишдан асра. Исо Масих орқали менга берилган иқтидор билан (қаранг: Лука 10:19) мен фарзандим учун ибодат қиламан. Ҳар қандай ёмон одатларга, овқатга

бўлган турли тобеликларга, меъёридан ортиқ ейишга, турли очликларга ва номунтазам овқатланишга «йўқ» дейман.

Раббий, Сен Ўз Каломингда шундай дегансан: «...сизлар ҳақиқатни билиб оласизлар, ҳақиқат эса сизларни озод қилади» (Юҳ. 8:32). Фарзандим ножўя одатларидан халос бўлиши учун қандай яшаши кераклиги ҳақидаги ҳақиқатни унга зоҳир қил. Сен унга тўғри овқатланиш истаги билан бир қаторда жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланиш, кўп тоза сув ичиш, Сенинг аҳдларингга риоя қилиб ҳаётидаги барча қийинчиликларни енга олиш истагини ато қилишинг учун мен ибодат қиламан. Ҳар қандай оғир вазиятда у Сенга қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилсин: «Эй, Эгам, Ўз йўлларингни менга ўргатгин...» (Забур 26:11). Фарзандимга унинг танаси — Сенинг Муқаддас Рухинг ибодатхонаси эканлигини аңлат.

Мен Сендан ибодат қилиб сўрайман: менинг қизим (ўғлим) Сен унга ато қилган танани қадрласин, асрасин, парвариш қилсин. У ўз танасига танқидий муносабатда бўлмасин, у ўзига баҳо бераётганда атрофдагиларнинг фикрига таянмасин. Мен Сендан, фарзандим турли журналлар, телевидение, киноларда қандайдир янгича урфдаги анъаналарга риоя қилишни сўраб қизиқтирадиган нарсалардан бутунлай халос бўлсин, деб илтимос қилиб сўрайман. У шундай деб жавоб қилсин: «Беҳуда иш-ҳаракатларга қаратма кўзим...» (Забур 118:37). Ҳақиқий латофат — унинг ўзида яшайдиган Муқаддас Рух гўзаллигида эканлигини кўрсин. У ҳақиқий гўзаллик чашмаси — Раббийни севувчи юракда эканлигини аңлаб етсин.

Фарзандим соғлом ҳаёт тарзи ва жисмоний гўзаллик ҳақидаги ўз тасаввурини Сенинг таълимотингга асосан шакллантирсин. Унга у ўз танасини худди Муқаддас Руҳ ибодатхонасини парваришлагандай қаттиқ парваришлаш истагини бер.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Сизнинг баданингиз ўзингизда яшаётган Муқаддас Руҳнинг маъбадидир. Уни сизга Худо берган, сизлар ўзларингизга тегишли эмассизлар. Қиммат баҳо билан сотиб олиндингизлар. Шунинг учун баданингиз [ва руҳингиз] билан Худони улуғланглар. [Чунки сизлар Худога тегишлисиз.]

1 Кор. 6:19-20

Кимки Худонинг маъбадини бузса, уни Худо уради. Чунки Худонинг маъбади муқаддасдир; бу маъбад эса сизларсиз.

1 Кор. 3:17

Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман: Худога оқилона хизмат қила олишингиз учун

вужудингизни тирик, муқаддас, Худога манзур
бўладиган қурбон қилиб бағишланглар.

Рим. 12:1

Раббимиз Исо Масиҳни Ўсовутдай Ўг кийиб
олинглар ва табиатингизнинг гуноҳли ҳавас-
эҳтиросларини қониқтиришга интиланглар.

Рим. 13:14

Шундай қилиб, ейсизларми, ичасизларми,
нимаики қилсангизлар, ҳамма нарсани Худони
удуғлаш учун қилинглар.

1 Кор. 10:31

14-БОБ

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФАРЗАНДИНГИЗДА РАББИЙГА ИНТИЛИШ, УНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ИСТАГИНИ УЙЎОТИШ МУМКИН

Менинг ўқувчилик йилларим, ўқиш мен учун енгил бўлса ҳам, оғир руҳий синов йиллари бўлди. Шу сабабли мен ҳеч қачон болаларимнинг мактабдаги муваффақиятлари учун ибодат қилмадим. Бундай ҳол болаларимизнинг биттасига *дислексия* (яъни ўқиш кўникмаларини ўзлаштириш қобилиятининг бузилиши — *таржимон изоҳи*) деб ташхис қўйилмагунча давом этди. Бизнинг фарзандимиз қобилиятли ва иқтидорли бўлгани учун унинг ўзлаштиришида муаммо пайдо бўлади, деган фикр ҳеч қачон миямга келмаган эди. Мен билан эрим учун болаларимизнинг мактабдаги таълим олиш жараёни доимий курашлардан иборат бўлса-да, фарзандимизнинг ўқишдаги муаммоси аниқлашмагунча, тиббий кўриқда тасдиқланмагунча, биз унга нима бўлаётганини тушунмасдик. Билганимиздан сўнг эса қанча ташвишни бошимиздан ўтказганимизга қарамасдан, ибодат доимо бизни қўллаб-қувватлаб турди. Мен, эрим ва бизнинг имонли дўстларимиз боламизнинг батамом шифо топиши

учун, Худо бизга таскин юбориши учун, бизга бундай вазиятда боламизнинг ноёб истеъдод эгаси эканлигини кўра олишга ўргатиши учун ибодат қилишда давом этардик.

Бизларнинг ҳаммамиз нимададир мукамал эмас эдик. Баҳтимизга, Худо Ўз куч-қудрати билан бизнинг камчиликларимиз ўрнини тўлдиради. Муқаддас Ёзувларда шундай дейилган: «...бунга гўё ўз-ўзимиздан, ўз қобилиятимиз билан муваффақ бўлмаганмиз; бизнинг қобилиятимиз фақат Худодандир» (2 Кор. 3:5). Бу ваъда бажарилди: Худо бизнинг фарзандимизга муваффақият билан мактабни тугатишига ёрдам берди. Биз эса бу йиллар давомида Худо бизга ҳақиқий таълим ва донишмандлик берганига ишонч ҳосил қилдик.

Муқаддас Китоб бизга, Раббийни англаш, Уни иззат-хурмат қилиш — Унинг йўлидан юришдан бошланади, деб ўргатади. Агар биз Унинг Каломига қулоқ солсак, юрагимизда Унинг аҳдларини асрасак, агар биз Унинг йўлларини тўғри тушунишга ҳаракат қилсак, Ундан ёрдам сўраб илтимос қилсак, агар биз донишманликни худди беркитилган хазинани ахтаргандай сабрсизлик билан қидирсак, шунда биз Раббийни англаймиз (қаранг: 2:1-12). Худонинг таълимию ўғитлари қанчалар чексиздир! У бизни ёвузликдан ҳимояловчи қалқон сингари шунчалар улкандир.

Боланинг ўқишга бўлган қобилияти, билим олишга бўлган интилишлари унга табиат томонидан ато қилинган хусусиятлар эмас. Шунинг учун биз болаларимиз ҳақида ибодат қилишимиз мумкин, буни жуда эрта - ҳатто фарзандимиз ҳали қорнимизда эканлигидаёқ бошлаш керак: «Раббий, бу бола Сен томондан кучли, соғлом тана ва ўткир ақлнинг бирлиги сифатида мукаммал бўлиб туғилсин, Сен эса унинг абадий устози бўлгайсан». Биз қанчалар тез ибодат қилишни бошласак, шунчалар яхши. Болангизни неча ёшдалиги эса муҳим эмас, сизнинг ибодатларингиз ундаги жуда кўп нарсани тубдан ўзгартиришга қодирдир.

Ибодат

Эй, Раббий, менинг фарзандим Сенга ва Сенинг йўлларинг га чуқур ҳурмат кўрсатишини сўрайман. У Сенинг Каломингни ўз юрагида қамматбаҳо бойлиқдай асрасин, билимни ва донишмандликни олтин ёки кумуш излагандай изласин. Унга соф ақл, билим олиш руҳини ва ўқишга қобилиятни ҳадя қил. Унинг юрагига билим олиш, малака ва кўникмаларни эгаллаш истагини жо қил. Бу йўлда унга доимо қувонч ҳамроҳлик қилсин. Аммо энг муҳими, менинг фарзандим аввало Сендан таълим олишини ўтиниб сўрайман, чунки Сенинг Каломингда айтилишича, бизнинг фарзандларимиз Сендан илм олган пайтларда уларнинг юракларида хотиржамлик пайдо бўлади. Муқаддас Ёзувларда шундай

дейилган: «Эгамиздан кўрқиш — бутун билимларнинг бошидир. Донолик ва насиҳатдан нафратланган эса нодондир» (Ҳикмат. 1:7). Менинг фарзандим ҳеч қачон илмдан юз ўгирувчи аҳмоқ бўлмасин, аммо Сенга ўзи муҳтожлик сезиб билим учун муружаат қилсин.

Менинг фарзандим (болангизнинг исми) отаси ва онасининг донишмандлигини ҳурмат қилсин, улардан ва Сен унинг ҳаётига олиб кирган устозлардан таълим олишни хоҳласин. Эй Раббий, уларни доимо Ўзинг асра, токи фарзандларимиз имонли ва Худодан кўрқувчи одамлар бўлсинлар, менинг фарзандимни эзгуликка ўргата олсинлар. Боламнинг ҳаётида ҳеч қачон Сенинг йўлларингдан адаштирувчи ва ўз устозлик бурчини бажармайдиган ўқитувчилар бўлмасин. Менинг фарзандим (болангизнинг исми) ўз ўқитувчилари билан яхши муносабатда бўлсин, уни шунга ўргат, токи ўғлим (қизим) улар билан доимо тил топиша олсин. Мактабда барча фанлардан яхши ўқишига ёрдам бер. Ўқиш у учун оғир курашга айланмаслиги, қийинчиликларни енга олиши учун, унинг илм олиши йўлидаги тўсиқларини олиб ташла. Унга ўтқир ақл, яхши хотира ато қил, фарзандимни ўз ўқув жараёнини ақл билан ташкил қилишига ўргат. Яна у қобилиятли ўқувчи бўлсин.

Мен боламга Сенинг Каломингни ўргатаман: «Юрагингни насиҳатга, қулоқларингни эса идрок сўзларига оч» (Ҳикмат. 23:12) ва «Раббимнинг Ўзи ҳамма нарсани сенга тушунтиради» (2 Тим. 2:7). Эй Раббий, фарзандим Сени ва Сенинг Каломингни англаш қувончини ҳис қилиши учун унга ёрдам бер.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Ҳамма болаларингга Мен таълим бераман, Уларга фаровонлик, тинчлик ато қиламан.

Ишай 54:13

Донолар тинглаб билимини кўпайтирсин, идрокли эса йўл-йўриқ олсин.

Ҳикмат. 1:5

Халқим Мени билмагани учун нобуд бўляпти. Сизлар Мени тан олишдан воз кечганларинг учун, Мен ҳам сизлардан воз кечяпман! Сизлар Менинг рухонийларим бўлмайсизлар. Сизлар Худонгизнинг қонунларини эсларингдан чиқарганларинг учун, Мен ҳам болаларингизнинг ғамини емайман.

Хўшея 4:6

Йўл-йўриқларимни қаттиқ ушла, қўйиб юборма, уларни кўриқла, чунки улар ҳаётингдир.

Ҳикмат. 4:13

Ўғлим, насиҳатларимни қабул қилиб, амрларимни юрагингга сақласанг, Доноликка қулоқ солиб,

қалбингни фаҳм-идроқка очсанг, Фаросатга ташна,
идроқка чанқоқ бўлсанг, Уни кумуш излагандай
изласанг, яширин хазина қидиргандай қидирсанг,
Эгамиздан қўрқиш нималигини тушунасан, Худо
кимлигини биласан.

Ҳикмат. 2:1-5

15-БОБ

ФАРЗАНДАГИ ҚОБИЛИЯТ ВА ИСТЕЪДОД — ХУДОНИНГ ИНЪОМИ ЭКАНЛИГИНИ ҚАНДАЙ БИЛИБ ОЛИШ МУМКИН

Болаларим туғилганидан кейиноқ мен Худодан, Ўзинг болаларимга ҳады қилган истеъдодни менга очиб бер, улар қобилиятларини Сенинг шарафинг учун ривожлантиришига ёрдам бер, деб сўрай бошладим. Фарзандларимизда мусиқага қобилиятлари борлиги ёшлигиданоқ аён бўлди. Мен Худодан, болаларимизнинг иқтидорлари «ерга кўмилмаслиги» учун биз нима қилишимиз кераклигини кўрсатиб бер, деб сўрадим.

Кристофер тўрт ёшга кирганда, биз уни пианино чалишни ўргатишга қарор қилдик. Бу соҳада анча қобилияти борлигини у намоён қилди. Аммо бир неча йил ўтиб у мусиқа машғулотларига қизиқишини йўқотди. Шунинг учун мен қуйидагича қарор қабул қилдим: мен олти ёшли ўғлимга ҳар бир мусиқа дарси учун 25 центдан тўлаб тураман. Менга бу фикр Муқаддас Рухдан келгани аниқ эди, чунки ўшандан бери мен Кристофердан, то у ўн икки ёшга киргунча, биронта ҳам фортепиано дарсларига тегишли норозилик сўзини эшитганим йўқ. У кўпдан бери

чертиб ёки уриб чалинадиган мусиқа асбоблари чалишни ўрганишни орзу қиларди. Мен энди унинг бу орзусига рухсат бериш пайти келганини сездим. Бу сафарўғлимдан мусиқа дарсларига кўпроқ эътибор беришни сўрашимга ҳожат қолмади; ҳаммаси аксинча бўлди!

Ҳозир Кристофер электрон клавишларни уриб ўйнайдиган ноғора, бас гитара чалади, аммо ўз қўшиқларига мусиқани шу пайтгача ҳам фортепианода ёзади. Фортепианода у аранжировка ҳам қилади. Устозлари унинг мусиқадаги муваффақиятларини болалигида, шубҳасиз, Худонинг иродаси билан ташкил қилинган дарсларда, ушбу асбобда эгаллаган чуқур билимларида, деб билишади.

Шунингдек, Муқаддас Рухнинг менга ҳомийлигиникизимизнинг вокал бўйича қобилиятларини ривожлантираётганда ҳам сездим. Душман бизнинг фарзандларимиз иқтидорини ўзини шарафлаш учун, ёки ҳеч бўлмаганда улардан Худони шарафлашда фойдаланишга ҳалақит бериш учун ҳаракат қилганлиги сабабли, биз бу муаммо ҳақида ибодат қилишга мажбурмиз. Фарзандларимиз қобилиятларини ривожлантириш йўлида қилинадиган ибодат биздан сабр-тоқатни талаб қилади, чунки бу мақсадга доим ҳам тез эришиб бўлмайди.

Болаларимиз ҳаётида шундай даврлар ҳам бўлдики (12-14 ёш), бу ёшда улар номуносиб ташқи белгиларни урф қилиб олдилар: кийимлари ғалати эди, баъзи бир муסיқачиларнинг ҳаёт тарзи, замонавий муסיқа санъати уларни ўзига жалб қилди. Мен билан эрим фарзандларимиз билан эмас, балки шайтон билан кураш олиб бораётганимизни билардик. Аммо биз яна уларнинг қизиқишлари борасида ўзимизнинг жиддий фикримизни айтишимиз, ижозат берилган чегараларни аниқловчи қоидаларни белгилашимиз, хусусан, улар эшитишлари мумкин бўлган муסיқа асарларининг ҳажмини аниқлаб беришимиз кераклигини ҳам билар эдик. Бу — биз болаларимизга замонавий муסיқа тинглашни умуман манъ қилиб қўйдик, дегани эмас эди; фақатулар нима қилсалар ҳам, «Худони удуғлаш» учун қилишларини биз хоҳлардик (қаранг: 1 Кор. 10:31), чунки уларни бунга Раббийнинг Ўзи даъват қилган.

Биз болаларимизнинг кўзлари дунё ҳавасларини кўрмаслиги, диққат-эътиборларини эса Худо улар учун белгилаб қўйган вазифаларга қаратишлари учун ибодат қилар эдик. Биз Раббийдан, фарзандларимиз *киришлари керак бўлган* барча эшикларнинг оч, улар киришлари керак бўлмаган *эшикларни эса ёп, деб* сўрар эдик. Биз ибодатларимизга жуда кўп марта жавоблар олдик. Масалан, бир куни Кристоферни турли муסיқа гуруҳлари баъзи гастролларда иштирок қилиш учун таклиф этишди.

Эрим билан менинг юрагим худди бир нарсани сезгандай хотиржам эмас эди. Ўғлимизнинг бу иши тўғри эканлигига шубҳа қилардик. У ўн саккиз ёшга тўлганда, уни «Sparrow Records» — масихийлар муסיқасига ихтисослаштирилган товуш ёзувчи компания учун кўшиқ ёзишга ва аранжировка қилишга таклиф этишди. Ўшанда бу компания ҳамду сано мадҳиялари альбомини чиқариш учун тайёрланаётган эди. Бу сафар эрим билан мен бу таклиф Раббийдан бизга Кристофернинг муסיқавий истеъдодидан Худони шарафлаш учун фойдаланиш имкониятлари ҳақидаги ибодатларимизга берилган жавоб эканлигини аниқ билар эдик. Аммо шу билан биз ибодат қилишни тўхтатмадик. Биз муסיқа бизнесининг саҳна ортидаги ҳаётини яхши билар эдик. Ўша пайтда ёш масихийнинг ҳаётида гастролда йўлдан оздирадиган қанча нарсалар ва васвасалар борлигини ҳам аниқ тасаввур қилардик. Шунинг учун биз бугун ҳам Кристофер Худо берган ўз истеъдодига содиқ қолсин, бу истеъдоддан Раббийни шарафлаш йўлида фойдалансин, деб ибодат қилишда давом этяпмиз.

Раббий *сизнинг* фарзандларингизга қандай инъомларни ва истеъдодларни берди? Улар ҳар кимда ҳам бор, гарчи сиз уларни кўрмасангиз ҳам. Чунки «ҳар бир кишининг Худодан олган ўз қобилияти бор, бириники бу бўлса, бошқаники удир» (қаранг: 1 Кор. 7:7). Баъзида ота-она ибодати уларнинг намоён бўлишига ёрдам беради.

Раббий сизга болангизнинг ажойиб келажаги сирини очганда, ибодат қилинг, тагин шундай келажак келиши учун меҳр билан ибодат қилинг. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Ўз ишига моҳир устани кўрганмисан? У оддий одамларга эмас, шоҳга хизмат қилади» (Ҳикмат. 22:29). Худодан, боламга Ўзинг юқоридан ато қилинган истеъдодларини ривожлантир, деб сўранг, ўғлингизга (қизингизга) унинг бу ёруғ дунёда улуғ вазифалари борлигини тушунтиринг.

Ҳар бир болада истеъдод бор, биз бу истеъдод ўз вақтида намоён бўлиши, ривожланиши ва Раббий шон-шуҳратини орттириш йўлида фойдаланиши ҳақида ибодат қилишимиз керак.

Ибодат

Эй, Раббий, мен Сендан боламнинг инъомлари ва истеъдодлари учун илтимос қиламан. Сендан илтижо қилиб сўрайман: ўша истеъдод ва инъомларни ўғлим кўрсин, улардан Сенинг шуҳратинг йўлида фойдалансин, бунинг учун Ўзинг ёрдам бер. Менга ва менинг ўғлимга (қизимга) ўзининг қобилиятларини очиб бер, уларни ривожлантириш учун аниқ нималар қилиш кераклигини кўрсат. Бизга бу қобилиятларни Ўзинг кўрсатган йўналишда ва Сен томондан белгиланган вақтда ривожлантиришга ёрдам бер.

Сенинг Каломинг бизга «берилган инъомлар бўйича» (Рим. 12:6) ато қилинган турли истеъдодларни намоён қилишга амр беради. Менинг фарзандим ўзининг истеъдодларини — бу Сенинг инъомларинг эканлигини англаган заҳотиёқ, ҳеч нарса: на кўрқув, на ишончсизлик, на ўзининг ҳеч нимага арзимаслик туйғуси — бу истеъдоддан Сенинг шуҳратинг йўлида фойдаланишига халақит бера олмайди. У Сени эшитсин, ўзи учун белгиланган вазифаларни бажарсин, ҳаёти мазмуни нимада эканлигини бекорга қидирмасин, ёки умуман ҳаёти маъносини йўқотмасин. Унинг истеъдоди бекорга сарфланмасин ёки, эй Раббим, Сенинг шуҳратинг йўлида фойдаланмасдан қолмасин.

Сендан илтимос қилиб сўрайман: унинг ҳаётидаги энг муҳим ишни унга кўрсат, бу ишда муваффақиятга эришишида ёрдам бер. Унинг ҳар бир ишини дуо қил, ҳаёт кечириши учун ўз севган иши билан шуғулланиб пул ишлаб топишига қобилият бер.

Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Совға эгасига ҳамма эшикларни очади, катта одам олдига олиб боради»(Ҳикмат. 18:16). Боламнинг меҳнати инсонлар томонидан муносиб баҳолансин. Аммо менинг фарзандимнинг Сен ҳадя қилган қобилиятлари ва истеъдодлари Сенинг шуҳратинг йўлида имкони борича хизмат қилишини Сендан илтимос қилиб сўрайман.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Худонинг инъомлари ва даъвати ўзгармасдир.

Рим. 11:29

Биз ҳар биримиз Масиҳ иноят этганига қўра бирон
инъом олдик.

Ефес. 4:7

Худо сизларга ҳар турли қобилият берган. Ҳар
бирингиз шу қобилиятингизни ишга солиб, бир-
бирингизга хизмат қилинглар, Худонинг бой
эҳсонларини парвариш қилувчилар каби кун
кечириинглар.

1 Бут. 4:10

Ҳар бир неъмат, ҳар бир мукамал ҳадя юқоридан,
самовий нурлар Отасидан тушади. Унда ҳеч қандай
ўзгариш йўқ, ўзгарувчан қўланка ҳам йўқ.

Ёқуб. 1:17

Исо Масиҳ орқали сизларга берилган Худо инояти
учун сиз ҳақингизда Худойимга тинмай
щукроналар айтаман. Масиҳнинг пайғоми
орангизда кенг ўрин олмоқда. У туфайли сизлар

хар қандай каломда моҳир, билимда бой
бўлдингизлар. Раббимиз Исо Масиҳнинг кўқдан
намоён бўлишини кутар экансизлар, Муқаддас
Рухнинг инъомидан ҳеч бир кам-кўстингиз йўқ.

1 Кор. 1:4-7

16-БОБ

ФАРЗАНДГА ҲАЁТ КАЛОМИНИ АЙТИШНИ ЎРГАТИШ

Кунларнинг бирида ўғлим мактабдан қайтиб келгандан кейин, бир нечта уятли сўзларни айтганини эшитиб қолдим. «Бу беадаб сўзлар, — дедим мен унга. — Агар бундай қилмаслигингни билсанг, сен нега бундай сўзларни айтасан?» «Бизнинг мактабимизда ҳамма шундай дейди», — жавоб берди Кристофер. «Агар бошқалар ёмон иш қилишса, сен ҳам ёмон иш қиласанми?» — сўрадим мен. Шундан сўнг мен кутилмаганда яна бир нечта ҳақорат сўзларини айтдим. Мен бу сўзларни Худо билан учрашишимдан олдин айтардим, аммо бу сўзлардан Муқаддас Рух ёрдамида покланган эдим.

Ўғлим менга кўзлари косасидан чиқиб кетгудай даҳшат ифодаси билан қараб, хитоб қилди: «Ойи! Сиз нима деяпсиз ўзи?» «Ахир бошқа аёллар ҳам шундай дейди-ку, — жавоб қилдим мен. — Хўш, сенга бундай сўзларни мендан эшитиш ёқмайдими?» «Бу даҳшат!» — деди Кристофер. «Биласанми, ўғлим, — давом қилдим мен, — ана шу тилда мен хоҳлаган пайтимда гапира оламан, аммо мен бунини *хоҳламайман*. Менинг сўзларим сени ва сенинг руҳингни ҳақоратлайди. Бундай сўзларни *сен* айтганингда,

улар *менинг* руҳимни ҳақорат қиладилар. Мана энди сен мана шу сўзларни эшитиб, Муқаддас Рух нимани ҳис этишини тасаввур қил. Бизнинг олдимизда иккита йўл турибди: Муқаддас Рухни ўз сўзларимиз билан хафа қилиш ёки уни шарафлаш. Раббий бизни ҳар қандай ҳолда ҳам севади, аммо биринчи ҳолда биз дуо қиламиз, иккинчисида — Унинг ихлоси биздан қайтади».

Ўшандан бери Кристофердан то у ўсмирлик ёшига киргунга қадар мен биронта ҳам ёмон сўз эшитмадим. Ўша куни мен билан ўғлим икковимизнинг ўртамизда яна бир суҳбат бўлиб ўтди. Мен ишонаманки, у буни шу кунгача эсидан чиқармаган.

Бундай вазиятда қўллаган усулим ҳар кимни хижолатга қўйиши мумкинлигини мен тушунардим. Бу менинг ўзимни ҳам хижолат қилди. Мен Худодан, ўша сўзларни айтганимда менга ёпишган нопокликдан тозаланай, деб сўрадим. Аммо бу сўзлар менинг миямдан ҳеч чиқмасди. Мен бу сўзларни фақат уларнинг емирувчи кучини кўрсатиш учунгина айтдим. Мен ҳеч кимга менинг усулимни қўллашни маслаҳат бермайман, мен уни айтадиган сўзларимиз қанчалар кучга эғалигини исботлаш учунгина келтирдим.

Биз атрофимиздаги дунёни ўзимиз яратамиз. Бизнинг сўзларимиз буюк кучга эга, демакки, улар ё ҳаёт, ё ўлимни олиб келади. Муқаддас Китоб бизни шундай

огоҳлантирадики, баъзи бир сўзлар бизнинг ҳаётимизга жуда катта муаммолар ва кўнгилсизликларни олиб келади, бошқалари эса бизни улардан ҳимоя қилади. Сўзлар ҳатто бизнинг ҳаётимизни қутқариши мумкин. Муқаддас Ёзув огоҳлантиради: «Тилини тийган жонини асрайди, тилига эрк берган эса ҳалокатга учрайди» (Ҳикмат. 13:3). Биз Худодан ўзимизнинг оғзимизни ҳам, болаларимизнинг оғзини ҳам ҳимоя қилишини сўрашимиз керак.

«Менинг ҳеч нимама яхши эмас», «Бу кунимдан ўлганимяхшироқ», «Ҳаёт даҳшатли», «Одамлар ёвуз», «Менинг қўлимдан ҳеч нима келмайди» каби Худога ёқмайдиган сўзлар шуни кўрсатадики, бундай сўзлар чиқаётган юрак Муқаддас Рухга тўла эмас, у зулмат билан қопланган. Булар шайтоннинг ишларидир. Агар сиз фарзандингизни ўз нутқини назорат қила олишга ўргатмасангиз, улар болангизнинг ҳаётидаги барча ёвузликларнинг илдизи бўлади.

Муқаддас Китобнинг айтишича, агар биз Худонинг кетидан эргашсак, ҳар бир ўйламасдан айтган сўзимизга жавоб беришимиз керак. Ердаги ҳаётимизда ҳам биз тез-тез шафқатсиз интиқомга дуч келамиз. Ўйлашимча, фақат иродамиз кучи билан осонгина қўлимиздан келадиган иш учун бунчалар қиммат ҳақ тўлаш керак эмас. Ўз оғзимиз билан биз атрофимизга меҳр-муҳаббат, шодлик, тинчлик

ёки аксинча душманликни тарқатишимиз, нафратни чорлашимиз мумкин.

Биз болаларимизнинг оғзидан фақат ҳаёт сўзлари чиқишини хоҳлаймиз. Албатта, бу дегани — фарзандлар ўзларининг салбий туйғуларини яширишлари керак дегани эмас. Фақат улар ифодалайдиган сўзлар уларни Раббийни тушунишга, итоаткорликка, вайрон қилиш учун эмас, балки шифо топиш учун Унинг олдида тавба-тазарру қилишга олиб келади.

Бизнинг фарзандларимиз оғзидан чиқаётган сўзлар уларнинг ўзларига, атрофдагиларга, ўзларининг ҳаёт тарзига салбий таъсир кўрсатганда, биз уларни Раббий сўзига йўналтиришга мажбурмиз, токи улар ундан ҳаёт сўзларини ола билсин. Нутқни ўзгартиришнинг энг яхши усули — бу юракни ўзгартиришдир, чунки «одамнинг дилида нима бўлса, тили ўшани гапиради» (Матто 12:34). Муқаддас Рух ва Раббий Каломи ҳақиқати билан тўлган юракдан Раббийга маъқул бўладиган, шу сўзларни айтаётган, уларни эшитаётган кишига ҳаёт келтирадиган сўзлар чиқади. Бизнинг ибодатимиз айнан ана шундан бошланиши керак.

Ибодат

Эй, Раббий, меинг фарзандим (боланинг исми) фақат Сени шарафлайдиган сўзлар айтиши учун ибодат қиламан. Унинг юрагини Ўзининг Руҳинг, Ўзининг ҳақиқатинг билан шундай тўлдиргинки, токи ундан ўлим сўзлари эмас, балки фақат ҳаёт сўзлари чиқсин. Шундай қилгинки, бўш, ёвуз, ранжитувчи, салбий, ақлсиз ва шафқатсиз сўзларни айтиш васвасаси унинг руҳига таъна бўлиб таъсир қилсин, тавба-тазарруга олиб келсин. Ярамас, ифлос сўзлар унинг нафратини келтиришини, агар қачонлардир унинг тилидан бундай сўзлар чиқса, улар ботқоқликдаги ўтлар сингари фарзандимга жирканч туюлишини сўрайман. Менинг ўғлимга (қизимга) ўз нутқини назорат қила олишни ўргат, токи биронта ўйламасдан айтилган ёки мулоҳазасиз сўз унинг оғзидан чиқмасин.

Менинг ўғлимни (қизимни) ўз тили билан қўйган тўрлардан асра. Сен Ўз Каломингда шундай ваъда бергансан: «Оғзини ва тилини қўриқлаган ўз жонини ташвишлардан асрайди» (Ҳикмат. 21:23). Унга ўз тилини тийишни ўргат, ҳар қандай бахтсизликдан уни ҳимоя қил. Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Ўлим ҳам, ҳаёт ҳам тилнинг ҳукмидадир, бирисини севган мевасини ейди» (Ҳикмат. 18:21). Менинг болам ҳар қандай вазиятда кимга нима дейишини тушунишига ёрдам бер. У фақат умид, шифо, тасалли ва ҳаёт сўзларини айтсин, ҳеч қачон ёмон, тилга олиб бўлмайдиган сўзларни қўлламасин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Сенга маъқул бўлсин Оғзимдан чиққан сўзлар,
Юракдаги ниятларим, эй Эгам, Менинг Қоям,
Нажоткорим!

Забур 18:15

Яхши одам юрагининг яхшилик хазинасидан
яхшилик чиқарур. Ёмон одам юрагининг ёмонлик
хазинасидан ёмонлик чиқарур.

Матто 12:35

Мен сизга дейманки: инсонлар айтадиган ҳар бир
бекор сўзи учун қиёмат кунда ҳисоб берадилар.
Сен ўз сўзларинг асосида ё оқланасан, ёки
айбланасан.

Матто 12:36-37

Ёқимли сўз асал кабидир, жонга роҳат, суякларга
малҳамдир.

Ҳикмат. 16:24

Ўйламасдан айтилган сўз қиличдай жароҳатлайди,
дононинг гаплари эса шифо беради.

Ҳикмат. 12:18

17-БОБ

ФАРЗАНДА ОЛИЙЖАНОБЛИККА ИНТИЛИШНИ УЎҚОТИШ

Покликда ва олийжанобликда яшашга ўрганган болаларнинг юзлари ёруғ, бахтли ва жуда гўзал бўлади. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Хатто ёш болани ҳам хулқидан, тўғри ё поклигини ишларидан билса бўлади» (Ҳикмат. 20:11). Биз болаларимизнинг диёнатли бўлишларини, ахлоқий покликлари туфайли ташқи қиёфалари ҳам гўзал бўлишини хоҳлаймиз. Бунга уларни ўргатиш керак. Болаларимизни Раббий йўлларининг поклигига ўргатишда, Худога содиқликда уларга намуна бўлишимиз керак бўлса ҳам, фақат Муқаддас Рухгина ҳақиқий устоз бўла олиши мумкин. Олийжаноблик Раббийга муҳаббатдан бошланади. Муқаддас Китоб ҳар биримизга насиҳат қилади: «Ўзингни пок сақла» (1Тим. 5:22). Бу кўрсатмани ҳар қандай киши бажариши қийин, айниқса ёш болалар. Буни фақат Раббийга, Унинг қонунига ва муқаддас Рухнинг кучига мутлақо итоат қилиш шарти билангина бажариш мумкин.

Бизлар бошқа жойга кўчиб борганимизда, ўғлим эндигина мактабни тугатаётган эди. Кристофер учун янги жамоага кўникиши қийин бўлди. Бу ҳатто художўй ўсмир

учун ҳам мушкул синов бўлди. Унинг кейинги мактаби унча катта бўлмаган хусусий масиҳийча мактаб эди. Биринчи ҳафта давомида Кристофер барча синфдошлари билан танишди. Бутун синфдагилардан бир бола ажралиб турарди. Унинг исми Сенди бўлиб, у ажойиб спортчи, аълочи ўқувчи эди. Уни бир неча марта турли ютуқлари учун мукофотлашган эди. Аммо Сендининг энг муҳим хусусияти шу эдики, унинг сўзлари ва ишлари унинг Худо олдидаги эҳтиромини, Унинг аҳдларига бўлган ҳурматини ифодаларди.

Бир куни болалар нонуштага йиғилганларида, кимдир одобсизларча ҳазил қилди, ҳамма кулиб юборди, Сендидан ташқари ҳамма болалар кулди. Менинг ўғлим ҳам ҳамма қаторида кулганини тан олди. «Мен янгиман-ку, уларнинг кўзларига ўзга сайёралик бўлиб кўринишни хоҳламадим», — деб оқларди у ўзини уйда бу воқеани сўзлаб бераётиб.

Тез орада Кристофер Сендининг ҳеч қачон беҳаё ҳазилларга кулмаслигини, ҳақоратли сўзларни айтмаслигини сизди. Аммо бунга қарамасдан ҳамма уни яхши кўрарди, ҳурмат қиларди.

Бир куни ота-оналар мажлисидан келиб, мен Кристоферга ўзим мажлисда танишган ажойиб аёл ҳақида сўзлаб бердим. «У ҳаммадан ажралиб туради, — дедим мен. — Унда шунчалар кўп эзгулик, илиқлик, севги борки, у

ҳақиқий Худонинг одами, бундан ташқари унда ажойиб ҳазилкашлик туйғуси ҳам бор. Менбу аёл билан гаплашганимда шунчалар ўзимни яхши сездимки, гўёки биз анча илгаридан танишдек эдик». Мен у аёлни тасвирлаб берганимда, Кристофер хитоб қилди: «Ахир, у Сендининг ойиси-ку!»

«Ие:шунақами?! — жавоб қилдим мен. — Нега мен буни дарҳол пайқамадим-а! Сендининг ота-онаси худди шунақа — руҳий жиҳатдан кучли, жуда художўй, ибодатгўй бўлишлари керак. Болалар ўз-ўзидан Сендига ўхшаган бўлишмайди, улар тарбия натижасида Сендига ўхшаган бўлишади».

Бутун ўқув йили давомида биз бу ажойиб оилани кузатдик, бу оиланинг ҳар бир аъзоси ўта қобилиятли шахс эканлигини кўрдик. Бунинг сабаби нимада? Сабаби — уларнинг ҳаётдаги мақсадлари барчадан фарқ қилиши ёки таассурот қолдиришида эмас, балки Худони чуқур ҳурмат қилиб, Унинг йўлидан — олийжаноблик ва поклик йўлидан юриш истагининг борлигидир.

Ўғлим энди у мактабда ўқимайди, биз энди Сендилар оиласи билан мулоқотда эмасмиз, бизнинг ҳаёт йўлларимиз бошқа-бошқа бўлиб кетди, аммо биз уларни ҳеч қачон унутмаймиз. Уларнинг ибрати бизни янада олий мақсадлар сари интилишга мажбур қилди, бизнинг

ахлоқий меъёрларимиз даражаси ошишига ёрдам берди, покликни қадрлашга бизни ўргатди.

Келинлар, бизнинг фарзандларимиз диёнатли ҳаёт тарзини севишлари учун ибоат қилайлик, токи болаларимиз ёмон ишга қўл ураётганларида, бу ҳаёт магнит каби ўзига тортсин, болаларимиз дарҳол душманни таниб олишсин, васвасани енгитсин. «Чунки Худо бизларни нопокликка эмас, балки муқаддасликка қақирган» (1 Сал. 4:7) деб ёзилган-ку. Худо аҳдлари бўйича яшаш покликни ва инсон шахсининг барқарорлигини кўзда тутди. Ахлоқий поклик — бу ҳақиқий олийжанобликнинг асосидир. Олийжанобликка интилувчи ва Раббийни ахтарувчи болалар доимо Унинг марҳаматига, ҳаётий кучга сазовор бўлишлари муқаррар.

Сенди — Муқаддас Ёзувларнинг жамланмасидир: «Сенинг ёшлигингни ҳеч ким хор қилмасин. Сен сўзда, юриш-туришда, муҳаббатда, имонда, пок руҳда имонлиларга ўрнак бўл» (1 Тим. 4:12). Олийжаноблик ва поклик йўлидан бораётган болалардан ҳам гўзалроқ ҳеч нарса йўқдир. Келинлар, бизнинг болаларимиз уларнинг орасида бўлишлари учун ибодат қилайлик.

Ибодат

Эй, Раббий, бу ибодатимда мен Сендан фарзандим (болангизнинг исми)нинг юрагини Сенга севги билан тўлдиришингни сўрайман. Унинг Сенга интилиши жўшқин ва оташин бўлсин. У Сенинг аҳдларингни ҳурмат қилсин, улар Сенинг аҳдларинг фойдаси борлигини тушунсин, уларни шунга ўргат. Агар у сенинг иродангга бўйсунмаса, ҳаёти муваффақиятли бўлмаслигини фарзандим билсин. Унинг ҳаётига гуноҳ кирмаслиги учун Сенинг таълимотингни ўргансин. Эй Раббий, менинг болам ёвузликни, нопокликни ва олийжанобликнинг кучини ҳис қилсин. У сени ахтариб топсин, Парвардигорим.

Сен Ўз Каломингда шундай дегансан: «Покдил бўлганлар бахтлидир, чунки улар Худони кўрур» (Матто 5:8). Чин юракдан чиқадиган диёнат билан яшаш истаги менинг боламнинг барча ишларида, ташқи кўринишида ўз аксини топсин. Эй Раббий, боламнинг кийимлари, сочи, юз ифодаси, умумий ташқи кўриниши Сенга бўлган иззат-ҳурматидан, Сени шарафлаш истагидан дарак берсин.

Агар менинг ўғлим (қизим) қачонлардир олийжаноблик йўлидан четга чиқса, уни тавба-тазарру қилдир, унинг юрагини, ҳаётини тозала. Менинг боламга диёнатли ҳаёт Сенинг марҳаматингни олиб келишини, Сени кўришдек Олий ҳадыга сабаб бўлишини тушунишга ўргат.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Ким чиқиши мумкин Эгамнинг тепалигига? Ким туриши мумкин Унинг муқаддас маконида? Қўли ҳалол, қалби тоза инсонлар, Сохта нарсаларга кўнгили қўймаганлар, Ёлғондакам оғти ичмаганлар. Эгамиздан улар барака топар, Нажоткор Худойим уларни оқлар.

Забур 23:3-5

Катта бир уйда нафақат олтин ва кумуш идишлар, балки ёғоч ва сопол идишлар ҳам бор; уларнинг баъзиси шарафли, баъзиси эса шарафсиз иш учун қўлланади. Кимки бу ёмонликлардан ўзини покласа, Эгаси учун фойдали, ҳар бир яхши ишга яроқли, шарафли ва муқаддас идиш бўлади.

2 Тим. 2:20-21

Мендаги ҳосил бермайдиган ҳар бир новдани У кесиби ташлайди. Ҳосил берадиган ҳар бир новдани эса, яна кўпроқ ҳосил берсин деб, хомтоқ қилиб тозалайди.

Ин. 15:2

Ўша ердан катта йўл ўтади, Муқаддас Йўл деб аталган йўл бўлади. Нопоклар у йўлдан ўтмайди, Бу йўл уларникидир. Бу йўлдан юрадиганлар, ҳатто нодонлар ҳам адашмайди. Ўша ерда шер бўлмайди. Йиртқич ҳайвон юрмайди. Уларнинг биронтаси у ерда топилмайди, Ҳа, фақат нажот топганлар ўша ерда юради. Эгам қутқарганлар қайтиб келади, Улар қўшиқ айтиб Қуддусга киради. Абадий шодлик бошларида тож бўлади, Шод-хуррамлик уларни қамраб олади, Қайғу, ғамлар йўқ бўлиб кетади.

Ишай 35:8-10

Шундай насл борки, ўзининг назарида пок, лекин ифлослигидан тозаланмаган.

Ҳикмат. 30:12

18-БОБ

ФАРЗАНДЛАР ХОНАСИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Менинг фарзандим ўн бир ёшда экан, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, бирон сабабсиз уйқусида қўрқинчли тушлар кўриб, безовта бўла бошлади. У жангари фильмларни кўрмасди, ўша пайтда у билан ҳеч қандай ғайри оддий воқеа ҳам содир бўлмаган эди. Биз бу ҳақда Кристофернинг ўзи билан бир неча марта ибодат қилдик, аммо қўрқинчли тушлар уни ҳамон тарк этмас эди.

Бир куни эрталаб мен Худодан бу ҳодисанинг сирини сўраганимда, ўғлимнинг хонасига кириш учун тўсатдан ўзимда кучли истакни сездим. «Эй Раббий, агар Кристофернинг хонасида ортиқча нарса бўлса, уни менга кўрсат», деб сўрадим мен. Ўша заҳотиёқ оёқларим мени компьютер ва ўйинли дисклар турган стол ёнига бошлади. Мен кўлимга тушган биринчи дискни олиб қарадим, уни Кристофер жамоатдаги дўстларининг биридан вақтинчаликка олган эди. Дискнинг устидаги қутисидан ҳеч қандай ғайри оддий белги йўқ. У болалар ўйнайдиган бошқа саргузаштли ўйинлар қутисидан ҳеч нимаси билан фарқ қилмас эди. Уни очиб, ичидан йўл-йўриқ кўрсатилган қўлланмани топдим. Олдинига мен ҳеч бир шубҳали нарса кўрмадим, аммо қоғознинг орқасини ўгириб, унда жирканч

шайтон рамзига кўзим тушди. Мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Кейин: «Эй Раббий, Сендан миннатдорман», дедиму дарҳол дискни ўғлимнинг хонасидан олиб чиқиб кетдим.

Агар бу ўйинли диск ўғлимники бўлганида, мен уни ҳеч иккиланмай йўқ қилган бўлардим. Аммо мен ўша зоҳатиёқ диск эгасининг ота-онасига телефон қилдим, уларга бўлган воқеани сўзлаб бердим. Улар ҳам жуда ҳайрон бўлишди, чунки бу ҳақда ҳеч нарса билишмас экан. Кристофер мактабдан қайтганда, мен унга ўзим топган нарсам ҳақида айтиб бердим. У ўзи ҳам ҳали бу қўлланмани охиригача ўқиб чиқмаганини, унда нима борлигини билмаслигини айтди. У ҳеч иккиланмасдан ўйинни эгасига қайтаришга қарор қилди.

Биз эрим билан кечқурун ўғлимизнинг хонаси деворларига зайтун мойи суртдик, ибодат қилиб Худодан хонани тозалашини сўрадик. Биз Муқаддас Китобдан олинган сўзларни эсдан чиқармаган эдик: «Унинг бўйинтуруғи бўйнингиздан олиб ташланади, бўйинтуруқ йўқ қилинади» (Ишаё 10:27). Муқаддас Китобда одамларга муқаддас ёғ суртилиши ҳақида тез-тез ёзилса ҳам, одамлар яшайдиган хоналарга ҳам зайтун мойи муқаддас қилиш мақсадида суртилиши айтилади. Масалан, «Кейин муқаддас қиладиган мойни олиб, чодирга ва унинг ҳамма ашёларига суртиб чиқиб, Менга бағишла. Шунда чодир

муқаддас бўлади» (Чиқиш 40:9). Душмандан қолган асоратнибутунлай йўқ қилиш ва ўғлимизнинг хонасини куфрликдан поклаш мақсадида биз эшик тавақалари ва кесакиларига ёғ суртдик, Худодан бўлмаган барча нарсани ҳайдаш мақсадида хонага Муқаддас Рухни таклиф қилдик.

Биз тўғри йўл тутганимизга Кристофернинг тунги қўрқинчли тушлари изсиз йўқолгани далил бўла олади, гўёки қўрқинчли босинқиришлар ҳеч бўлмагандай.

Ҳар қандай уй, айниқса болалар хонаси вақти-вақти билан покланишга муҳтож. Муқаддас Китобда айтилишича, агар биз уйимизга жирканч бирон нарса олиб кирсак, бу билан уйни вайрон қилган бўламиз. Турли нохуш воқеаларнинг олдини олиш мақсадида ҳам уй-жойга ёғ суртишни вақти-вақти билан ўтказиб туриш керак, аммо сиз болангизнинг хулқида салбий томонга ўзгаришни сезсангиз — у қўрқоқ ёки қўпол, жаҳли тез ёки ғамгин, ёки одамови бўлиб қолса, хулқи кишининг ғашига тегса ёки уни қўрқинчли тушлар қийнаса, боланинг хонасида ибодат қилишнинг ўзи ҳамма нарса тез орада яхши томонга ўзгариши учун етарлидир. Масиҳийча қўшиқларни, ҳамду сано мадҳияларини куйлаш, сажда қилиш жуда тез таъсир қилади. Мен ўз болаларимда ана шулардан сўнг ижобий ўзгаришлар юз берганини тасдиқлайман.

Мен ўн олти ёшли ўғилларини ичкиликбозлик, гиёҳвандлик, оккультизмнинг тобелик тўрига алдаб

туширган душманга қарши оғир кураш олиб боришларига тўғри келган эру-хотин билан танишман. У мактабдалик пайтида ота-онаси унинг хонасида сажда мадҳияларини куйлашарди. Натижада итоатсизлик Руҳи енгилди, бола яна хотиржам ва художўй бўлиб қолди.

Сиз болангизнинг хонасида ибодат қилганингизда Худони шарафламайдиган барча нарсаларни хонадан чиариб ташланг: афишаларни, китобларни, журналларни, суратларни, расмларни, ўйинларни, кийимларни, қисқаси даҳрийлик белгиси бор барча нарсани ёки ичкиликбозлик, гиёҳвандликка алоқадор нарсаларни. Бу борада фарзандингизга меҳр ва чидам билан ҳаракатларингиз маъносини, Раббий бунга қандай муносабатда бўлишини, Худо Ўз Каломида бу ҳақда нима деганини тушунтиришни эрдан чиқарманг. Агар имкони бўлса, болангизнинг ўзига ножўя нарсаларни чиқариб ташлашни таклиф қилинг. Болага, хонани Худони ҳақоратлайдиган бундай нарсалардан тозалаш сенинг хотиржамлиги учун зарурдир, шундан кейингина сен Худонинг марҳаматига сазовор бўласан, деб тушунтириш керак. Кейин болангизнинг хонасида ибодат қилинг, Худодан уни поклашни сўранг. Мен ана шундай ибодатлар натижасида ажойиб ўзгаришлар содир бўлганини кўрганман.

Уларда хурофотдан асар ҳам йўқ, аксинча, бу ибодатларда сиз уйингиз, болангиз ва унинг ҳаёти Раббийга

бағишланганини тасдиқлайсиз, холос. Сиз шундай дейишингиз керак: «Агар Унга хизмат қилишни маъқул кўрмасангиз, кимга хизмат қилишингизни бугун танланг» (Ёшуа. 24:15). Бу — сизнинг уйингиз муқаддаслаштирилганини ва Раббий шарафи учун безатилганини билдиради.

Ибодат

Эй, Раббий, Сенинг Муқаддас Руҳингни ўғлим (қизим) яшаётган хонага таклиф қиламан. Сен осмоннинг ва ернинг Хукмдорсан, мен Сени ана шу уйнинг Хўжайини деб эълон қиламан. Ўзингнинг нуринг билан уни муқаддас қил. Менинг боламнинг хонасига ўрнашиб олмоқни истаган ҳар қандай зулматни ҳайдаб чиқар, токи унинг хонасида кўрқув, ғам-қайғу, ғазаб, шубҳа, ҳаяжон, қарама-қаршилик ва нафрат руҳига жой бўлмасин (болангиз хулқида намоён бўлган бошқа салбий хусусиятларни сананг). Мен бу хонанинг эшиклари доимо Сендан бўлмаган ҳамма нарсага ёпиқ бўлиши учун ибодат қиламан, ё Раббий. Агар бу ерда бўлиши керак бўлмаган бирон нарса бўлса, уни менга кўрсат, токи мен уни бу жойдан йўқотай.

Ёвузлик ўғлим (қизим)нинг хонасига қира олмаслиги учун у ерни Ўзингнинг ҳимоя деворинг билан ўраб ол. Бу хонани Ўзингнинг меҳринг, тинчлигинг ва шодлигинг билан тўлдир. Мен Сендан ўғлимнинг дилига Довуднинг сўзларини солишингни ўтиниб сўрайман:

«Пок юрак ила ўз уйимда умр кечирурман.
Кўз олдимда ҳар турли жирканч нарсага йўл қўймасман.
Қинғир иш қиладигандан нафрат этарман,
Улар билан менинг ишим бўлмас» (Забур 100:2-3).

Эй Раббий, Сендан илтимос: боламнинг хонасини Сенинг шуҳратинг билан муқаддаслашган пок жой қилгин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Жирканчли нарсани уйингизга олиб кириб, сизлар
хам ўшалар каби ҳаром бўлиб қолманглар, ўша
нарсалардан нафратланиб, жирканинглар, чунки
ўша нарсалар ҳаромдир.

Қонун. 7:26

Покланг, тозаланг ўзингизни, Кўз олдимдан
йўқотинг Қабиҳ қилмишларингизни, Қабиҳликни
энди бас қилинг.

Ишә 1:16

Эй севикли биродарларим, Худо бизга бундай улдуғ
ваъдаларни берган экан, бадан ва руҳимизни
булғовчи ҳар қандай мурдорликдан ўзимизни

тозалаб, Худодан қўрқиб яшаб, бутунлай муқаддас
бўлайлик.

2 Кор. 7:1

Раҳм қилгин менга, эй Худойим, Содик севгинг,
чексиз шафқатинг ила Шаккоклигимни ўчириб
ташлагин. Ювиб ташла барча айбларимни,
Поклагин гуноҳларимдан.

Забур 50:3-4

Фосиқнинг уйи Эгамизнинг лаънатига, солиҳнинг
уйи эса қут-баракага тўлади.

Ҳикмат. 3:33

19-БОБ

ФАРЗАНД ҚЎРҚУВДАН ХАЛОС БЎЛИШИ УЧУН ЁРДАМ БЕРИШ

Ёшлигимдан бошлаб мени қўрқув таъқиб қиларди, чунки мени руҳан бетайин онам тарбиялаган эди. Унинг довдир-совдир ахлоқи ва тажовузкор хулқи мени доимо ҳаяжонга соларди. Улғайиб, Масихга келганимдамен қўрқувнинг *ҳақиқий* сабабини билиб олдим, у билан курашишни ўргандим. Ўз болаларим учун руҳий курашда ҳам мен худди шу йўлни танладим.

Лос-Анжелесда биз зилзилаларни, ёнғинларни, сув тошқинларини, кўча тартибсизликларини ва авж олган жиноятчиликни кўрдик. Ана шундай шароитларда қўрқув бизнинг ҳаётимизни осонгина издан чиқариши мумкин эди. Албатта, агар биз унга таслим бўлганимизда эди. Аммо унга қарши бизнинг доимий қуролимиз бор эди: бу — Худодан ҳимоя талаб қилинган доимий ибодатлардир. Мен болаларимнинг кўзларида қўрқувни сезишим биланоқ, бутун оиламиз билан ибодат қилишни, Муқаддас Китобни ўқишни ва мадҳиялар куйлашни бошлардик. Ўша жойлардан кетгандан сўнг биз анча хотиржам бўлдик, аммо шунга қарамасдан, биз ўша пайтларда олган сабоқларимизни эсдан чиқармадик —

улардан энг муҳими — ҳар қандай инсоннинг юрагидаги кўрқувни мукамал Раббий севгиси қувиб чиқаришга қодирдир.

Биз қачонки Худо бизни асрашга ва ҳимоя қилишга қодир эканлигига ишонмай қўйсак, ўша заҳотиёқ кўрқув дилимизни эгаллаб оларди. Кўрқув болаларни осонгина енга олади, чунки улар ҳали нима ҳақиқат, нима ёлғон эканлигини мустақил ажрата олмайдилар. Биз севги, қўллаб-қувватлаш, тасалли берадиган сўзларни гапириб уларга *ёрдам беришимиз* мумкин. Аммо кўрқувдан *халос бўлишнинг* ягона йўли — Худонинг севгиси ва кучига ишонч, мақтов билан айтилган Раббий Каломини қуйлайдиган ибодатдир.

Исо бир куни шогирдлари билан денгиз сафарида бўлганда, тўфон кўтарилди. Шунда У Ўз шогирдларининг саросимага тушганларини кўриб шундай сўзлар билан мурожаат қилди: «...Ҳой имони суслар, бунча кўрқоқ бўлмасангиз?» (Матто 8:26).

Исо худди шогирдлари каби бизнинг ҳам ишонишимизни хоҳлайди: агар бизнинг ҳаёт қайиғимизда У биз билан бирга бўлса, қайиқ ҳеч қачон чўкмайди.

Аммо баъзида ваҳима жуда оғир юк бўлиши мумкин. У бола қалбини шундай кишанлаб оладики, ҳеч қандай сўз, ҳеч қандай иш ёрдам бера олмайди. Бу болани кўрқув руҳи таъқиб қилаётганидан дарак беради. Аммо Муқаддас Китоб

қўрқув руҳи Худодан эмас, балки бизнинг қалбларимиз душманидан келаётгани ҳақида аниқ гапиради.

Ота-оналар қўрқув руҳига қарши тура олишлари учун Исо Масихдаги куч ва қувватга эгадирлар. Даҳшат *бизнинг устимиздан* ҳукмронлик қила олмайди, аммо биз *унинг устидан* ҳокиммиз. Исо бизга барча душман устидан ҳокимлик қилиш иқтидорини берди (қаранг: Лука 10:19). Бунга сиз ҳеч шубҳа қилманг. Агар узоқ вақт давомида сиз хотиржамликка эриша олмасангиз, бир нечта масихийлардан, мен билан бирга ибодат қилсангиз, деб илтимос қилинг. Чунки Худо номи билан иккита ёки учта имонлилар йиғилган жойда, албатта Раббий ҳам уларнинг ўртасида бўлади (қаранг: Матто 18:20). Қўрқув руҳи Худо бор жойда ҳеч ҳам бўла олмайди.

Исо биз билан бирга бўлганлиги сабабли, бизнинг болаларимиз қўрқувда яшашга рози бўлмасликлари керак.

Ибодат

Эй, Раббий, Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Эгамга юз бурдим, У жавоб берди, Ҳамма қўрқувлардан У халос қилди» (Забур 33:5). Сен мени эшитаётганингга ишониб, ушбу кун Сендан илтижо қиламан: Менинг фарзандим (болангизнинг исми) ҳаётига хавф солаётган ва уни ютиб юбормоқчи бўлаётган хавфдан қутқар. Муқаддас Китобда ёзилишича: «Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-

қувват, мухаббат ва нафсни тийиш Рухини берган» (2 Тим. 1:7). Менинг ўғлим (қизим) қалбини Ўзингнинг севгинг билан тўлдир, унинг юрагидан қўрқув ва шубҳани қувиб ташла. Доимо у Сенинг қўрқувдан ва хатарлардан халос қилувчи эканлигингни сезиб турсин. Менинг боламни ҳамма нарсада фақат Ўзингга суянишга ўргат. Шайтон борлигини билиши учун, ёлғонни фош қила олиши учун, фарзандимга ўткир ақл бер.

Қўрқув асосли бўлган пайтларда, унга донишмандлик ато эт, уни ҳимоянгга ол, Ўзингга жалб қил. Фарзандимқўрқувларидан кўзини юмиб кетишига йўл қўйма, у қўрқувлари ҳақида ва улардан қутулишни сўраб ибодатларида Сенга мурожаат қила олишга ўргат. Бундай ҳолларда Сенинг севгинг унинг ҳаётига кириб келиб, ундан ҳар қандай ваҳима руҳини сиқиб чиқаришини Сендан сўрайман. Менинг фарзандим Сенинг Каломингни юрагига жо қилсин, имон унинг қалбидан мустаҳкам ўрин эгалласин.

Эй Раббим, бизни барча қўрқувлардан қутқариш ҳақидаги ваъданг учун сенга шукроналар айтаман. Менинг боламни ҳар қандай қўрқувлардан бугуннинг ўзидаёқ халос қилишингни Исо Масиҳ номи билан сўрайман.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

О, нақадар буюқдир сенинг яхшилигинг! Ўзингдан қўрққанларга уни сақлаб қўйгансан, Сенда паноҳ топганларга ҳадя қиларсан, Ҳамманинг кўз олдида инъом қиларсан.

Забур 30:20

Сен эмасмидинг денгизни қуритган — ғоят тубсизликдаги сувларни қуритган?! Денгиз тубини йўл қилган ким Қутулганлар ундан ўтсин, деб?!

Ишә 41:10

Сени У патлари остига олур, Унинг қанотлари остида паноҳ топурсан, Садоқати билан сенга қалқон, девор бўлар. Шунда қўрқмассан туннинг ваҳимасидан, Қўрқмассан кундузи учган ўқдан, Зулматда билдирмай келадиган вабодан, Қоқ пешинда қирғин келтирувчи ўлатдан.

Забур 90:4-6

Эгам нурым ва нажотимдир, Кимдан мен қўрқардим?! Эгам ҳаётимнинг қалъасидир, Ким мени қўрқита олар?!

Забур 26:1

Ўлим тўрлари мени чирмаб олганди, Бало-қазо
селлари даҳшат-ла босиб келганди, Ўликлар
диёрининг тўрлари мени ўраб олганди, Ўлим доми
қаршимда пайдо бўлганди. Эгамга илтижо қилдим
кулфатда қолганимда, Ҳа, нола қилдим Худойимга.
Овозимни эшитди У Маъбадидан туриб, Оху
нолам етиб борди қулоғига.

Забур 17:5-7

Севгида қўрқув йўқ, аксинча, комил севги қўрқувни
қувиб чиқаради. Қўрқоқ кишида севги камолотга
етмаган, чунки қўрқув жазо тушунчаси билан
боғлиқдир.

1 Юҳ. 4:18

20-БОБ

ФАРЗАНДГА СОҒЛОМ ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИ ҚАНДАЙ СИНГ ДИРИШ МУМКИН

Фарзандингиз ақлини жалб этиш учун шайтон қўлидан келган ҳамма ишни қилади. Аммо бахтимизга, унга қарши зарба бера олиш сизнинг қўлингиздан келади. Агар болангиз ҳали ёш бўлса, у нимани кўраётганини, нимани эшитаётганини, нима ўқиётганини назорат қилишингиз мумкин. Аммо сизнинг энг муҳим кучингиз — ибодатингиздадир. Шунинг учун ҳатто болангиз катта бўлса ҳам, у ҳар куни сиз билан бирга бўлмаса ҳам, сиз унинг ақли ҳар доим ўткир ва тиниқ бўлиши учун ибодат қилишингиз мумкин.

Биз Исони ўз ҳаётимизга таклиф қилиб, унинг Муқаддас Руҳи билан тўлган пайтимизда, барча марҳаматлардан ташқари ҳеч қаерда ва ҳеч қачон топиб бўлмайдиган ҳадяни — соғлом ақли оламиз. Бу бизга Масиҳ ақли ҳадя қилинганидан дарак беради. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Исо Масиҳ қандай фикрга эга бўлса, сизлар ҳам ўзаро худди шу фикрга эга бўлинглар...» (Флп. 2:5). Фақат Исо бизни бошқаргандагина, бизнинг ақлимиз

эса ўзимизнинг ҳар бир фикримизни Унга итоаткорлик билан тобе қила олсагина янгилансак, биз дунё васвасаларига қарши тура оламиз.

Менинг онам бутун умри давомида — ёшлигиданто 67 ёшида қазо қилгунга қадар руҳий хасталиқдан азоб чекди. Мен ўз кўзим билан беҳуда хаёллар дунёсида яшап, ўз фикрларини назорат қила олмаслик нима эканлигини кўрдим. Мен ҳозир ҳам бу ҳақда хотиржамлик билан эслай олмайман. Худога ишониб на мен ўзим, на менинг болаларим бундай кунларни бошларидан кечирмасликлари учун мен ибодат қила бошладим. Ваҳимага тушган дақиқаларимда мен қайта-қайта такрорлар эдим: «Худо бизга қўрқоқлик руҳини эмас, балки куч-қувват, муҳаббат ва нафсни тийиш Руҳини берган» (2 Тим. 1:7).

«Худо бизга *ўткир ақл* берди, — қайта-қайта такрорлардим мен. — У худди шундай *ўткир ақл*ни менинг ўғлим ва қизимга ҳам берди. Бундан камига мен ҳеч қачон рози бўлмайман».

Руҳий касалликлар доим ҳам авлоддан-авлодга ўтмайди. Бизнинг фарзандларимизни руҳий касалликлардан азоб чекишини ёки ҳиссий жиҳатдан енгилтак бўлишларини Худо назарда тутмаган.

Ақлнинг ҳолати, энг асосийси, унинг эгаси нима ҳақда ўйлаши билан белгиланади. Агар унинг боши бекорчи,

дунё муммолари билан тўлган бўлса, унда унинг фикрлари алкаш-чалқаш бўлади, ўз туйғуларини назорат қила олмайди; агар инсон Худо ҳақида, айниқса, Унинг Каломи ҳақида ўйласа, унинг ақли доимо ўткир бўлади, юрагида эса хотиржамлик ҳукм суради. Муқаддас Китоб шундай дейди: «...Чунки Худо тартибсизлик Худоси эмас, тинчлик Худосидир» (1 Кор. 14:33). Бизнинг ота-она сифатидаги энг асосий мажбуриятимиз — фарзандларимиз қалбида Раббий сўзи яшашидан иборатдир, шундагина уларнинг ақллари ўткир бўлади, бизнинг қўрқувларимиз эса тарқаб кетади.

Худо бизга соғлом фикрлай олиш қобилиятини ато қилган. Демак, биз ками билан қониқишимиз керакми? Келинглар, Худодан айнан шу ҳадяни сўрайлик.

Ибодат

Эй, Раббий, бизга тиниқ ва ўткир ақл беришни ваъда қилганинг учун Сендан миннатдорман. Менинг фарзандимга (болангизнинг исми) ўткир, соғлом, уздабурон ақл беришингни Сендан сўрайман. Мен фарзандим қалбида ҳеч қандай чалқаш, ғамгин, салбий фикрларга ўрин бўлмаслиги учун ибодат қиламан, токи унинг ақли оғир юк билан оғирлашмасин. Фарзандимга ҳар қандай вақтда ҳам аниқ фикрлаш қобилиятини ато қил. Уни тўғри қарор қабул қилишга, тўғри тушуниш керак бўлган барча нарсани

тушунишига, ўз фикрини энг асосий нарсга тўғрисида жамлай олишни ўргат. Агар фарзандимнинг мия фаолиятида қандайдир камчиликлар бўлса ёки бирон ғайри табиийлик бўлса, мен Сендан Исо номи билан шифо беришингни илтимос қиламан. У «...янги фикрга, руҳга эга бўлсин» (Ефес. 4:23) ва «Масиҳнинг фикрига» ҳам эга бўлсин (қаранг: 1 Кор. 2:16).

Менинг фарзандим Раббийни бутун қалби билан севиб қолишини сўрайман, токи унинг бошида иблисона ёлгонга жой бўлмасин. Сенинг Каломинг унинг юрагидан мустаҳкам ўрин олсин, нима ҳақиқий, нима мўътабар, нима тўғри, нима соф, нима ёқимли, нима фахрли бўлса, қандайдир бир фазилат, қандайдир мақтанарли хислат бўлса шуларни боламга ато қил (қаранг: Флп. 4:8). У ўзининг ақлига кирувчи барча нарсалар ўзининг бир қисми бўлишини тушунсин, кўраётган, эшитаётган нарсаларга синчковлик билан баҳо беришни ўргансин.

Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Сен мукамал - дунёнда қатъий руҳни асрайсан, зеро у Сендан умид қилади» (Ишаё 26:3).

Менинг фарзандим қалбида Сенга ишонч бўлишини ва Сенинг Каломинг доимо у соғлом фикрловчи ва вазмин бўлиши учун қадрланишини Сендан ўтиниб сўрайман.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Бу дунёга уйғунлашманглар. Худонинг яхши,
манзур, комил иродасининг нима эканини
фаҳмламоқ учун фикрингизни янгилаш орқали
тубдан ўзгаринглар.

Рим. 12:2

Ҳеч нарсадан ташвиш қилманглар, лекин ҳар доим
ибодатда ва илтижода бўлиб, ҳар бир
тилагингизни Худонинг олдида миннатдорчилик
билан изҳор қилинглр.

Флп. 4:6-7

Бизнинг жангдаги қурол-аслаҳамиз башарий эмас,
балки қалъаларни яқсон қилиш қудратига эга
бўлган руҳий аслаҳалардир. Биз Худонинг қудрати
билан сафсаталарни барҳам берамиз, Худо
билимига қарши бош кўтарган ҳар қандай баланд
иддаони қуритиб юборамиз. Ҳар қандай фикрни
Масихга бўйсундириб асир қиламиз.

2 Кор. 10:4-5

Башарий табиатнинг мурод-мақсади — ўлимдир.
Илоҳий Руҳнинг мурод-мақсади — ҳаёт ва
тинчликдир.

Рим. 8:6

Шундай экан, мен Раббимиз номидан сизларга
қаттиқ буюраман: бундан буён ўзга халқларнинг
бемаъни ўй-фикри билан яшаманглр. Уларнинг
зеҳнлари ўтмаслашган. Улар жаҳолатда қолиб,
юракларини ёғ босган. Шунинг учун Худо берган
ҳаётдан маҳрум қолганлар.

Ефес. 4:17-18

21-БОБ

ФАРЗАНДГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ РАББИЙДАН ҚУВОНЧ ТОПИШНИ ЎРГАТИШ КЕРАК

Кунларнинг бирида менинг олдимга бир ўсмир қиз бола келди, у жуда ғамгин эди. Бир соат давомида у йиғлай-йиғлай ўзининг аччиқ ҳаёти, ўзини-ўзи ўлдириш фикригача олиб келган даҳшатли умидсизликлар ҳақида сўзлаб берди. Мен унинг ҳикоясини тингладим, кейин эса барча бахтсизликлар ва уни эзиб турган ташвишлар ҳақида ибодат қилдик, мен Худодан унга «қул ўрнига...тақинчоқ, йиғи ўрнига — қувонч, ғамгин руҳ ўрнига ажойиб кийим-бош...» сўрадим (қаранг: Ишаё 61:3).

Биз ибодатни тугатганимиздан сўнг, унинг юзидаги ўзгаришни кўриб ҳайратга тушдим. Унинг юзидаги ғамгин ва маъюс ифода нур сочаётган хотиржам гўзаллик билан алмашди. Шодлик ва қувонч руҳи унинг юрагидан ўрин олди. Энди менинг қаршимда бутунлай бошқа одам турарди. Ўша вақтдан бери бу қиз яшнаб кетди, унинг энди жуда кўп дўстлари бор.

Бахтга қарши, жуда кўп ўсмирлар руҳан тушқунликдан азоб чекадилар. Аммо энг ёмон тушқунлик болаларимиз катта бўлганларида ҳам таъқиб қилади. У болаларимизга

тинч яшашга халақит бериб келади, бошқалар билан муносабатларини бузади, соғликларига зарар етказади, ҳатто уларнинг Худога бўлган муносабатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Аммо бундай бўлмаслиги керак. Инсон ўтмиши қандай бўлишидан қатъий назар, у тушқунликда қолмаслиги, ёки доимо ёмон кайфиятда бўлмаслиги керак. Фарзандингизнинг ғам-қайғуга тушишига, оғир хулқли инсон бўлишига йўл қўйманг. Сизнинг ибодатингиз унга шифо берсин.

Қай бир одам ўзида салбий туйғуларни сақлаши, қайси одамнинг қалбида эса қувонч ҳукмрон эканлигини бирпасда билиб олса бўлади. Айниқса, болаларда буни осонгина кўриш мумкин, чунки улар ҳали катталардай ўз туйғуларини яширишга ўрганмаганлар.

Болангизга диққат билан қаранг: унинг чехрасида сиз қандай ифодани тез-тез учратасиз? Хотиржамлик, бахт ва шодлик туйғулариними? Ёки хафалик, умидсизлик, ғазаб, қайғу ва кўнгли тўлмаслик туйғулариними? Унда ҳеч қандай сабабларсиз ёмон кайфият бўладими? Қизингиз ёки ўғлингиз ўз маъюслигининг сабабини тушунтириб бера олмаган пайтлар бўлганми? Ана шундай маъюс, тунд кайфият фарзандингиз учун шерга айланмасдан чора изланг. Агар биз ўз ибодатларимиз билан салбий

туйғуларга қарши турмасак, улар болаларимиз қалбини бутунлай эгаллаб олади.

Сизнинг фарзандингиз ҳеч қачон салбий туйғуларни ва қалб оғриғини сезмаслиги керак, демоқчи эмасман. Мен айтмоқчиманки, салбий туйғулар болангиз қалбида ҳукмрон бўлмасин: биз Раббийга қарашимиз керак, чунки У «Ўзи танлаб олган халқини шодиёнаю тантаналар ила озодликка чиқарди...» (Забур 104:43). Агар биз Ундан ибодат қилиб сўрасак, У бизнинг болаларимизни ҳам олиб чиқади.

Ибодат

Эй, Раббий, мен фарзандимга Ўзингнинг шодлигингни ҳадя қилишингни сўрайман. Унинг юрагида Сенга бўлган ишонч ҳозирдан бошлаб ўссин, у Сендан келувчи шодликнинг бутун кучини сезсин. У ҳақиқий бахтни фақат Сенгина бера олишингни тушуниб етишига ёрдам бер.

Агар салбий ҳис-туйғулар уни безовта қилса, Ўзингнинг Севгинг билан фарзандимни ҳимоя қил. Шунда у Ёзувлардаги қуйидаги оятни эласин: «Эгамнинг яратган кунидир бу, Ундан шод бўлиб севинаялик!» (Забур 117:24). Менинг фарзандимни умидсизликдан, тушкунликдан, кўнгил совишдан, ғазабдан ёки қотиб қолишдан қутқар. У ҳеч қачон салбий ҳис-туйғуларга берилмасин. У доимо юрагида ушбу

сўзларни такрорлаб юрсин: «Менинг жоним Худодан масрур бўлур, У берган нажотдан кўнглим қувонур» (Забур 34:9).

Эй Раббий, менинг фарзандим ҳис қиладиган барча салбий туйғуларСенинг таълимотингга қарши эканлигини мен биламан. Ўзингнинг Каломингни менинг ўғлим (қизим) юрагида мустаҳкамла, унинг эътиқоди кундан-кунга ўссин. Фарзандимни Ўзингнинг севгингга ишонишга ўргат, Сендан бугун ҳам, бундан кейин доимо шодлик топиб, руҳан чиниқсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Мен Отамнинг амрларига амал қилиб, Унинг муҳаббатига содиқ қолганман. Худди шу сингари сизлар ҳам, агар Менинг амрларимга амал қилсангизлар, муҳаббатимга содиқ қоласизлар. Менинг шодлигим сизларга ўтсин ва кўнглингиз қувончларга тўлсин деб, Мен бу сўзларни сизларга айтдим.

Юҳ. 15:10-11

Менга ҳаёт сўқмоғини Ўзинг кўрсатурсан,
Хузурингда шодлик мени қамраб олади, Менга
боқий хузур-ҳаловатни Сен берурсан.

Забур 15:11

Умид манбаи бўлган Худо эса Муқаддас Рух кучи
ила сизларни умидга бой қилсин, имонингизга
яраша сизларни ҳар хил севинч ва тинчлик билан
шод қилсин.

Рим. 15:13

Эгамнинг ғазаби бир лаҳза давом этар, Лутфу
карами бир умр тугамасдир. Шу боис тун бўйи
йиғлаб чиқсак ҳам, Эрталаб шод бўлармиз.

Забур 29:6

Эгамда улуғ шодлик топаман, Худойим билан
қалбим жўшади, Куёвга тож кийдирганларидай,
Келинни зеб-зийнат билан безаганларидай, Нажот
либоси билан у мени ўради, Тўғрилиқ кийимини у
менга кийдирди.

Ишай61:10

22-БОБ

ЎТМИШ ЛАЪНАТЛАРИНИ ҚАНДАЙ ЙЎҚ ҚИЛИШ МУМКИН

Биз ўз ота-онамизнинг ташқи кўринишларини ўзимизга мерос қилиб олишимизни ҳамма билади, масалан, онанинг кўзларини ёки отанинг бурнини, ёки бувининг сочлари рангини. Аммо биз ота-оналаримизнинг феъл-атворини ҳам мерос қилиб олишимизни сиз биласизми? Масалан, ёмон хулқ, бахиллик, ўзгаларни кечира олмаслик, ўз ўзини яхши кўриш ва мағрурлик, ёлғончилик ва тушқунлик иллатлари. Бу ва бошқа руҳий илдизга эга ёмон иллатлар ота-оналаридан фарзандларига ва невараларига ўтиши мумкин. Баъзи бир оилаларнинг тарихида шуни кўриш мумкинки, бир нечта авлодлар бир хил муаммоларга дуч келадилар, масалан, оилада мустаҳкам муносабатларни ярата олмаслик, эру хотинлар ўртасидаги бевафолик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, гиёҳвандлик, ўз жонига қасд қилиш ёки тушқунликка тушиш. «Хўп, энди нима қила оламан, шундай туғилганман-да», деб ўзларини оқлашга ҳаракат қиладилар.

Ота-онанинг бола тақдирига таъсири ҳақида гапирадиган бўлсак, Муқаддас Китобда Худо «уларнинг

гуноҳлари оқибатларини болаларига, набираларига ва чевараларига олиб келаман», деб айтган (қаранг: Чиқиш 20:5). Ушбу мисраларда Худони севмайдиган кишилар ҳақида сўз юритилган. Шундай бўлса ҳам, баъзида имонли ота-оналар ҳам гуноҳ йўлига тушиб қолишлари мумкин. Бу эса уларнинг болаларида жуда жиддий тарзда акс этади.

Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Шундай қилиб, Масих бизга берган эркинликни маҳкам тутинглар, қайтадан қуллик бўйинтуруғини тақманглар» (Гал. 5:1). Агар сиз энди қуллик гуноҳидан озод бўлсангиз, нега Муқаддас Китоб бизни бундай хавфдан огоҳлантиради? Бунга жавоб шундай: Исо бизни озод қилганига қарамасдан, биз орқага — гуноҳга доим қайтишимиз мумкин.

Гап шундаки, баъзида биз нафсимиз истакларига бериламиз, қилишимиз керак бўлмаган ишларни қиламиз. Жуда кўп ҳолларда биз оиламизнинг салбий анъаналарини сақлаб қоламиз, уларни ўз болаларимизга берамиз. Авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган жисмоний хусусиятлардан фарқли ўлароқ, гуноҳга мойиллик — ота-оналаримиздан итоаткорлик билан биз қабул қилишга мажбур бўлган хусусиятлардан эмасдир. Нега? Чунки гуноҳга мойилликнинг замирида шайтон ёлғонини ҳақиқат деб қабул қилиш ётади. Биз Худо томонидан яратилган янги жонзотлар эмаслигимизни, ота-оналаримиз

гуноҳларидан халос бўла олмаслигимизни душман уқтирмақчи бўлади. Имонли кишининг отаси ёки бобосиароқхўр ёки одамови бўлса, яқинларини таҳқирласа ёки ўз хотинини алдаса, найрангбоз бўлса, у ҳам албатта шундай бўлади деб, душман ишонтирмақчи бўлади. Чунки бу салбий хислатлар — унинг оиласига тегишли деган ёлғон-яшиқни унинг дилига сингдиради. Аммо аслида эса агар биз хоҳласак, иллатларимиз, худди ойнадаги каби, ўз болаларимизда акс этаётганини кўрсак, бундай ахлоқсиз меросдан болаларимизни халос қилишни сўраб ибодат қилиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

«Агар Раббий бизни Ўз муруввати билан қутқарган бўлса, Муқаддас Рух эса бизни поклаб янгилаган бўлса, биз Исо қони билан оқланган бўлсак, нега мен гуноҳга бас кела олмайман?» — деб бир неча йил илгари мен ўз устозимдан сўрадим. «Бунинг сабаби иккита: ё гуноҳинг учун тавба қилмагансан, ёки сен уни онгли равишда қиласан», — жавоб берди у. «Мен ҳозиргача оиламнинг баъзи аъзоларини қачонлардир ўзимнинг бошимга тушган кулфатлар учун кечира олмайман, — дедим мен. — Аммо мен бу гуноҳни тан олдим, тавба қилдим. Нега энди мен уни бутунлай мағлуб қила олмайман?»

«Сизнинг онангиз бировни кечира олмайдиган киши бўлган, шундайми?» — сўради устозим мендан. «Ҳа, шундай бўлган. У оиламизнинг барча аъзоларидан шикоят

қилар эди. Шунинг учун ҳам аста-секин барчадан узоқлашди. Шу сабабга кўра, унинг дўстлари ҳам йўқ эди: у атрофдагиларнинг ҳатто арзимас қилиқларини ҳам кечиришни хоҳламагани учун барчани ўзидан узоқлаштирди». «Онангиздан шу хусусиятни — кечира олмаслик хислатини мерос қилиб олганингиз сизнинг хаёлингизга келмаганми? У сизнинг феъл-атворингизга ўтган. Болалар доимо ўз ота-оналарининг хислатларини мерос қилиб оладилар», — деди у.

Менинг ҳаракатларим фақат соғлом фикрлаш орқали амалга ошмаслиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эдим. Менинг қарорларимга нимадир таъсир қилишда давом этарди. Шунинг учун мен ҳеч кечиришни ўрганиб ололмасдим. Бу ҳақда қанча кўп ўйлаганим сайин, қариндошларимнинг гиначи эканликлари эсимга тушарди. Деярли барча оилалар ҳаётларининг бирон босқичларида шафқатсизлик ҳолатларига дуч келадилар, кўп ҳолларда қариндошлик ришталарини узмаслик мақсадида буни сезмасликка ҳаракат қиладилар.

«Бу мени оқлай олмаслигини биламан, аммо оилам аъзоларининг қанчалар кекчи бўлганларини кўряпман, улар бир-бирларини сира кечира олмайдилар, — тан олдим мен. — Аммо мен ҳаммадан ҳам болаларим бундай хусусиятни мерос қилиб олишларидан қўрқаман. Улар бир-бирларининг қандайдир арзимас гуноҳларини кечира

олмасликларига тез-тез гувоҳ бўлман. Биз эрим билан бу ҳаётдан кетганимиздан сўнг болаларим бир-бирларига бегона бўлишлари ҳақидаги фикр мени ваҳимага солади. Бу гуноҳдан болаларим учун ҳам халос бўлишим кераклигини тушунаман».

Ўша куни устозим икковимиз оиламизнинг кечира олмаслик гуноҳи авлоддан-авлодга ўтмаслиги, у Муқаддас Рух кучи ила тўхтатилиши ҳақида ибодат қилдик. Мен Муқаддас Ёзувлардан оятларни такрор-такрор ўқидим. Бу оятлардамен Худо томонидан яратилган янги жонзод эканлигим, ўтмиш гуноҳи анъаналари ва одатлари ила яшамаслигим кераклиги ёзилган эди. Бу мен учун янгилик бўлди, менда ҳамкечирмаслик хусусияти борлигини, агар зарур бўлиб қолса, ҳар бир дақиқада тан олишга қарор қилдим.

Ибодат қилиб, тавба қилиб кечирмаслик гуноҳидан халос бўлганим сайин болаларимнинг бундай иллатдан озод бўлиб бораётганларини аниқ кўрдим. Чунки уларнинг ўзаро муносабатлари сезиларли даражада яхшиланди. Албатта, уларнинг кечирмиш ё кечирмасликлари фақат менга боғлиқ эмас, балки уларнинг ўзлари ҳам боғлиқ. Кечирмиш ёки кечирмаслик — уларнинг хоҳишлари. Аммо улар ўз олдларида доимо кечирмиш намунасини кўришлари керак,

бу намуналар эса болаларимиз тўғри қарор қабул қилишларига ёрдам беради.

Ота-оналарда ўз фарзандларининг хулқини ўзгартиришлари учун самарали усуллари бор — ота-она олдин ўз хулқини ўзгартириши керак, энг биринчи гада улар ўз гуноҳларини тан олишлари керак. Агар гуноҳга доимий равишда йўл қўйилса, у тез орада илдиз отиб одатга айланади. Масалан, ёлғон — гуноҳ. Такрорланган ёлғон навбатдаги ёлғонга йўл очиб беради, тез орада вазиятни назорат қилиб бўлмай қолади. Ёки яна бир мисол: ўлимни хоҳлаш ҳам гуноҳ. Одам: «Мен ўлишни хоҳлайман», деган гапни такрорлайверса, тез орада уни ўз-ўзини ўлдириш фикри таъқиб қила бошлайди.

Агар сиз гуноҳ қилганингизни ёки Худо йўлидан адашганингизни англасангиз, унда дарҳол Унинг олдида гуноҳларингиз учун тавба қилинг, Унга ўз гуноҳларингизни очинг, сизни кечиришини Ундан сўранг: «Эй Худойим, мен Сендан бошқарувингни сўрайман, ҳаётимни ўзгартиришга ёрдам бер».

Кейин ота-онангизнинг, уларнинг ота-оналарининг гуноҳлари учун сўранг, чунки уларнинг гуноҳлари ҳам сизнинг ва болаларингиз устидан ҳукмронлик қилади. Сиз бу ҳақда ибодат қилинг. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Худо Руҳи Ўзи бизнинг руҳимизга қўшилиб, Худо фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бериб

туради. Агар Худонинг фарзандлари бўлсак, фарзандлардай мерос олиш ҳуқуқига ҳам эгамиз. Худонинг қут-баракаларидан мерос улуши олувчилар сифатида Масихнинг ворисдошларимиз» (Рим. 8:16-17). Биз Раббийга меросхўр бўлишни хоҳлаймиз, оилавий гуноҳларга эмас.

Исо номи билан биз ҳар қандай гуноҳдан халос бўлишимиз мумкин. Муқаддас Руҳ кучи билан эса уни болаларимиз ҳаётларига олиб кирмаслигимиз мумкин. Агар сиз болаларингизнинг, оиланинг олдинги авлодлари гуноҳларидан азоб чекишларини хоҳламасангиз, ҳозирданоқ ибодат қилишни бошланг.

Ибодат

Эй, Раббий, Сен Ўз Каломингда айтишингча, олийжаноб киши ўз набираларига мерос қолдирар экан (қ.: Ҳикмат. 13:22). Мен болаларимга қолдирмоқчи бўлган мерос имонли ҳаёт ва Сенинг олдингда пок яшаганлари учун мукофот бўлишини Сендан сўрайман. Шу туфайли мен Сендан Исо номи билан сўрайман: қариндошларим ва авлодларимдан мерос қилиб олган ҳар қандай гуноҳдан мени покла. Мен Сенинг олдингда гуноҳларимни тан оламан, Сендан кечирим, шифо сўрайман, чунки Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Агар гуноҳларимизни эътироф этсак, Худо гуноҳларимиздан ўтади ва бизни ҳар турли ноҳақликдан фориг қилади. Чунки У ўз сўзида содиқ ва адолатлидир» (1 Юҳ. 1:9). Мен гуноҳимга

тавба қилиб, ундан пушаймон бўлганимда фарзандимга бу гуноҳнинг ўтиш эҳтимоли анча камайишини биламан.

Исо бизга шундай деган: «...мана, Мен сизларга ...душманнинг бутун куч-қудратини оёқ ости қилиш иқтидорини берганман...» (Лука 10:19). Агар шайтон менинг фарзандим (болангизнинг исми)ни мен қилган гуноҳни қилишга мажбур қилмоқчи бўлса, унинг режаларини Исо Масих томонидан менга берилган куч ва ҳукмронлик ила барбод қиламан. Айниқса, мен (сиз ўз болангизни эҳтиёт қилмоқчи бўлган иллатлар номи) ҳақида ибодат қиламан. Эй Худойим, Сендан бўлмаган барча нарсани мен рад қиламан.

Эй Исо, Сен бизни ўтмишимиз гуноҳларидан фориғ қилиш учун келдинг, бу учун Сендан миннатдорман. Биз ўтмишимиздаги гуноҳларга тобе бўлишдан бош тортамыз. Ё Самовий Отамыз, Сен бизни «нурли меросдан баҳраманд қилдинг» (қаранг: Кол. 1:12). Сен бизни зулмат ҳукмидан қутқардинг. Менинг ўғлим (қизим) ўз қариндошларидан ёмон иллатларни мерос қилиб олмаслигини Сендан сўрайман, аммо Сен Ўз амринга биноан иш кўришингни истайман: «...Дунё яратилганидан бери сизлар учун мерос сифатида тайёрлаб қўйилган Шоҳликни эгаллангиз» (Матто 25:34). Эй Исо, Сенда ўтмиш тамом бўлиб, янги ҳаёт бошлангани учун миннатдорман.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Шундай қилиб, Масиҳ бизга берган эркинликни
маҳкам тутинглар, қайтадан қуллик
бўйинтуруғини тақманглар.

Гал. 5:1

Раббимиз Исо Масиҳнинг Отаси Худога ҳамду
санолар бўлсин! У бизга беҳад раҳм-шафқат
кўрсатди, Исо Масиҳнинг тирилиши асосида бизни
янгидан туғилтириб, тирик бир умидга эга қилди.
Самода сақланаётган беғубор, чиримас, сўлмас бир
мерос сизларни кутмоқда. Охирзамонда очиқ
кўринишга тайёр бўлган улуғ нажотга
эришмоғингиз учун, имонингиз туфайли,
Худонинг қудрати билан кўриқданмоқдасизлар.

1 Бут. 1:3-5

Қодир Эгамнинг руҳи устимдадир, Эгам:
«Йўқсилларга хушxabар етказ», деб Менга ёғ
суртди. «Хаста қалбларга шифо бер, — деб Эгам
мени юборди. — Асирларга озод бўласиз, деб айт,
Зиндондагиларга, қутуласизлар, деб айт».

Ишаё 61:1

Бинобарин, ким Масихга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Қадимги ҳолат ўтиб кетди, энди [ҳаммаси] янги бўлди.

2 Кор. 5:17

Чунки бир вақтлар бизлар ҳам фаҳмсиз, итоатсиз, адашган одамлар эдик, ҳар хил эҳтирос ва завқларга қул эдик, гина-кудурат ва бахилликка тўлган, бир-биримиздан нафратланадиган разил одамлар эдик. Аммо Қутқарувчимиз Худо Ўзининг илтифот ва инсонпарварлигини очиқ кўрсатди. Худо бизнинг қилган савобли ишларимиз туфайли эмас, балки Ўзининг раҳм-шафқати туфайли бизни қутқарди, гуноҳларимизни ювиб, бизни янгидан туғилтирди, Муқаддас Рух орқали бизга янги ҳаёт ато этди. Қутқарувчимиз Исо Масих шарофати билан Худо бизнинг устимизга мўл-қўл Муқаддас Рух ёғдирди. Худо иноят қилиб, бизни оқлади ва абадий ҳаётга умидворлик билан қараган меросхўр ҳам қилди.

Тит. 3:3-7

23-БОБ

СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРГА, ГИЁХВАНД МОДДАЛАРГА ВА БОШҚА ЗАРАРЛИ ИЛЛАТЛАРГА ТОБЕЛИККА ҚАНДАЙ ҚАРШИ ТУРИШ КЕРАК

Шайтон болаларимизни биздан ўғирлаш учун пайт пойлаб юради, қўлидан келган ҳамма ишни қилади. Спиртли ичимликларга, гиёхванд моддаларга ва бошқа иллатларга тобелик унинг энг севимли «қармоқ»ларидир. Фарзандларимизга қилинадиган хужум шунчалар кучлики, унга қарши туришга ўзларининг кучлари етмайди. Бахтимизга, уларни қўллаб-қувватлаш учун биз ибодатларимиздан, маслаҳатларимиздан фойдаланишимиз мумкин. Бир томондан, спиртли ичимликларга, гиёхванд моддаларга болаларимиз ружу қўймасликлари учун ибодатни жуда эрта бошлашимиз яхши, чунки улар ёшлиқдан шу қопқонга тушишлари мумкин. Иккинчи томондан, ибодат қилишни ҳаётнинг барча босқичларида бошлаш кеч эмас, чунки инсон ҳар қандай ёшда ҳам ушбу иллатларга берилиши мумкин. Мен эллик ёшдан сўнг ҳам спиртли ичимликлар ичишга берилиб кетган эркакни биламан. У спиртли ичимликларга

ружу қўйганини ҳеч қачон рад қилмасди. Аммо бунга спиртли ичимликлар ичилаётган бир зиёфатга бормагунча бунчалик берилмаган эди. Ўша ерда у озроқ ичди, уйга айтгач ўзини тўхтата олмади. Эҳтимол, унинг у учун ибодат қилувчи онаси, ёки отаси, ё дўстлари бўлганида эди, балки ҳеч қачон бундай бўлмасди.

Раббийни мадҳ қилувчи имонли мусиқачиларнинг спиртли ичимликларга ва гиёҳвандликка берилиб кетганларига ўзим гувоҳи бўлганман. Бундай кишилар руҳий курашнинг энг олдинги сафларида бўладилар, аксарият ҳолларда то душман уларни мағлуб қилмагунча хавфни кўрмайдилар. Улар шайтон учун осонгина эришиладиган ўлжа бўлиб хизмат қиладилар, ибодат билан ҳимояланмаганлари учун унинг тўрига тезгина тушадилар. Уларнинг баъзилари гуноҳкорлик йўлига ўз хоҳишлари билан қадам қўйсалар ҳам, уларнинг кўпчилиги тўғри ҳаёт кечиршни хоҳлайдилар. Бунга сабаб — шайтон ҳужумлари ва тана хоҳишлари овози биз ўйлаганимиздан анча кучлироқдир. Ҳар бир инсонда юз берадиган заифлик дақиқаларида, киши ўзи ўйламаган ёмон ишни қилиши мумкин. Фақат ибодат орқали таъсир қиладиган Худо кучигина ҳаммасини ўзгартиришга қодирдир.

Агар сизнинг ўғлингизда ёки қизингизда шундай муаммо пайдо бўлган бўлса, шайтон уларнинг ҳаётларидан

ўрин олган бўлса, Раббий олдида сиз ким эканлигингизни эсдай чиқармай курашга киришинг, йўқотганингизни қайтаринг. Болаларингиз *шайтонга эмас, сизга* тегишлидир. Сиз улар учун Худо тахти олдида илтимос қила оласиз. *Сизда* куч ва имконият бор. Шайтонда эса улар йўқ. Унинг усуллари ёлғон ва алдов эканлиги маълум. Исо Масиҳдан — Сизнинг Қутқарувчингиздан олинган куч билан шайтон ёлғонларини фош қилинг.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «...ейсизларми, ичасизларми, нимаики қилсангизлар, ҳамма нарсани Худони улуғлаш учун қилинглар» (1 Кор. 10:31). Келинглар, болаларимиз ўзларини ҳимоя қилишлари учун ва уларнинг ҳар бир қадамлари Худони шарафлаш истаги билан босилиши учун ибодат қилайлик.

Ибодат

Эй, Раббий, мен Сендан фарзандим (болангизнинг исми) ҳар қандай тобелиқдан, айниқса, спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалардан озод бўлишини сўрайман. Унинг руҳини мустаҳкамла, уни Ўзинга жалб қил, барча ишда Сенга суянишга ўргат. У юриши керак бўлган йўлни кўрсат, унга ўзини асраб, Сенга хизмат қилишни англа.

Эй Раббий, Сендан илтимос қиламан: боламни спиртли ичимликларга ва гиёҳванд моддаларга ўргатиб ҳалок қилишга интилаётган шайтоннинг режаларини барбод қил.

Шундай йўл тутгинки, фарзандим ҳеч қачон зарарли иллатларга ўзида хоҳиш сезмасин. Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Шундай йўллар борки, тўғри бўлиб кўринади, аммо охири ўлимга олиб боради» (Ҳикмат. 16:25). Боламга ёлғонни англашни, ўлим келтирадиган ҳамма нарсага «йўқ», Худодан келадиган ҳаёт келтирувчи барча нарсага «ҳа» дейишни ўргат. У ҳар қандай васвасага тушганда ҳам, ҳақиқатни таний билишга ўргат. Зулмдан ва шайтон тўридан ҳимоя қил. У ҳар доим ҳаётни танласин, барча нарса Сенга боғлиқ эканлигини тушунсин.

Исо номи билан фарзандим ўз баданини Сени шарафлаш учун пок сақлашини Сендан сўрайман.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Агар ўз табиатингизга маҳлиё бўлиб яшасангиз,
руҳан ўлишингиз муқаррар. Лекин агар башарий
табиатнинг қилмишларини Руҳ кучи билан
ўлдирсангиз, руҳан яшайсизлар.

Рим. 8:13

Қайғурмагин, тананг оғриқни билмасин, чунки
ёшлик, ҳаёт тонги елдай тез ўтиб кетади.

Воиз 11:10

Бугун еру осмон гувоҳ: мен олдингизга ҳаётни ва
ўлимни, баракани ва лаънатни қўйдим. Ҳаётни
танланг. Шунда сизлар ва авлодларингиз
яшайсизлар.

Қонун. 30:19

Тўғрининг солиҳлиги нажот беради, сотқин эса
ёмон ниятлари туфайли тугилади.

Ҳикмат. 11:6

Шундай қилиб, агар Ўғил сизларни озод қилса,
ҳақиқатан эркин бўласизлар.

Юҳ. 8:36

24-БОБ

ФАРЗАНДГА АХЛОҚИЙ СОФЛИКНИ ҚАДРЛАШНИ ЎРГАТИШ

Фарзандларимизни ҳар бир қадамларида таъқиб қиладиган ҳолатлар — жароҳатлар, ўлим ва абадий дўзах билан бир қаторда жинсий гуноҳ ҳам туради. Нега? Чунки унинг оқибатлари ота-оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам бутун ҳаётларига таъсир қилади. «Аборт», «никоҳсиз жинсий алоқалар», «хоинлик», «бачабозлик», «жинсий касалликлар», ОИТС» — бу муаммолардан ҳар қандай ота-она ҳам ваҳимага тушади. Бутун эса чин маънода ҳаёт ва ўлим муаммосига айланди. Жинсий бузуқлик ҳеч қачон изсиз қолмаслиги ҳаммага маълум. Аммофарзандларимизнинг фақат жисмонан соғлиқларигина хавотирга солиб қолмайди. Муқаддас Китоб бизни «...жонга қарши курашадиган нафс эҳтиросларидан сақланишга...» (1 Бут. 2:11) даъват этади. Жинсий гуноҳ оқибатлари руҳимизни ҳалок қилади.

Ҳали ўғлим ва қизим кичкиналикларидаёқ мен бу муаммо ҳақида ибодат қилишни бошладим, то шу кунгача ҳам ибодат қилишдан тўхтаганим йўқ. Албатта, мен болаларимнинг ОИТСдан ўлишларини ёки Кристофер билан Аманда қонуний никоҳга киришларидан илгари

невараларим туғилишини хоҳламайман. Ундан ташқари, мен уларнинг Худо Каломига қулоқ солмай, ўз вазифаларини бажармасликларини ҳам хоҳламайман. Инсон ўз жинсий истагини қондириш учун Худонинг борлигини, тинчликни, мурувват ва қувончни рад қилмаслиги кераклигини биламан. Бу жуда катта йўқотиш бўларди.

Бола ўсмир ёшга етгунгача ибодат қилишни қолдириш, ўшангача кутиш керак эмас. Ибодат қилишни ҳозирданок бошлаш зарур. Бугунги кунда айниқса шаҳват тўрларига тушиш жуда осон: ҳар қадамда болаларимизни очикдан-очик афишалар, кино ва рекламалардаги сахналар, журналлардаги расмлар таъқиб қилади. Болалар қалби доимо ўқлар нишониди бўлади. Агар биз, ана шуларнинг бари боламизни четлаб ўтади, деб ўйласак, хато қилган бўламиз. Чунки нафс жуда кучлидир. Болалар ота-оналарининг илтимос қилиб бажарадиган ибодатларига муҳтождирлар. Ҳатто ўғлингиз ёки қизингиз гуноҳ йўлига кирган бўлсалар ҳам, гуноҳни тан олиб, тавба қилиши, кечириси ва шифо олиши ҳеч қачон кеч эмас.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «Ўзигагина ишонган аҳмоқдир, ақл билан юрадиган эса нажот топади» (Ҳикмат. 28:26). Болаларимиз ўзларининг бетайин туйғуларига эмас, балки Худога ишонишлари, уларнинг оқилу доно бўлишлари, хавfli қопқонларга тушмасликлари,

фарзандларимиз Худо аҳдларига асосан иш кўришлари учун биз, ота-оналар, доимо ибодат қилишимиз зарур.

Жинсий ҳаётнинг поклиги — ёшлиқданоқ юришга ўрганиш керак бўлган Раббий йўлларида биридир. Болангизни неча ёшдалиги муҳим эмас — у гўдакми, ёки ўсмирми, ё у ўттиз ёшдами, у ифбатлими, ё жинсий тажрибага эгами — барибир, жинсий ҳаётининг поклиги ҳақида ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам доимо ибодат қилинг.

Ибодат

Эй, Раббий, Сендан илтимос қиламан: ўғлимга (қизимга) ўз жинсий ҳаётини то умрининг охиригача пок сақлашига ёрдам бер. Унга пок яшаш истагини бер, ифбатлилик унинг шахсининг бир қисмига, хулқининг асосига айлансин. Унинг қарама-қарши жинс билан алоқасида Сенинг аҳдларингга риоя қилиши учун, Сендан бўлмаган барча нарсани рад қилиши учун унга ёрдам бер. Унинг кўзини Сенинг Каломинг ҳақиқати очсин, шунга ёрдам бер. Унга никоҳсиз жинсий алоқалар ҳеч қачон яхшиликка олиб келмаслигини, бундай алоқалар мустаҳкам бўлмаслигини, ҳақиқий севгига асос бўла олмаслигини тушунишига ёрдам бер. Унинг руҳи ҳеч қачон жинсий гуноҳ оқибатларидан азоб чекмасин.

Мен ўғлим (қизим) ҳаётида турмуш ўртоғидан бошқа ҳеч ким билан никоҳдан ташқари алоқаси бўлмаслиги учун ибодат қиламан. Менинг боламни ёвуз мақсадли одам билан алоқа

қилишдан ҳимояла, ёки бундай кишини унинг ҳаётидан кувиб сол! Ҳар қандай зулмдан уни ҳимоя қил. Уни бу дунёнинг бузук йўлларида қайтар, Ўзингнинг огоҳлантиришингни ёдига сол: «...ким дунё билан дўст бўлишни истаса, Худога душман бўлади» (Ёқуб 4:4). У доимо Сенга ёқишга ҳаракат қилсин, ҳеч қачон бевафолик гуноҳини қилмасин. Унинг руҳини шаҳвоний ҳирсдан қутқар. Доимо Муқаддас Рух, хатарли вазиятларда ёрдамга келувчи сигнал сингари менинг фарзандимга Сенинг йўлларингдан адашганини кўрсатиб турсин.

Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Синовга сабр-тоқат қилган одам бахтиёрдир. Чунки у синовдан ўтгач, Раббимизни севувчиларга насиб бўладиган ҳаёт тожига сазовор бўлади» (Ёқуб 1:12). Менинг боламини васвасага солганларида ёрдам бер, у ҳақиқатни ҳимоя қилишига, шаҳвоний истакларга «йўқ» дея олишига куч бер. Унинг руҳини мустаҳкамла, ҳаёти охирида абадий ҳаёт чамбарига эга бўла олиши учун тақводорларча ҳаёт кечиришга ўргат.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Худонинг иродаси шу: муқаддас бўлинглар,
зинодан ўзингизни сақланглар. Ҳар бир одам ўз
хотинини эплаб, муқаддас ва ифбатли сақласин.

Худони танимаган халқлар каби шахвоний ҳирсга
берилманглар.

1 Сал. 4:3-5

Овқат қорин учун, қорин ҳам овқат учун экан,
лекин Худо уни ҳам, буни ҳам йўқ қилади. Бадан
эса зино учун эмас, балки Раббимиз учундир,
Раббимиз эса бадан учундир.

1 Кор. 6:13

Бошингизга оддий инсоний васвасадан бошқа
васваса келмаган. Худо эса содиқдир, У
кучингиздан ортиқ васвасага тушишингизга йўл
қўймайди, лекин васваса билан бирга тоқат
қилишингиз учун иложини ҳам беради.

1 Кор. 10:13

Лекин ҳар ким ўзининг эҳтиросига берилиб,
алданиб васвасага дучор бўлади. Кейин эҳтирос
ҳомиладор бўлиб гуноҳни туғади, гуноҳ эса етилиб,
ўлимга сабаб бўлади.

Ёқуб 1:14-15

25-БОБ

ФАРЗАНД ХУДО ТАҚДИРИГА ЁЗГАН ЖУФТИ ҲАЛОЛИНИ ТОПИШИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАК

Фарзандларим туғилганларидан сўнг орадан кўп вақт ўтмай мен уларнинг бўлажак қаллиқлари учун ибодат қила бошладим. Мен бугун ҳам шу ҳақда ибодат қиляпман, то уларнинг никоҳ кунларигача ҳам ибодат қилавераман. Шу билан бирга мен болаларимнинг қалбларида ҳеч қачон ажралиш истаги пайдо бўлмаслиги учун ҳам ибодат қиламан. Эҳтимол, кимларгадир бу ибодатларим вақтидан илгари қилингандай туюлар, аммо бу ундай эмас. Болаларимиз учун Исони ўз юрагига қабул қилиш қароридан сўнгги муҳим қадам уйланиш ёки турмушга чиқишдир. Чунки айнан шу иш уларнинг кейинги ҳаётларини белгилаб беради. Оиланинг бошқа аъзолари ҳаётига бу қадамнинг таъсири қанчалар кучли эканлигини гапирмаса ҳам бўлади. Бу йўлдаги нотўғри қўйилган қадам барча яқинларга зарар етказиши мумкин. Фарзандингиз учун ким энг яхши қаллиқ бўлишини фақат Худо билгани учун, У бу борада энг доно маслаҳатчи ҳамдир. Фақат Унинг фикри тўғри ва ҳал қилувчи бўла олади.

Муваффақиятсиз турмушни бошидан кечирган танишларим, эр-хотинларнинг кўполлиги, хиёнатлари, қайта турмуш қуришлар, бола туғилиши учун жуда кеч қурилган турмуш ёки ёлғизликдан азоб чекаётган танишларим ҳақида ўйлар эканман, уларнинг биронтасида ҳам болаларининг бўлажак қаллиқлари ва уларнинг оиласи учун ибодат қиладиган ота-оналари бўлмаганлигига ишонч ҳосил қиламан. Бошқа томондан, мен турмушларини бекаму кўст деса бўладиган ва юқорида айтиб ўтилган бахтсизликларнинг ҳеч қайсиси ҳаётларига раҳна солмаган жуфтларни биламан. Бунинг ҳеч бир ғалати томони йўқ, чунки қачонлардир ота-оналари улар учун ибодат қилишган, ёки уларнинг ўзлари бўлажак умр йўлдошлари учун то Худо маъқуллаган тўғри инсонни танлаганларига ишонч ҳосил қилмагунларича ибодат қилишган. Бу одамлар бир-бирлари билан муносабатда енгилтакликка йўл қўймаганлар. Улар ўзлари учун Худо танлаган бўлажак умр йўлдошларига ўзларини пок сақлаганлар, бу йўлда яхши мукофот олганлар.

Менинг кузатувларим ва шахсий тажрибам эр-хотинлар иттифоқи самоларда бирикишига ишонч ҳосил қилишга сабаб бўлади. Албатта, агар биз икки инсонни ўз ҳукми билан боғлайдиган Зотга бу ҳақда ибодат қилсақкина амалга ошади.

Дабдабали тўйлар эр-хотинларга бахт бера олмайди. Фақат Худогина уларга бахт ато этади. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «Инсоннинг юрагида ният кўп, лекин фақат Эгамизнинг айтгани амалга ошади» (Ҳикмат. 19:21). Келин билан куёвни оила ва турмуш борасидаги маслаҳатчилар эмас, балки Раббий тўғри йўлга йўналтира олади. Агар ёш келин-куёвлар маслаҳат учун Худога мурожаат қилсалар, Унинг қоидаларига риоя қилсаларгина бахтга эришадилар. Бизнинг ибодатимиз эса болаларимизни Худо амрини қидириш йўлларида ушлаб туради, уларни ўз туйғулари ва истакларига қул бўлишга имкон бермайди.

Муқаддас Рух турмушни мустақкамлайди: ажралиш руҳи эса уни емиради. Худонинг Рухи болаларимизни тўғри йўлга бошлаши ва уларнинг келажаklarини белгилаши учун ибодат қилиш керак.

Агар сизнинг ўғлингиз ёки қизингиз турмуш қурган бўлсалар, эр-хотинлар «ўзаро келишиб яшаб, низоларга йўл қўймай, фикр-хаёлда яқдил бўлишлари» (1 Кор. 1:10) учун ибодат қилинг, чунки «...ўз ичидан бўлиниб кетган уй абгор бўлади» (қаранг: Матто 12:25). Уларнинг уйларида муносабатларига раҳна солувчи ажралиш руҳи бўлмаслиги учун ибодат қилинг. Агар ўғлингиз ёки қизингиз ажралган бўлсалар ҳам, бузилган оиланинг қайта тикланиши учун,

бундан сўнг уларнинг дилларига ажралиш ҳақидаги фикр кира олмаслиги учун ибодат қилинг.

Болангиз неча ёшдалигидан қатъий назар, унинг турмуши учун ибодат қилинг. Ажралиш одатий ҳолга айланди, у доимо ёшлар ҳаётига хавф солиб туради. Келинлар, биргаликда унга қарши турайлик, ўзимизни ва болаларимизни Исо Масихнинг Муқаддас Руҳи, Худонинг Ўғли куч-қудрати билан ҳимоя қиламиз.

Ибодат

Эй, Раббий, менинг фарзандимга (болангизнинг исми) мукаммал умр йўлдошини юборишингни сендан сўрайман. Унга бекаму кўст хотин (эр) ато қил, ўғлимга (қизимга) бу одам билан тўғри муносабатда бўлишни ўргат. Умр йўлдоши танлаш пайти келганда менинг болам Сенга итоат қилишини Ўзингдан сўрайман. Токи у бу борада қарор қабул қилишда ўз шаҳвоний истакларига эмас, Сенинг Каломингга асослансин. У ўз ақлига эмас, балки Сенга бутун қалби билан ишонсин. У ўз йўлларида Сени танисин, токи уни доимо Ўзинг йўлга бошла (қаранг: Ҳикмат. 3:5-6).

Шундай қилгинки, менинг болам учун белгиланган умр йўлдоши яхши инсон бўлсин, Сенинг аҳдларингга риоя қилсин. У менинг боламини бахтли қилсин; менинг ўғлимга (қизимга) оддий хушторлик билан севгининг фарқини тушунишига ёрдам бер. Агар у ўзи турмуш қуриши керак

бўлмаган кишига қизиқиб қолса, эй Раббий, Сендан илтимос, бу муносабатларни бузиб ташла. Ҳар қандай турмушнинг марказида Сен турмасанг, у мустаҳкам бўла олмаслигини тушунишга ёрдам бер. Агар Сен бу эру хотинлик иттифоқини дуо қилмасанг, ҳеч ким уни дуо қилмайди, чунки Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Агар уйни Худо қурмаса, қурувчилар бекорга ишлайди...» (Забур 126:1). Мен Сенга ибодат қиламан: фарзандимга оиланинг асоси бўладиган турмуш қуришига ёрдам бер.

Менинг ўғлим (қизим) ўзига умр йўлдоши танлаганда, турмуш қуришга аҳд қилганда, Эй Раббий, Сендан илтимос, ўғлимнинг (қизимнинг) танлагани Раббийнинг одами бўлсин, Сенга садоқат ила хизмат қилсин, Сени севсин, Сен белгилаган йўлдан юрсин. Менинг фарзандим ўз ҳаётида фақат бир маротаба турмуш курсин. Унинг эру хотинлик ҳаётида на ақлий, на руҳий, на жисмоний зулмга жой бўлмасин. Аммо унинг ҳаётини ақлий, руҳий, жисмоний бирлик боғлаб турсин. У ажралиш руҳига тобе бўлмасин. Мен боламнинг ажралиш, келишмовчилик, зулм қилиш руҳидан озод бўлиши учун ибодат қиламан. Уларнинг ҳар бири дилига садоқатни асраш истагини сол, ҳар қандай садоқатни бузиш хоҳишини нарироқ қил.

Боламнинг танлагани ягона ёри ва бутун ҳаётидаги солиҳ дўсти бўлсин, уларнинг муносабатларида содиқлик, илиқлик, бир-бирларини тушуниш ва кечириш, ўзаро қўллаб-қувватлаш, то ҳаётларининг охиригача бир-бирларига бўлган севги ҳукм сурсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Бироқ олам яратилгандан бошлаб Худо
инсонларни эркак ва хотин қилиб яратган.
«Шунинг учун эркак киши ота-онасидан бошқа
бўлиб чиқиб, хотинига боғланиб қолади, иккаласи
бир тан бўладилар.» Шундай қилиб, улар энди
иккита эмас, битта танадир. Худо уларни битта
қилиб бирлаштирган экан, ҳеч ким ажратмасин.

Марк 10:6-9

Никоҳ ҳамманинг кўзида эътиборда бўлсин,
ётоғингиз беғубор бўлсин. Чунки зинокорлару
фоҳишларни Худо ҳукм қилади.

Ибр. 13:4

Бирортаси хотинидан ажралиб, бошқасига
уйланганда, зино қилган бўлади.

Мк. 10:11

Бундан ташқари сизлар Эгамнинг курбонгоҳини
кўз ёшингиз билан ювасиз, фарёд қилиб фиғон
чекасиз, чунки энди Худо назрларингизни қабул
қилмас, улардан мамнун бўлмас. «Нима учун?»,
деб сўрайсиз. Чунки сиз ёшлик чоғингизда

уйланган хотинингизга бевафолик қилдингиз.
Ахир, у сизнинг умр йўлдошингиз, никоҳ
аҳдингиздаги хотинингиз-ку! Эгамизнинг Ўзи
сизнинг орангизда гувоҳдир. Эҳтиёт бўлинг,
орангизда ҳеч ким ўз хотинига хиёнат қилмасин.
Чунки Худо сизларни бир тан-бир жон қилган-ку!
Энди Худо сизлардан нимани кутяпти? Ҳақиқий
художўй зурриётни кутяпти. «Мен ажралишдан
нафратланаман», — дейди Исроил халқининг
Худоси — Эгамиз. «Хотинингизга қилган бундай
шафқатсизликдан нафратланаман», — дейди
Сарвари Олам. Шу боис хушёр бўлинглар, хиёнат
қилманглар.

Мал. 2:13-16

ФАРЗАНДГА КЕЧИРИШНИ ҚАНДАЙ ЎРГАТИШ КЕРАК

Агар бирон нарса учун болаларимдан кечирим сўрашимга тўғри келиб қолса, мен ҳар доим уларга: «Мен сени кечирдим, деган гапларингизни кутаман», деб таъкидлайман. Мен улардан бу иборани жуда *муҳтож* бўлганим учун такрорлашларини эмас, балки *уларнинг* ўзлари бунга кечирмасликдан бутунлай халос бўлсин, улар шунга муҳтож, деб сўрайман. Худди шундай, болаларим бир-бирлари билан жанжаллашиб, кейин ярашганларида ҳам бир-бирларига шу сўзларни такрорлашларини сўрайман: «Мен сени кечирдим». Ҳатто, улар бир-бирларидан ғазабланган бўлсалар ҳам, бу сўзлар уларнинг руҳларига таъсир қилишини биламан. Албатта, «Мен сени кечирдим» деган сўзлар уларнинг юракларидан чиққанда яхшироқ бўларди, аммо ҳали улар ҳақиқий бўлмаса-да, ҳеч нима демасликдан кечириш истаги ўзи келади, деб кутиб туришдан кўра яхшироқдир.

«Кечириш — бу сизларнинг хоҳишингиз, — деб тушунтирдим мен Кристофер ва Амандага. — Бошқаларни кечирмай, сиз ўлимни у ёки бу кўринишда ҳаётингизга кириб келишига йўл берасиз. Кишини

кечириш учун энг яхшиси у учун ибодат қилишни бошлаш керак. Аввалига бу унча осон бўлмайди, аммо кечиришга қарор қилгандан кейин кечиришни бошлаб, бизнинг ибодатимизга муҳтож янада кўп муаммоларни кўра бошлаймиз, юрагимиз ҳам бизни хафа қилган кишига нисбатан кўпроқ илийди».

Ўзгалардан кечиримни кутаётган жуда кўп оилаларни биламан. Улар кечиришни хоҳламайдилар; улар ўзгалар кечиришни *хоҳлаб* қолишларини кутадилар. Натижада бундай оила аъзолари орасида душманлик пайдо бўлади ва у сақланиб қолади; улар *бир-бирларига* ва *бир-бирлари ҳақида* ёмон гаплар гапирадилар, баъзан эса йиллаб бир-бирлари билан мулоқот қилмайдилар. Илтифотнинг ва бир-бирларига илиқ ҳисларнинг йўқлиги туфайли уларнинг барча сўзлари ва ишлари ўзига эркинлик берилган шафқатсизлик руҳи билан суғорилган бўлади. Оиланинг баъзи аъзолари кекчи бўлганлари учун бутун оила азоб чекади.

Фарзанд ўз ота-онасини фақат хурмат қилибгина қолмай (бу учун унга бутун ҳаёти давомида Раббий марҳамати ваъда қилинган), эҳтимол, оғир оқибатларга эга бўлган хатолари ва қилмишлари учун кечириши ҳам керак. Улар опаларини ҳам, акаларини ҳам, хола-амакиларини ҳам, буви-боболарини ҳам, дўсту душманларини ҳам, хаттоки ўзларини ҳам кечиришлари

керак. Буларнинг ҳаммасида биз уларни қўллаб-қувватлашга мажбурмиз. Агар биз болаларимизни кечиришга ўргатмасак, биз уларнинг ҳаётида золимликка ва қулфатларга пойдевор қўйган бўламиз.

Бизнинг болаларимиз юракларини юмшата олишлари учун, биз нафақат уларни кечиришга, балки ибодат қилишга ҳам ўргатишимиз керак. Кекчилик, шафқатсизлик шунчалар тез ҳаётимизнинг бир қисмига айланадики, биз ўз елкамизда қанчалар оғир юк кўтариб юрганимизни ҳатто сезмаймиз ҳам.

Ниҳоят, бошқаларни кечириш — бу уларнинг қилмишларини *оқлаш* дегани эмас, балки мени *озод* қилишини тушунганимизда, одамларни кечириш менга анча осон бўлди. Мен доимо ўзгани кечириб, мен унга: «Сен нима қилган бўлсанг, тўғри қилдинг», деган иборани тушунишга ёрдам бераман. Аммо бу ундай эмас. Кечириб, биз Худо адолатли эканлигига ўз ишончимизни тасдиқлаймиз. Раббийга: «Ота, бу кишига бўлган адоват менинг қалбимга ҳоким бўлишини бошқа хоҳламайман», деб айтар эканман, мен Худонинг ҳақиқатни билишини тан оламан, У Қози бўлишига имкон бераман, чунки фақат У бўлиб ўтган воқеа ҳақида ҳақиқатни билади.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «...Шунинг учун Эгам кутмоқда Сизларга шафқат кўрсатай, дея. Мана У қўзғалмоқда, Ўз меҳрини кўрсатай, дея» (Ис. 30:18).

Ўзимизни кечира олмаслигимизни Худо олдида тан олиб, биз Унинг марҳаматига эга бўламиз, озод бўламиз. Худо ҳаракат қила бошлашини хотиржамлик билан кутамиз. Ахир, бу шунга лойиқ эмасми?! Ахир, бу ўз юрагини золимлик турмасида ушлаб, касалларга ва азоб-укубатларга ҳаётимиздан жой беришимиздан яхши эмасми?!

Доимо уни калтаклайдиган отани ўғил қандай қилиб кечириши мумкин?! Она қандай қилиб қизини ўлдирган маст ҳайдовчини кечириши мумкин?! Ёки қизни зўрлаган тоғани қандай кечириш мумкин?! Ўзига раҳм-шафқат қилмаган инсон қандай қилиб ўзгага шафқат қилиши мумкин?! Агар бу одамлар Худога ишонмасалар, Унинг тўла кечиришини қабул қилмасалар ва англамасалар, ҳеч ҳам кечира олмайдилар. Бизга ҳаётни ва бутун вужудимизнинг янгиланишини олиб келувчи Худодан мутлақ ва сўзсиз кечиримни қабул қилган вақтимизда кўзимиздан қуюлаётган қувонч кўз ёшларига ҳеч нима тенг кела олмайди. Павлус шундай деган: «...мен ўзимни муродимга етишганман деб ўйламасам-да, бир нарсанигина ўйлайман: орқамда қолганларни унутиб, олдимдагиларга кўз тикаман. Худо Исо Масих орқали мени олий мақсадга чорлади» (Флп. 3:13-14).

Агар биз ўтмишимизга боғланиб қолсак, Худо бизга белгилаган умрни кечира олмаймиз. Исо шундай деган:

«Раҳмдил бўлганлар бахтлидир, чунки улар раҳм-шафқат топура» (Матто 5:7). Келинлар, болаларимиз учун ибодат қилайлик; уларни одамларга мурувватли бўлишлари учун ибодат қилайлик, токи ҳеч нарса уларнинг ўзларига Раббий мурувватини сезишларига халақит бермасин. Улар қулай шароитда одамларга: «Мен сени кечираман» дейишни ўрганишлари учун ибодат қилайлик. Токи дард, алам аччиғи улар билан Худо ўртасида девор бўлмасин, бизнинг ибодатларимизга қаршилик қилмасин. Биз билан сизда ҳозир бу деворни бузиш учун вақтимиз йўқ. Биз ибодат қилишимиз керак бўлган жуда кўп муаммоларимиз бор.

Ибодат

Эй, Раббий, Сендан ўтиниб сўрайман: ўғлимни (қизимни) кечиришга ўргат. Боламга унинг гуноҳларини Сен кечиришингни чуқур аҳамиятини кўрсат, токи у бошқаларни кечириши ўзига қанчалар енгил бўлишини тушунсин. Унга ўз ҳис-туйғулари асосида эмас, балки Ўзинг амр қилгандай бошқаларни кечиришга ўргат. Фарзандимга бировни кечирганда, у ўша одамнинг қилмишларини оқламаслигини, балки ўзи енгиллашишини кўрсат. Ҳар биримиз ҳақимиздаги бор ҳақиқатни фақат сенгина билишингни, шунинг учун бировга ҳукм чиқаришга унинг ҳақи йўқлигини тушунишига ёрдам бер.

Эй Худойим, Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Кимки биродарини севса, у нур ичида яшайди, қоқинишга йўл

қўймайди. Аммо биродаридан нафратланган киши қоронғиликда бўлади. У қоронғиликда юради-ю, қаерга бораётганини билмайди; чунки қоронғиликда унинг кўзлари кўр бўлган» (1 Юҳ. 2:10-11). Мен қачон кек сақловчи ва шафқатсиз бўлганимни кўрсат, чунки мен бундай бўлишни асло хоҳламайман. Мен ўзим бораётган йўлни аниқ кўришни истайман. Болам учун ҳам мен ана шуни хоҳлайман: у доимо кечириш ва меҳр-муҳаббат нурларида юрсин. Фарзандим барча оила аъзоларини, дўстларини ва бошқа одамларни кечиришига ёрдам бер. У Сенинг меросингга эга бўла олиши учун унга ўтмиш кишанларидан озод бўлишни ўргат. Унинг юрагида алам, кўролмаслик, ғазаб яширинишига йўл қўйма, улар пайдо бўлган заҳоти Сенга шу туйғуларини очишига уни ўргат.

Эй Раббий, Сендан илтимос, менинг боламни олдинги гуноҳлари ва муваффақиятсизликлари учун ўзи ўзини кечиришга ўргат. У ҳеч қачон Сени, эй Худойим, ўзининг ҳаётида юз берадиган бахтсизликлар туфайли айблай олмасин. У ўз душманларини севиши, уни лаънатлаганларни дуо қилиши, уни ёмон кўрадиганларга ёрдам бериши, уни хафа қилиб ҳайдаганлар учун ибодат қилиши учун худди сен ўргатгандай ибодат қиламан (қаранг: Матто 5:44-45). Исо номи билан ўтиниб сўрайман, токи менинг болам Сен унинг гуноҳларини кечирганингни тушуниб яшасин, бунга тушунганидан қувончга тўлсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Ҳар қандай ёмон ният ва гина-қудурат, ҳар қандай қаҳру жаҳд, нолиш ва ғийбатчиликни ўзингиздан соқит қилинглар. Бир-бирингизга кўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар. Худо сизларни Масих ҳақи кечиргани каби, сизлар ҳам бир-бирингизни кечиринглар.

Ефес 4:31-32

Агар сиз бошқаларнинг айб-гуноҳларини кечирсангизлар, самовий Отангиз ҳам сизни кечиради. Бироқ, агар сиз бошқаларнинг айб-гуноҳларини кечирмасангизлар, Отангиз ҳам сизни кечирмайди.

Мф. 6:14-15

ғазабланган подшоҳ ҳамма қарзини тўламагунича бандасини азоб берувчиларнинг қўлига топширибди. Шунингдек, агар сизларнинг ҳар бирингиз ўз биродарингизнинг гуноҳини чин кўнгилдан кечирмасангиз, Менинг самовий Отам ҳам сизларга худди шу йўлни тутуди.

Матто 18:34-35

Одамнинг ақли жаҳлини тияди, гуноҳни кечириш
унга шуҳрат келтиради. Подшоҳнинг ғазаби
шернинг ўқиришига ўхшайди, муруввати эса
майсадаги шабнам кабидир.

Ҳикмат. 19:11

Ибодат қилиб турганингизда, бирортасига
адоватингиз бўлса, кечириб юборинг, чунки
осмондаги Отангиз сизнинг ҳам гуноҳингизни
кечириб юборади.

Марк 11:25

ФАРЗАНД ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАВБА ҚИЛИШ ЗАРУРЛИГИНИ АНГЛАШИГА ЁРДАМ БЕРИШ

Сиз қачонлардир ўз қилмишларини тан олган, уларга тавба қилиш ва кечирим сўраш ўргатилмагани учунгина доимо ўзларини айбдор ҳис қилиб яшайдиган болаларни кўрганмисиз? Бундай болаларнинг юзлари ҳукмдан озод бўлган болаларнинг юзларидай хотиржам ва ёруғ эмас. Муқаддас Китоб шундай дейди: «Унга боққанлар зиё олдилар, уларнинг асло юзлари шувут бўлмас» (Забур 33:6). Ўз хатоларини тан оладиган фарзандлар, хатоларидан пушаймон бўладилар, ўзгарсам деб хоҳлайдилар, ҳатто уларнинг ташқи кўринишлари ҳам ўз гуноҳларини яшираётган ва ўзгаришни хоҳламайдиган тенгдошлариникига сира ўхшамайди.

Ўз гуноҳларини тан олиш ва тавба қилиш — бу болаларимиз албатта риоя қилишни ўрганишлари керак бўлган икки ҳаётий қоидадир. Чунки тавба қилинмаган гуноҳдан улар билан Худо ўртасида девор пайдо бўлади. Чин маънода гуноҳдан юз ўтириш ва уни ҳеч қачон такрорламаслик қарорини қабул қилишни билдирган сизнинг болангиз қуйидаги сўзларни айтсагина тавбаси амалга ошади: «Мен буни қилдим. Мен қилган ишимдан

пушаймонман, буни такрорлашни хоҳламайман». Тавба қилинмаган гуноҳ болангизни тутқинликда азоблайди, бу унинг юзида, хулқида ва қилмишларида ўз аксини топади.

Итоат қилмаган Исроилга Худо юзланиб шундай деди: «Шунда шаънингизга доғ туширган жирканч ишларингизни эслаб ўз-ўзингиздан ҳазар қиласизлар». (Ҳзқ. 20:43). Тавба қилинмаган гуноҳларимиз учун ўзимизга нисбатан худди шундай нафратни биз ҳам ҳис қиламиз, жуда кўп ҳолларда бу ўзимизга берган паст баҳода ифодаланади. Болалар қалбида илдиз отган айбдорлик ва норасолик туйғулари, агар биз ота-оналар болаларни ўз гуноҳларига тавба қилишни ўргатмасак, бу уларнинг ҳаётларини бузиши мумкин.

Мен доимо болаларимнинг гуноҳ қилганларини улар ўз қилмишларини тан олишларидан илгариеъ уларнинг юзларидан билиб олардим. Кейин улар менга бу гуноҳни беркитиш қанчалар қийин бўлганлиги ҳақида сўзлаб берардилар.

«Бунинг сабаби — Худодан билишим керак бўлган нарсаларни менга аён қилишини сўрадим, — дедим уларга, — Муқаддас Рух доимо менга сизнинг нотўғри қилмишларингиз ҳақида айтиб беради».

Фарзандларимнинг соф кўзлари хиралашганини кўрган заҳотим мен Худодан, болаларимнинг яширин гуноҳларини менга аён қилгин, деб сўрардим. Гуноҳларини

тан олиб, тавба қилиб, керакли жазони олганларидан сўнг Кристофер ва Аманда бутунлай ўзгардилар: уларнинг елкаларидаги оғир юк тушиб кетгандай бўларди. Гуноҳ қалбни заҳарлайди, тавба қилинмаган гуноҳ эса инсоннинг қаддини букади, афтини ўзгартиради, унинг қиёфасини ғамгин қилиб қўяди. Тавба қилинмаган гуноҳ ва азоб чекаётган юрак ҳаётга ёруғлик, ишонч ва озодлик келтиради.

Мукамал бола бўлмаганлиги сабабли, биз Худодан уларнинг юракларида яширинган ҳар қандай тавба қилинмаган гуноҳларини бизга кўрсатишини сўраймиз, токи бу гуноҳ жиддий кўнгилсизликларга сабаб бўлмай туриб, биз унга чора кўра олайлик. Буларнинг барини Худо қилади, чунки фақат: «Худо бунинг ҳисобини сўрамасмиди? У юрак сирларини билади-ку!» (Забур 43:22). Биз ҳаммамиз хотинларини урадиган, болаларига кун бермайдиган ёки тўхтовсиз «қувноқ» ҳаёткечирадиган «ёқимли ва одамшинаванда» эркаклар ҳақида эшитганмиз. Бундай одамнинг юрагида тавба қилинмаган гуноҳ борлигига ишонч ҳосил қилаверинг. Болаларимиз юрагидаги ҳар қандай яширин гуноҳ энг кўнгилсиз оқибатларга сабаб бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Уни очиш пайти келди. «Гуноҳларингиздан воз кечинглар, ўзингиз учун янги юрак ва янги руҳ олинглар! Нима учун сизлар ўлишингиз керак, эй Исроил халқи?! » (Ҳзқ. 18:31).

Худодан юрагингиздаги ёки болангизнинг юрагидаги ҳар қандай тавба қилинмаган гуноҳни сизга очишини сўранг, токи кейинчалик бу гуноҳ учун қалб ва тана соғлиги орқали тўлашга тўғри келмасин.

Гуноҳ ўлимга олиб келади. Тавба қилиш ҳаётга олиб келади. Биз ўз гуноҳларимизни Раббийни кўзини очиш учун тан олмаймиз, У бусиз ҳам ҳамма нарсани ўзи билади. Тавба қилиш ҳаммасини қайтадан бошлаш ва покланишимиз учун бизнинг имкониятимиздир. Бизнинг болаларимиз бунга биздан кам муҳтож эмаслар.

Ибодат

Эй, Раббий, Сендан ўтиниб сўрайман: менинг фарзандим (болангизнинг исми)га ўз хатоларини тан олишга қодир юрак ато қил. Унга чин дилдан тавба қилишни ўргат, токи у кечиримга ва покланишга эга бўлсин. У Сенинг қоидаларинг унга фақат ўзининг фойдаси учун эканлигини тушунишига ёрдам бер. У яна Сен ундан кутаётган гуноҳлари учун тавба қилиш, пушаймонлик ҳаёти меъёри эканлигини ҳам тушунсин. Менинг фарзандимга ҳақиқат билан юриш истагини бер, токи у Довуд сингари қуйидаги сўзларни айта олсин: «Айбимни тамоман ювиб ташла, гуноҳимдан мени тозалагин. Эй, Худо, менда пок юракни яратгин, ичимда янги, собит руҳни бунёд этгин. Мени Ўзингдан узоқлаштириб ташлама, Ўз Муқаддас Руҳингни мендан олма. Нажотинг ила

мени қайта қувонтиргин, иродали руҳ ила мени мустаҳкамлагин...» (Забур 50:4, 12-14).

Эй Худойим, боламнинг ҳар қандай яширин гуноҳларини аён қил, фарзандим улар учун тавба қилсин, қилган гуноҳидан пушаймон бўлсин, кечирсин. Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Қандай бахтли гуноҳи ўтилган, қонунсиз ишлари авф бўлган одам!» (Забур 31:1). Мен фарзандим ҳеч қачон ўз гуноҳини яширмаслиги, доимо чин дилдан тавба қилишга тайёр бўлиши учун ибодат қиламан. У Сенга мурожаат қилиб шундай десин: «Кўргил-чи, йўлимда бирон хафалик бормикин? Абадият йўлига мени йўналтиргин!» (Забур 138:24). У ҳеч қачон айбдорлик туйғусининг зилдай тошини кўтариб яшамасин, доимо пок виждон билан, эй Худойим, Сен уни Масих орқали кечирганингни билиб яшасин. Мен Сендан яна шуни ўтиниб сўрайман: унинг юраги доимо Сенга қарасин, юзи эса доимо қувонч ила нурланиб турсин.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Эй маҳбубларим, агар виждонимиз бизни қийнамаса, Худо олдида дадил бўламиз ва Ундан нимаики сўрасак, У беради. Чунки биз Унинг амрларини бажо келтириб, Унга мақбул бўлган ишларни қилаётирмиз.

1Юҳ, 3:21-22

Бадкирдор йўлидан қайтсин, Гуноҳкор ниятидан қайтсин, Улар Эгамизга қайтсин, Эгамиз уларни афв этади, Улар Худойимизга қайтсин, У қўп марҳаматлидир.

Ишай 55:7

Эгамиз Раббий шундай айтмоқда: «Эй Исроил халқи, Мен сизларни қилган қилмишларингиз учун ҳукм қиламан. Гуноҳларингиздан тавба қилинглр! Акс ҳолда қабиҳлигингиз ўз бошингизга этади.

Хзқ. 18:30

Ўз гуноҳларини яширган ютуққа эришмайди, уларни тан олиб, воз кечган марҳамат топади.

Ҳикмат. 28:13

Шундай қилиб, гуноҳларингизнинг ўчирилиши учун тавба қилинглр ва Худога илтижо этинглр, токи Худо сизларга фароғат кунларини бахш этсин ва азалдан тайинлаган Исо Масиҳни олдингизга юборсин.

Хаворий. 3:19-20

28-БОБ

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДУШМАН

ИСТЕҲКОМЛАРИНИ ЗАБТ ҚИЛИШ МУМКИН

Сиздашундай пайт бўлганми — болангизнинг ҳолатидаги ўзгариш бор ёки ўзини тутишида сизни хавотирга соладиган нимадир бор, аммо сиз хавотирлигингиз сабабини тушуна олмаяпсиз? Агар шундай бўлса, Сизга Худо ато қилган ички сезгиларингизга қулоқ тутинг, ундан бўлиб ўтаётган воқеаларнинг сабабини сўранг. Сиз ҳамма нарсани биладиган ва Ундан биз хоҳлаган маслаҳатимизни сўрай оладиган бутун оламнинг Яратувчиси билан алоқа қила оласиз.

Болаларингиз чехраларида айбдорлик ифодасини ҳеч кўрганмисиз? Аммо унинг сабабини тушунмай хуноб бўлганмисиз? Бошқача қилиб айтганда, гап қандайдир гуноҳ иш ҳақида эканлигини сиз сезгансиз, аммо сизда далил-исбот бўлмаган. Ана шундай ҳолларда мен доимо Худога шундай ибодат қилардим: «Эй, Худо, ақлсизлигимни Ўзинг биласан, айбдорлигимни Сендан яширмайман» (Забур 68:6). «Боламга нималар бўлаётганини менга аён қил». Ва ҳар сафар болам йўл қўйган гуноҳларни Худо кўрсатиб берарди. Бир марта болаларимдан бири хонасига яширин тарзда мен ейишга

рухсат бермаган егуликни олиб кирган. Бошқа сафар болаларим ўз мақсадларига эришиш учун ёлгон гапиришди. Аммо ҳар сафар менинг ибодатларимдан кейин уларнинг гуноҳлари фош бўлиб қоларди.

Мен доимо болаларимга ота ва онани алдашга ҳаракат қилмаслик кераклигини уқтирардим, чунки Худо уларга барибир ҳақиқатни кўрсатади. Тез орада улар менинг сўзларим тўғрилигига ишонч ҳосил қилдилар.

Мен бир воқеани жуда яхши эслайман. Бу воқеа Аманда етти ёшга кирганда бўлиб ўтган эди. Ҳар куни эрталаб докторнинг кўрсатмалари асосида мен унга витаминлар — учта майда драже берардим. Одатда мен уларни кичкина ликопчага солиб, Аманданинг тарелкаси ёнига қўярдим. Бошида у инжиқлик қилиб, витаминларни ейишни хоҳламади. Аммо кейин ҳаммаси изга тушиб кетди, унинг барча арз-додлари ва эътирозлари тўхтади. Аммо мени доимо Аманданинг хулқида нимадир хавотирга соларди, мен ниманидир сезардим, аммо хавотирим сабабини айтиб бера олмасдим.

Мен Худога юзландим: «Эй Худойим, мен Аманданинг ҳаётида кўришим керак бўлган, аммо кўра олмаётган нарсани менга аён қил».

Кейинги бир неча кун давомида деярли ҳеч нарса юз бермади. Мен ҳам бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрмадим, чунки кўчиш учун ашқол-дашқолларни йиғиштириш билан банд

эдим. Йирик уй жиҳозларини ортиш учун ишчилар келган уни, биз болалар стуллари ўтирғичларидан ёстиқларни еча бошладик. Мен Аманданинг стулининг ёстиғи тагидан йигирма олтита драже топиб олдим. Мен кўзларимга ишонмасдим. Эримга топилган витаминларни кўрсатдим. Биз кулгимизни яшира олмасдик, аммо қизимиз билан жиддий гаплашишимиз кераклигини тушунардик.

Биз яна бешта ёстиқни ечиб олдик. Яна тўрт ёстиқ тагидан йигирмата ёки ўттизта витамин топиб олиб жуда ҳайрон бўлдик. Аманда столдан четда турган студдагина ҳеч нарса йўқ эди. Бу сафар биз узоқ кулдик.

Аманда мактабдан келгач, бизнинг жиддий чеҳрамызга кўзи тушди. Унинг олдида стол устида витаминлар тўлдирилган ликопча ва кружкада сув турарди. Унга қатъий шарт қўйилди: агар бу витаминларнинг барини у бир мартада ейишни хоҳламаса, нималар қилганини у тушунтириб бериши керак.

Бу воқеа кулгули, унчалик муҳим туюлмаслиги мумкин. Аммо қизимнинг бу ҳийласи очилмай қолганда, у кейинчалик катта ёлғонга айланиб кетиши табиий ҳол. Кейин яна ёлғон, ва яна. То ёлғон қизимиз ҳаётида одатга айлангунча давом этган бўларди. Худо бизга бундай нарсаларни бошқа бирон жиддий воқеа юз бермасидан олдин очиб бергани учун, мен Ундан миннатдорман.

Болангиз билан нохуш воқеа юз бераётганини сезсангиз, унинг ғалати ҳолатининг сабаби яширин гуноҳ бўлмаслиги ҳам мумкин. У бирон нарсадан кўрқаётган ёки нимадир унинг жонини оғритаётган бўлиши мумкин. Эҳтимол, у умидсизликка ёки саросимага тушган бўлиши мумкин, ҳасад қилаётгандир, манманлик ёки худбинлик тўрига тушиб қолгандир. Буни аниқ билиш асло мумкин эмас; бу ҳақда, энг яхшиси, Худодан сўраш керак. Ҳатто, агар сиз шу пайтдаги вазият ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмасангиз ҳам, барибир ибодат қилинг. Исо бизга бундай вазиятда айтиладиган сўзларни қолдирган: «Ёвуз шайтондан халос қилгин» (қаранг: Матто 6:13). Баъзида биздан ўткир зехн талаб қилинмайди; биз фақат Худодан, болаларимиз ҳаётини Ўзингнинг Руҳинг кучи билан ёритгин: болааримизни бало-қазолардан асрагин, деб сўраб ибодат қилишимиз керак. Муҳими — бу ҳуқуқимиздан кўз юммаслигимиз керак.

Ҳатто, агар болангизнинг хулқи ўзингизга ғалати туюлмаса ҳам, ибодат доимо таъсир қилади, самарали бўлади. Фарзандлардан доимо ҳар хил сабабларни кўрсатиб, шубҳаланмаслик керак. Улар атрофида доимо гирдикапалак бўладиган, улар ҳаётида ўзлари учун қулай фурсатни пойлаб юрадиган қалбларнинг душманларидан шубҳаланиш лозим. Раббий Каломи бизни шундай деб огоҳлантиради: «Хушёр ва бедор бўлинглар. Душманингиз иблис бировни ютиб юбориш учун излаб, шердай бўкириб

кезиб юрибди» (1 Бут. 5:8). Кейинги оят бизнинг ишимиз учун аниқ кўрсатма беради: «Унга қарши турунлар». Келинлар, ибодат қилайлик.

Ибодат

Эй, Раббий, мен фарзандим (болангизнинг исми) учун Сендан илтимос қиламан: уни Сенга ёқмайдиган барча нарсадан, унинг ҳаётида гуноҳнинг таянчи бўладиган нарсалардан озод қил. Агар мен унинг нимадан озод бўлиши кераклигини билмасам ҳам, буни Сен биласан. Исо номи билан Сендан сўрайман: Сен унга шифо бер. Мен қуйидагиларни аниқ биламан: «Бизнинг ҳаётимиз бандалик бўлса ҳам, башарий куч билан жанг қилмаяпмиз. Бизнинг жангдаги қурол-аслаҳамиз башарий эмас, балки қалъаларни яксон қилиш қудратига эга бўлган руҳий аслаҳалардир. Биз Худонинг қудрати билан сафсаталарга барҳам берамиз, Худо билимига қарши бош кўтарган ҳар қандай баланд иддаони қуритиб юборамиз...» (2 Кор. 10:3-5).

Болам билан тўғри мулоқот қила олишим учун менга донолик ато қил. Шайтоннинг зимдан иш кўришини мен биламан, шунинг учун Сенга суянаман, *Эй Худойим*, мен билишим керак бўлган нарсани ўзимга аён қилишингни сўрайман. Мен саросимага тушганимда, болам учун хавотир олганимда керак бўладиган ибодатни менга ўргат. Мендан беркитилган ҳамма нарсани менга кўрсат, барча сирлар очилсин. Агар мен нимадир қилишим керак бўлса, нима

қилишни менга кўрсат. Менга боламни тарбия қилишда берган ёрдамнинг учун Сенга миннатдорчилик билдираман.

Эй Худойим, бугун мен ўғлимни (қизимни, болангизнинг исми) Сенинг қўлларингга топшираман, Сендан илтимос қиламан: уни тўғри йўлга бошла, ҳимоя қил, ҳаётдан ўрин олишга интилаётган гуноҳни унга кўрсат. Унинг юрагини забт қилмоқчи бўлган шайтон билан кураша олиши учун боламга куч бер. Боламга душман яқинлашаётганини сезишни ўргат, токи зарур пайтда у Сени қидирсин, Сендан таянч ва бошпана топа олсин. У Сенга шундай сўзлар билан мурожаат қила олсин: «Яширин хатолардан мени поклагин...!» (Забур 7:13).

Мен Сенинг Каломингни барчага ёман: «Раббий уни ҳар қандай ёмон ишлардан халос қилади ва Ўзининг самовий Подшоҳлигига соғ-саломат киргизади...» (2 Тим. 4:18).

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Осмон Шоҳлигининг очқичларини сенга бераман.

Ер юзида сен нимани боғласанг, осмонда ҳам боғланган бўлади. Ер юзида сен нимани ечсанг, осмонда ҳам ечилган бўлади.

Матто 16:19

Шундай қилиб, улардан қўрқманглар! Чунки очилмай қоладиган ҳеч қандай яширин нарса йўқ, маълум бўлмайдиган ҳеч қандай сир ҳам йўқдир.

Матто 10:26

Ҳосил албатта жазосиз қолмайди, солиҳнинг эса авлодлари ҳам нажот топадилар.

Ҳикмат. 11:21

Эй Эгам, Сенга ишонурлар Сени танийдиганлар,
Сенга юз бурганларни Ўзинг тарк этмассан.

Забур 9:10

Менга илтижо қилсанг сенга жавоб бераман, сен билмайдиган буюк ва ақл бовар қилмайдиган сирларни сенга айтаман.

Ерм.. 33:3

29-БОБ

ФАРЗАНД АҚЛЛИ БЎЛИШИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАК

Менинг болам нотаниш одамнинг машинасига ўтириш мумкин эмаслигини билармикан? Чуқур сув ҳавзалари ёнида ўйнаш мумкин эмаслигини-чи? Бу хавфлими? Менинг ўғлим ёки қизим гиёҳвандлик моддасини татиб кўришни таклиф қилаётган тенгдошларига «йўқ» дея оладими? Менинг ўғлим ўзига умуман мос келмайдиган қизга, менга турмушга чиқ, деб таклиф қилмайдими? Фарзандларим яқинлашиб келаётган хавфни олдиндан сеза олармиканлар? Болаларимизнинг бежавотирлиги ва хотиржамлиги кўп вазиятларда уларнинг ўз қарорларига боғлиқдир. Аммо ана шу қарорларнинг оқибатлари ҳақидаги фикр ҳар қандай ота-онани ҳам ваҳимага солади.

Агар болаларимиз эсли, ҳушли бўлмасалар, ҳақиқат ва ёлғонни ажрата олмасалар, Худо овозини эшитмасалар, биз улар қабул қиладиган қарорларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қила олмаймиз. Бундай марҳаматларга эришишнинг ягона йўли — бу Худодан шуларни ҳадя қилишни сўраб ибодат қилишдир. Муқаддас Китоб бизга шундай дейди: «Агар сизлардан бирор кишининг ҳикмати

камлик қилса, ҳаммага самимият билан, таъна қилмасдан берувчи Худодан сўрасин, Худо унга беради» (Ёқуб 1:5).

Қачонлардир сизда ҳаётингиз вазиятларини Худо бошқараётгани ҳақида туйғу пайдо бўлганми? Масалан, сиз қилган қарорингиз биринчи қарашда ғалати бўлиб кўринади, аммо оқибатда эса у тўғри бўлиб чиқади. Эҳтимол, бир куни сиз светофор рухсат берса ҳам чапга бурилмадингиз. Аммо агар бурилганингизда қизил чирокка қарамай учиб келаётган машинага урилиб кетган бўлардингиз. Сиз тўғри йўл тутдингиз, лекин бу сизнинг хизматингиз эмас. Баъзилар буни тасодиф деб аташади, мен эса бунда Худо хизматини кўраман.

Биз болаларимиз ақли, эсли-хушли бўлишларини хоҳлаймиз. Чунки катта бўлиб, улар ҳаётларида қанчадан-қанча муҳим қарорлар қабул қилишлари керак. Менинг ўғлим ўрта мактабни тугатиб, муайян бир қарор қабул қилиш вазифаси олдида турганда, мен нафасимни ичимга ютиб, бир ўзим у учун ибодат қилардим. «Раббий, унга ақл бер, ҳар бир қилган ишини Ўзинг аниқ бошқар». Худо бу ибодатимга жавоб берди. Ўшанда Кристофер қабул қилган қарори тўғри эканлигига биз бугун ишонч ҳосил қиляпмиз, унинг бу қилмишининг асл сабаблари эса фақат Худога аёндир.

Муқаддас Китобда бу ҳақда жуда яхши айтилган: «Ақли ўғил отани хурсанд қалади, аҳмоқ ўғил эса —

онанинг шўри» (Ҳикмат. 10:1). Ҳақиқатдан ҳам, ўғли тўғри қарор қабул қилса, отасидан ҳам кўра ким кўпроқ севинади, ёки ўғли ахлоқлик қилган онадан кўпроқ ҳам чекадиган одам бормикан? Оятлар бизни: «Агар ақлли бўлишга даъват қилинсанг», худди хазина ахтаргандек «уни ахтарсанг», ўшанда Худо ҳақидаги билимларни эгаллаймиз» (қаранг: Ҳикмат. 2:3-5) деб ўргатади. Мен ишонаманки, биз муҳтожлик сезган барча билимлар, маълумотлар, донишмандлик Худода мужассамдир. Келинлар, Худога ибодат ила мурожаат қилайлик, ўзимизни бахтсизликлардан асрайлик.

Ибодат

Эй, Раббий, менинг фарзандим (болангизнинг исми)га донишмандлик, яхшини ёмондан ажрата олиш қобилиятини ато қилишингни Сендан сўрайман. Ўз тасаввурлари қандай бўлишидан қатъий назар, Сенга ишонишга, барча ишларида Сени кўра олишга ўргат (Ҳикмат. 2:3-5). Унга яхшини ёмондан ажрата олишни, қуйида гапирётган Муқаддас Рухнинг овозини эшитишни ўргат: «Мана йўл, шу йўлдан боринг» (қаранг: Ишаё 30:21). Мен биламанки, Унинг бахти Сенинг Каломинг келтирадиган узоқ умр, бойлик, шон-шараф, зафар, қувонч, шукроналик ва бахтни қабул қилишига боғлиқдир. Мен ана шуларнинг бари унинг ҳаётига Сенинг марҳаматинг бўлиб келишини хоҳлайман.

Сенинг Каломингда шундай дейилган: «Эгамиздан кўрқиш — доноликнинг бошидир, Худони билиш — идрокдир» (Ҳикмат. 9:10). Сенинг қудратингдан кўрқиш ва Сени тан олиш фарзандим ҳаётининг пойдеворига айлансин. У хато қилмаслик учун муҳим қарор қабул қилишдан илгари доимо Сенга мурожаат қилсин. Ақлнинг барча хазиналари ва ҳамма билимлар Сенда эканлиги ҳақидаги, биз сўраган пайтимизда уларни беғараз бизга беришинг ҳақидаги ҳақиқатни унга оч. Эй Худойим, у донишмандликни Сендан ахтарсин. Эй Парвардигор, Сендан ўтиниб сўрайман: у тинчлик ва ҳаёт йўлидан бориши учун, сўраган ҳамма нарсасини унга ортиғи билан бер.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Солиҳ отасининг бошини кўкка етказди, доно фарзанд уни хурсанд қилади. Ота-онанг сендан хурсанд бўлсин, сенга ҳаёт берган онанг шод бўлсин.

Ҳикмат. 23:24-25

Доноликнинг боши шудир, доно бўл, бор-йўгингни
бериб бўлса ҳам идрок ол. Уни хурмат қил, сени
қўкка қўтаради. Уни қучгин, сени шон-шухратга
эриштиради.

Ҳикмат. 4:7-8

Эгамнинг қонуни мукамалдир, Бизга у янги куч
ато этади, Эгамнинг фармонлари ишончлидир, гўр
ёшларга донолик беради.

Забур 18:8

Юрагингга донолик киради, руҳинг эса билимдан
завқланади. Фаҳм-фаросат сени ҳимоя қилади, ақл-
идрок эса қўриқлайди. Ёмон йўлдан, ёвуз
гапирадиганлардан асрайди.

Ҳикмат. 2:10-12

Доноликка эришган, ақл-идрок топган қандай
бахтлидир!

Чунки унинг нафи кумушдан, фойдаси эса
олтиндан ҳам афзалроқдир. У жавоҳирлардан ҳам
азиздир, сен тилаган бирор нарса Унга тенг
келмайди. Унинг ўнг қўлида узоқ умр, чап қўлида
эса бойлик ва шон-шухрат бор. Йўли — шодлик
йўли, барча сўқмоқлари тинчдир. Донолик уни
ушлаб турганлар учун ҳаёт дарахти кабидир, Уни
асраганлар эса бахтлидир.

Хикмат. 3:13-18

30-БОБ

ФАРЗАНД ИШОНЧИ КЎПАЙИШИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАК

Мен ўсмирларнинг ота-оналаридан: «Менинг ўғлимни ҳеч нарса қизиқтирмайди», «Менинг қизим уйда худди бир нарсасини йўқотган одамдай мақсадсиз юради», «Ўғлимни мактабдан ҳайдашяпти, унга эса барибир», «Менинг қизим ҳаётга бўлган қизиқишини бутунлай йўқотган» каби сўзларни жуда кўп эшитганман. Ушбу воқеаларнинг ҳаммасида болалар яшашнинг мазмунини йўқотиб қўйганлари учун азоб чекканлар. Йўқотганларига сабаб шуки, улар Худога ва Унинг Каломига ишонмайдилар.

Ишончи йўқ болаларга яшаш жуда қийин. Улар ҳаётнинг яхши томонга ўзгаришига умид қилмайдилар, ҳаётдаги ўз вазифаларини тушуниб етмайдилар. Бундайлар соатлаб телевизор олдида ўтирадилар, бу ҳар куни, ҳар ой давом этади. «Саргузашт» ахтариб кўчаларда санғийдилар, одатда ахтарганларини топадилар. Худога ишонмайдиган болалар ўз вақтларини худди ўзларидай эътиқодсиз болалар билан ўтказадилар. Бу тарбияси қийин деб аталадиган болаларнинг муаммосидир. Бундайлар Исо улар учун ҳалок бўлганини билмайдилар (қаранг: Рим. 5:8), улар Севгувчи Худонинг фарзандлари эканликларини

(қаранг: Юҳ. 1:12), уларнинг ўзига хос мақсадлари ва вазибалари (қаранг. 1 Кор. 7:22) борлигини ҳам, уларнинг келажаги порлоқ эканлигини ҳам (қаранг: 1 Кор. 2:9) билмайдилар. Шунинг учун уларнинг қўлларидан ҳамма иш келишини ҳам тушунмайдилар (қаранг: Рим. 8:37). «Эътиқодли киши ҳамма имконга эга» бўлишини (Марк 9:23) ва уларнинг келажаги ажойиб эканлигини улар билмайдилар. Бундай болалар фақат ўзларининг камчиликларини, муваффақиятсизликларини ва катталарнинг ҳар кунги жанжалларини кўрадилар. Шунинг учун уларнинг ҳаётдан кўнгиллари совиб кетган, улар ҳеч нарсани исташмайди.

Аммо ўзининг мукамал эмаслигини англаш доим ҳам ишонч йўқлигидан гувоҳлик бермайди. Аммо ўзини тушкун ҳис қилган киши беихтиёр, Худонинг ҳам имкониятлари чегараланган деб, ўйлай бошлайди. Натижада унинг ишончи заифлашади. Агар болалар ягона, ишончли, ўзгармас ва қудратли ҳаёт булоғига ишонмасалар, хавfli ва беқарор бўлиб туюлган ўз келажакларига, ўзларига қандай ишонсинлар?!

Ҳозир бир болани ўстириб, уни мустақил ҳаётга йўллаб, болаларимиз ота-оналарининг уйларида олиб кетадиган ягона нарса — бу эътиқод эканлигини тушундим. Агар биз болаларимиз қалбида Худога ва Унинг Каломига мустаҳкам ишонч борлигига, уларнинг юракларида Раббий севгиси

яшашига ишонч ҳосил қилсақ, шундагина хотиржам бўламиз, чунки улар тўғри йўлда бўладилар, уларнинг ҳаётлари абадий бўлади. Бунга эришишга эса уларга асосан бизнинг ибодатларимиз ёрдам беради.

Исони ҳар куни кўрган, Уни ҳар куни эшитган, шарафли ишларининг гувоҳи бўлган ҳаворийлар Ундан: «...имонимизга имон қўш» (Лука 17:5), деб сўраганлар. *Биз ҳам болаларимиз учун ибодат қилиб илтимос қилаётганимизда шу ҳақда сўрашимиз мумкин.*

Сиз билан биздан кўра кўпроқ мўъжизаларни кўрган исроилликлар, ишончлари йўқлиги учун ҳам, ўзларига ваъда берилган муқаддас юртга киришларига рухсат берилмаган (қаранг: Ибр. 3:19). Биз ҳам болаларимизнинг заиф эътиқоди улар учун Худо тайёрлаган меросни олишларига ҳалақит беришини хоҳламаймиз. Биз уларнинг юракларига ишонч уруғини экадиган Худонинг Каломига болаларимизни ўргатишимиз, унинг ўсиши учун ибодат қилишимиз керак.

Имонли болалар ўзларининг Худобаишонмайдиган тенгдошларидан фарқ қиладилар: имонли болалар ўзларига кўпроқ ишонадилар, мақсадларига кўпроқ интиладилар, бахтлироқдирлар, келажакка кўпроқ ишонадилар, бошқаларга нисбатан самимийроқ муомалада бўладилар. Ишончи кучли одамнинг энг муҳим хислатларидан бири — сахийликдир, бошқалар билан

баҳам кўриш ҳислатига эгадирлар. Улар нафақат пулларини, моддий бойликларини бўлишганлар, балки вақтлари ва меҳр-муҳаббатларини ҳам бир-бирларидан аямайдилар. Имонли бола доимо ёрдамга келишга тайёрдир. Имонли киши Худо меҳрига тўладир. Ҳар доим бошқаларга шу меҳрни тарқатиш йўлларини излайди.

Муқаддас Китоб шундай дейди: «Эндиликда бу уч нарса қолади: ишонч, умид, севги. Севги эса энг аълосидир» (1 Кор. 13:3). Осмонда бизга ишонч керак бўлмайди, чунки биз ҳамма нарсани ўз кўзларимиз билан кўрамиз. Умид ҳам у ерларда керак бўлмайди, чунки биз ишонган нарсаларимизнинг ҳаммаси ҳақиқатга айланади. Фақат меҳр-севги йўқолиб кетмайди, чунки Худонинг Ўзи меҳр, севгидир, У эса абадийдир. Шунинг учун биз қандай улўф ишларни бажармайлик, бошқаларга қанча кўп нарса бермайлик, агар буни севгисиз қилсак, бунинг ҳеч фойдаси йўқдир. «Агар бутун ер-мулкимни тақсимлаб берсам, ҳатто баданимни ёндиришга топширсам-у, лекин севгим бўлмаса, менга ҳеч фойдаси йўқ» (1 Кор. 13:3). Севги билан амалга оширилган ишлар абадий қолади, улар учун мукофот — бу ҳаёт гулчамбаридир.

Севги — бу буюк бойлиқдир. У ишончдан бошланса ҳам, ундан кучлироқдир. Шунинг учун биз болаларимизнинг ишончлари ортиб, улар Худо қўлидаги қуролга айланишлари учун ибодат қилишни бошлаймиз.

Одатда одамлар бошқалар билан бўлишмайдилар, чунки ўзларига етмай қолишдан, ҳеч нарсага қилишдан қўрқадилар. Бунинг бошқа сабаби — уларнинг юракларида инсонларга нисбатан Раббий севгиси йўқ. Келинлар, болаларимиз бошқалар билан севгисини бўлишишлари учун, аммо буни фақат Худога ишонч билан, *оқилу донишмандлик* билан, Муқаддас Рух бошқарувида қилишлари учун ибодат қиламиз. Агар улар шу тамойилга амал қилсалар, уларнинг ҳаётлари Раббий марҳаматига сазовор бўлади.

Биз ўз фарзандимиз учун чин дилдан ва қизгин ибодат қилганимизда, ўзимиз ҳам ибодатга, озоликка ва янгиликка муҳтож эканлигимизни ҳис қиламиз. Болаларимиз кечиришни ўрганишлари учун қиладиган ибодатларимиз, агар ўзимиз ранж-аламларни ёддан чиқармасак, самара берармикан? Агар бизнинг қалбимизда тавба қилинмаган гуноҳимиз бўлса, болаларимизга тавба қилишни ўрганишлари ҳақида ибодат қилиш учун кучни қаердан оламиз? Агар ўзимиз турли-туман шубҳалар билан курашсак, қандай қилиб Худодан болаларимизнинг ишончларини оширишни сўрай оламиз? Агар ўзимиз мурувватли бўла олмасак, қандай қилиб фарзандларимизга севишни ўргата оламиз? Мени ҳам ана шу шубҳа-гумонлар қийнайди, аммо мен ибодат қилишни тўхтатмайман. Мен Худонинг олдида итоаткор юрак билан келаман, гуноҳларимга тавба қиламан, Ундан ёрдам сўрайман.

Агар сиз ишончингиз заиф эканлигини сезсангиз, Худо олдида буни тан олинг. Шу бобнинг охирида берилган ибодат билан ўзингиз учун, сўнг фарзандингиз учун ҳам ибодат қилинг. Муқаддас Китобда шундай дейилган: «...эътиқодга асосланмаган ҳар бир иш — гуноҳдир» (Рим. 14:23). Агар биз шубҳалансак, биз Худога итоат қилмаган бўламиз. Агар биз ишонсак, биз итоаткор бўламиз. Шубҳалар Худо қудратига ишончсизликдан келиб чиқади. Ўзингизнинг заиф ишончингиз сиз билан Раббий орасида девор пайдо қилишига йўл қўйманг. Яхшиси, у сизнинг ишончингизни ошириши учун, *болангизнинг* ишончини ошириш учун Худога зудлик билан мурожаат қилишга сабаб бўлсин.

Гарчи биз ушбу китобдаги ибодатлар рукнини тугатсак ҳам, мен буни Худо болаларингизнинг муҳтожликлари учун янги йўллари кўрсатувчи ибодатнинг боши, деб ҳисоблайман. Ибодат қилувчи ота-она сифатидаги сизнинг кучингиз, сизга Худодан берилган кучдир, сизнинг ибодатларингиз эса Худо иродаси бажарилиши учун керак бўладиган кучни озод қилади. Бу кучга сиз бемалол эга бўла оласиз; у ҳеч қачон тугамайди, фақатгина сизнинг Раббий жавоб беришига бўлган заиф ишончингиз унга тўсиқ бўла олиши мумкин. Аммо бу вазиятда Худо марҳамати шундай таъсир қиладики, ҳатто бизнинг жуда кам миқдордаги ишончимиз ҳам худди уруғга ўхшаб барқ уриб униб чиқади.

Келинлар, бошқа ота-оналар билан ибодатда бирлашайлик ва шундай дейлик: «Бизнинг ибодатда экилган ишончимиз уруғи болаларимизга ҳаёт олиб келсин, юраклари Худога қараган катта одамлар бўлиб етишишларига ёрдам берсин».

Ибодат

Эй, Раббий, Сен Ўз Каломингда ҳар бир киши учун «имон миқдорини» белгилаб бергансан (Рим. 12:3). Сендан илтимос: боламнинг юрагида Ўзинг эккан имонни орттир. Унинг юрагида Сенинг Каломинг ҳақиқати мустаҳкамлансин, доимо унга йўл кўрсатиб турсин. Менинг фарзандим ўзгариш учун Сенинг бошқарувингни ахтарса, ҳар гал фақат Сенга ишонишни ўрганишига ёрдам бер. Сенга ишониш керакми ёки йўқми — буни ўзимиз ҳал қиламиз. Менинг болам тўғри йўл танлай олишига ёрдам бер. Менинг болам Сенга ишонч билан мурожаат қилишини Сендан сўрайман. Унинг ишончи «имон билан биз кўрмайдиган мавжудотга амин бўлсин» (қаранг: Ибр. 11:1). Эй Худойим, Сендан илтимос қиламан: фарзандимга шундай ишончни ато қилгинки, токи ишончи боламини ҳар қандай вазиятдан ва муваффақиятсизликлардан олиб чиқиб баланд кўтара олсин. Ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилишига унинг ишончи ортсин (қаранг: Рим. 8:28).

Ўғлим (қизим, болангизнинг исми)нинг Сенга бўлган ишончи унинг ҳаётидаги энг муҳим нарса эканлигига қаттиқ

ишонсин. У Сенинг хузурингга ҳеч бир тазйиқларсиз ўз ихтиёри билан келсин. Мен ўзим бу дунёни тарк этганимда, боламнинг эътиқоди «қаттиқ ва маҳкам туришини, ҳамиша Раббий хизматида янада ғайратли бўлишини» (қаранг: 1 Кор. 15:58) ва кучли ишонч ҳосил қилишини хоҳлайман.

Менинг фарзандим Сенга ишониб бошқаларга қуйиладиган севгига тўла, ўзгалар билан бўлиша оладиган, Сенинг қоидаларингга биноан яшай оладиган, Ўзинг ато қилган юракка эга бўлиши учун ибодат қиламан. Бошқалар билан севгисини бўлишганда, у ҳеч нарса йўқотмаслигини, аксинча, янада кўпроқ севгини қўлга киритишини унга аён қил. Менинг фарзандим «имон қалқонини қўлига олиб, у билан ёвуз шайтоннинг киздирилган ҳамма ўқларини ўчира олсин» (қаранг: Ефес. 6:16) ва: «Менга қувват берган Раббимиз Исо Масихга шукур қиламан, чунки У мени ишончли ҳисоблаб, Ўз хизматига олди...» (1 Тим. 1:12) деб ўз ишончида қатъий туриши учун ибодат қиламан. Буларнинг барчаси учун Раббимиз Исо Масих номи билан ибодат қиламан.

МУҚАДДАС КИТОБДАН
сизнинг ибодатларингизни таъсирчан
қиладиган оятлар

Ишонмасдан эса Худонинг розилигини
топмоқнинг имкони йўқ. Ким Худога
яқинлашмоқчи бўлса, Унинг борлигига ишонмоғи

лозим, Худо Уни изловчиларга мукофот беришига
эътиқод қилмоғи шарт.

Ибр. 11:6

Шунинг учун сизларга айтайин: сизлар ибодат
қилиб нимаики сўрасангиз, ўша нарсани
олишингизга ишонинг, ўша нарса сизларники
бўлади.

Марк 11:24

Чиндан, сизларга айтаманки: агар бир хантал
донидай ишончингиз бўлса-ю, бу тоққа: «Бу ердан
у ерга кўч», — деб айтсангизлар, у кўчади. Сизга
ҳеч бир нарса имконсиз бўлмайди.

Матто 17:20

Лекин ҳеч шубҳа қилмасдан, имон билан сўрасин.
Чунки шубҳа қилувчи киши шамолда тебранган
денгиз тўлқинига ўхшайди. Ўзининг бутун
йўлларида беқарор, иккиланувчи бундай одам
Раббимдан бирор нарса оламан, деб хаёл
қилмасин.

Ёқуб 1:6-8

Яхшилик қилишдан безмайлик. Агар бўшашмасак,
ўз вақтида бунинг ҳосилини ўриб оламиз.

Фурсатимиз бор экан, ҳаммага, айниқса,
ўзимизнинг аҳли мўминга яхшилик қилаверайлик.

Гал. 6:9-10

ИЛОВА

БОШҚА ОТА-ОНАЛАР БИЛАН БИРГА ФАРЗАНДИНГИЗ УЧУН ИБОДАТ ҚИЛИНГ

Бир неча марта болаларимиз учун жамоа бўлиб ибодат қилиб турдик. Ибодат мажлисларини ташкил этиш учун қилган ҳаракатларимдан сўнг, мен, ниҳоят, ана шундай ибодатларни ўтказиб туриш кераклигини тушундим. Ана шундай мажлисларимизда йигирматадан ортиқ боланинг илтимосини акс эттирмаслик кераклигини мен тушундим. Чунки ҳар бир боланинг муҳтожликларини илтимос қилиш учун 20-30 дақиқа вақт кетарди. Демак, йигирмата боланинг илтимосига ибодат қилиш учун олти соат вақт керак. Ота-оналар ибодатга жуда кўп вақтларини кетказардилар. Болалар эса шунча вақт давомида ўзларини чидам билан ушлаб турардилар. Шунинг учун биз ота-оналар билан бундай учрашувларни йилига бир ёки икки мартаба-ё шанба, ёки байрам кунлари ўтказишга қарор қилдик.

Биз ибодат мажлисимизни соат 2 да бошлардик, кейин 5 да ёки 5.30 да танаффус ўтказардик. Сўнг ибодат соат 8.30 гача давом этарди. Баъзида ўзимиз билан бирон бир емиш олиб келардик. Баъзида эса овқатни уйга келтиришга буюртма берардик. Катталар ибодат қилиб бўлгунга қадар,

биз ўсмир ёшлардан, кичкинтой болалардан хабар олиб туринглар, деб илтимос қилардик.

Бир оиланинг ҳамма болалари учун бир вақтда ибодат қилиш унчалик маъқул эмас экан. Чунки ибодатдан сўнг бу оила уйга кетишга отланарди. Баъзилар фақат ўзлари учун ибодат қилишга келишарди, ёки болани ибодат учун ташлаб кетиб, кейин яна олиб кетишга келишарди. Бундай ҳолатларни биз қуллаб-қувватламас эдик. Фақат бир марта боласини якка ўзи тарбиялаётган онанинг илтимосини бажардик, чунки у ишда бўлганлиги сабабли, ўзи ибодатда қатнаша олмади. Бундай мажлисларда ҳамма ота-оналар барча фарзандлари учун *бутун* ибодат давомида бирга бўлишлари керак. Бундай вазиятларда кишилар *нима қилиш* кераклигини олдиндан билишлари шарт, токи улар ўйлаб олишсин, шунга тайёрмилар, ёки йўқми, ўзлари ҳал қилишсин.

Биз ишни ибодатда қатнашадиган оилаларнинг рўйхатини тузишдан бошлардик ва фаолиятимиз навбатини белгилардик. Кейин эса навбат билан — олдин оиланинг тўнғич фарзандлари учун, сўнгра кичикроқлари учун ибодат қилишни бошлардик.

Биз доимо ота-онанинг боласи учун хавотирликларини, шунингдек, уларнинг фикрича, қизлари ёки ўғиллари эшитишлари керак бўлмаган, ўзига хос эҳтиёжлари ҳақида ва фарзандлар эшитмаслиги учун уларнинг йўқлигида

ибодатни бошлардик. Шу бола учун биз ибодатда Раббийдан, унинг соғлигини мустаҳкамла, уни ҳимоя қилгин, унинг ҳаракатларини бошқар, ўз қобилиятлари ва истеъдодларини ривожлантиришда унга ёрдам бер, дкб сўраймиз, жуда андиша билан боланинг ота-онаси эслатган ўзига хос муаммо ҳақида ибодат қиламиз.

Масалан, бир аёл ўғлининг баъзи бир дўстлари унга ёмон таъсир кўрсатишидан хавотирланар эди. Бола *йўқлигида* ибодат қилганимизда, унинг аниқ дўстлари учун илтимос қилдик. Боланинг *ёнида* ибодат қилганимизда эса, биз Худодан, болага Раббий йўлидан юрадиган дўстларни имонсизлардан ажрата билишни ўргат, деб сўрадик. Бундай вазиятда бола ўзини айбдордай эмас, балки сеvimли эканлигини ҳис қилиши учун андиша билан иш тутиш жуда муҳим.

Кўп йиллар мобайнида биз оилалар билан бирга ибодат қилдик. Ҳозирда бирга қилинган ибодатларимизнинг болалар ҳаётига таъсири, ибодатларга олинган жавоблар ҳақида миннатдорчилик билан сўзлайдилар. Болалар ҳам ўзларини керакли ва сеvimли деб ҳис қилган ўша мажлисларни қувонч билан эслайдилар.

Ота-оналар ўзларидан узоқда яшайдиган катта ўғиллари ёки қизлари учун ибодат қилишни сўраган

пайтлари ҳам бўлган. Бу ота-оналар ҳам бизнинг ибодатларимизнинг самараси ҳақида гувоҳлик берадилар.

Ота-оналар бирга ибодат қилганларида қанчалар одамлар ҳаёти изига тушди, нечтаси ҳали яна туширилади — буни ким билади?! Сиз ҳам шундай ибодат гуруҳларини ташкил қилишга шошилинг. Бунга бўлган эҳтиёж жуда катта. Агар сиз шунга қарор қилсангиз, одамлар албатта ёнингизга келишади.